

ИСЛОМ ВА ЗАМОН

СЎЗ БОШИ

“Ислом ва замон” китоби мусулмонларнинг бугунги муаммолари, келажак авлодни, қизларни мактабларда яхши ўқитиш, мактаблардаги таълим сифатини яхшилашга ҳаракат қилиш, ички зиддиятларни йўқотиш, инсон ҳуқуқлари масаласи, бошқа динлар одамлари билан яхши муносабат ўрнатиш, демократиянинг мусулмонлар ҳаётидаги ўрни, мусулмонларнинг демократик принципларни қўллашлари ислом асосларига мувофиқ ва зарурлиги ҳақида ёзилган. Ҳозирги кундаги энг долзарб масала - ислом ва терроризм ҳақида фикрлар билдирилган. Терроризм исломнинг принципи эмас, исломни нотўғри тушунган ва тушунтираётган ғаламис одамларнинг принципи экани исботлаб берилган. Китобнинг охирида бу муаммоларни йўқотиш учун қилиш керак бўлган ишларнинг дастури берилган.

Бу китобнинг чиқиши мамлакатимизда ривожланган демократик давлат мустаҳкамланишига ёрдам қилади деб умид қиламан.

Охирги маҳаллардаги, одамлари тинчликсевар шундай жаннатмакон юртимиздаги террористик хуружлар, безовталиклар мени бу масалани чуқурроқ ўрганиб, асримиз вабосига айланиб бораётган терроризмнинг кўпайиб бораётгани, ҳамда саломатлик, инсонпарварлик дини бўлган ислом динидаги юртдошларимиз орасидан бу касалга чалинганлар сони кўпайиб кетаётганининг сабабларини диний ва дунёвий нуқтаи назардан таҳлил қилиб чиқишга, ўз хулосаларимни сизлар билан ўртоқлашишга мажбур этди. Қуйида мусулмонларнинг айнан бугунги кундаги муаммолари ва уларни бартараф этиб, дунё ҳамжамияти орасида муносиб ўрин эгаллашлари учун қилиш керакли бўлган ишлар ҳақида ёзилган китобимни эътиборингизга ҳавола этмоқчиман.

Ҳабибулло Ҳаким
 “Science progress” халқаро
 (таълимни ривожлантириш)
 хайрия фонди раиси

МУҚАДДИМА

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Алҳамду лиллаҳ, вассолату вассаламу алаа росулиллаҳ.

Ассалому алайкум муҳтарам ўқувчи.

Дунё ва дин илмларини ўқиб, тушуниб, фикрлаб, ислом оламидаги мавжуд камчилигу нуқсонларни баҳоли қудрат таҳлил этиб, ўз фикрларимни сизлар билан ўртоқлашиш учун бу рисола ни ёздим. Ислом оламидаги жиддий маънавий ва моддий таназзул ҳар бир қалби уйғоқ, соф ниятли, камтар, фикрли инсонни ўйлантирмаслиги мумкин эмас. Баъзи ўринларда, фикр-мулоҳазаларимнинг бир қадар қалтислиги сиз муҳтарам ўқувчини бироз чўчитсада, масаланинг ўта жиддийлиги туфайли китобни охиригача ўқийсиз ва холис баҳолайсиз деган умиддаман.

Ислом умматининг бугунги ҳолати ва келажаги, дунё халқлари орасидаги тугган ўрни, улар билан муносабати масалалари, мавжуд маънавий ва моддий таназзулдан чиқиш йўллари ҳақида сизларнинг ҳам қимматли фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламан.

Зеро, тақво - ислом умматининг камчилигу-нуқсонларини беркитиш, хаспўшлаш, тарафкашлик қилиш эмас, балки кўрқмай бу камчилик ва нуқсонларга тик қараб, холис анализ қилиш ва уларни ўнглашга ҳаракат қилиш демакдир.

Тўғри, Ислом дини, Қуръони карим араб тилида нозил бўлган. Аксар толиби-илм юртдошларимиз диний мавзуда фақат араб уламолари гапиришга, фикр билдиришга ҳақли деб ҳисоблайдилар ва фақат ўша тарафдан келган китобларни, фикрларни тан оладилар. Ҳолбуки, ислом умматининг бугунги аянчли аҳволга тушишида, исломий таълимотга эгалликни монополия қилиб олган араб уламоларининг “хизматлари” катта бўлганини ҳам унутмаслик лозим.

Аслида бу ДИН бутун оламга раҳмат бўлиб келган ва шу РАҲМАТ номига муносиб ҳолатда бўлишига, миллати ва ирқидан қатъий назар, ҳар бир соф ниятли, зиёли, фикрли, соғлом ақл эгаси ўз ҳиссасини қўшишга ҲАҚЛИДИР.

Аллоҳ бизни яхши мақсадларимизга етишимизни муяссар айласин.

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ	0
МУҚАДДИМА	0
ИСЛОМ ВА ЗАМОН;	1
1- ТАРҚОҚЛИК	4
2 - ШАКЛПАРАСТЛИК ВА РИЁКОРЛИК	5
3 - ИНСОН ҲУҚУҲЛАРИ МАСАЛАСИ	6
4 - ДУНЁВИЙ ИЛИМЛАРГА ЭЪТИБОРСИЗЛИК	7
5 - АЁЛЛАР МАСАЛАСИ	8
6 - ЛОҚАЙДЛИК ВА МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК	9
ИСЛОМ ВА ДЕМОКРАТИЯ	11
ИСЛОМ ВА ФИКР ЭРКИНЛИГИ	17
ИСЛОМ ВА ШАРИАТ	19
ИСЛОМ ВА СИЁСАТ	23
ИСЛОМ ВА ЭҲСОН	25
ИСЛОМ ВА АМАЛЛАР	27
ИСЛОМ ВА ИНСОН	31
ИСЛОМ ВА УМУМИЙ ТАЪЛИМ	35
ЯГОНА ЧОРА – АСЛГА ҚАЙТИШ	39
ИСЛОМ ВА АҲЛИ КИТОБ	50
ИСЛОМ ВА ТЕРРОРИЗМ	58
ИСЛОМ ВА МАЗҲАБЛАР	63
ИСЛОМ ВА ОИЛА	67
ИСЛОМ ВА ИСТИҚБОЛ	69
ДАСТУР	71
ХУЛОСА	75

ИСЛОМ ВА ЗАМОН

Парвардигори Олам Одамни лойдан яратиб “Мен ер юзида халифа (ўринбосар) яратувчиман” деди ва жамии фаришталарни Одамга сажда қилишга буюрди. Барча фаришталар Аллоҳнинг амрига биноан Одамга сажда қилдилар. Фақат Иблис бош тортиб, кибр қилиб, Аллоҳнинг амрига бўйсунмай, Одамга сажда қилмади ва кофир бўлиб Аллоҳнинг қаҳрига дучор бўлди. Бу ҳолатга тушиш сабабини ўздан кўрмай Одамни айбдор санаган кибрли Иблис то қиёмат Одамга душманликни, уни тўғри йўлдан адаштиришни ўзига мақсад ва касб қилиб олди.

Узоқ инсоният тарихи давомида, жуда катта илм ва имкониятга, ҳийла найранглар қилиш иктидорига, одамзотнинг томирида қонга аралашиб юриб иғво қилиш кудратига эга шайтон, одамзотнинг жуда катта бахтсизликларига, сонсиз-адоқсиз бир-бирларининг ёстиғини қуритадиган қонли урушларига сабаб бўлди. Шайтоннинг инсонни аврашидаги энг муғомбирона, айёр услубларидан бири ёмон нарсани яхши, яхши нарсани ёмон қилиб кўрсатиш услубидир.

Аллоҳ таоло инсонни шайтон иғвосидан қутқариш, Ўзи айтганидай ер юзида Аллоҳнинг ўринбосари деган унвонга лойиқ яшашини ўргатиш учун кетма-кет элчилар, набийлар, пайғамбарлар жўнатиб, тўғри йўлни кўрсатиб турди. Баъзи маълумотларга кўра, Аллоҳ таоло ер юзига 124 минг дан ортиқ пайғамбарлар юборган. Булардан энг охиргилари ва китоб берилганлари Мусо, Довуд, Исо ва Муҳаммад алайҳис-саломлардир. Мусо алайҳис-саломга Тавротни, Довуд алайҳис-саломга Забурни, Исо алайҳис-саломга Инжилни нозил қилган. Охирги пайғамбар Муҳаммад алайҳис-саломга охирги китоб Қуръони каримни нозил қилди.

Шайтон ҳийлаларига алданмай, иймонли, мукамал инсон бўлиб яшайдиган, дунёю охираат саодатига лойиқ инсониятни тарбиялашда муҳим ролга эга бу китобларга ва пайғамбарларга иймон келтириш ислом шариатининг асосий шартларидандир.

Пайғамбаримиз с.а.в. 23 йил ичида буткул диндан беҳабар, бутпараст қавмларнинг ўзаро ички душманликларини, шу дин таълимотларини сингдириш йўли билан йўқотиб, бошини бирлаштириб, инсоният тарихида мислсиз намуна бўладиган жамиятни юзага келтирди. Инсонийлик, инсонпарварлик, ижтимоий адолат, сиёсат, иқтисод соҳаларида то қиёмат намуна бўларлик мукамал жамият барпо этганини ҳатто бошқа динлар вакиллари ҳам инкор этолмайдилар.

Пайғамбаримиз с.а.в.нинг инсонпарварлик, умматга меҳрибонлик борасидаги хулқлари, саҳобаларни бир-бирига жон фидо қилар даражада дўст, улфат қилиб тарбиялаганликлари, Мадинада узоқ замонлардан бери рақиб, душман бўлиб келган Авс ва Ҳазраж қабилаларини шу исломий диний таълимотлар билан содиқ дўстларга, биродарларга айлантирганликлари барчага маълум.

Росулulloҳ с.а.в. ер юзида 14 аср илгари юксак даражадаги адолат мезонини ушлаган бир жамиятни барпо этдилар.

Бинобарин, Аллоҳ таолонинг, закотни ислом ва мусулмонларга улфат қилиш мақсадида мушрик ва ғайридинларга бериш мумкинлиги ҳақидаги оятини амалга оширгани ҳолда, мушрикларнинг катталарига водий-водий қўйларни садақа қилганлари, бир яҳудийнинг ўлигини олиб ўтишаётганда, инсон зотига ҳурматан ўринларидан турганлари исломнинг моҳиятини, инсонпарвар, тинчликсевар, бағрикенг, мукамал дин эканининг яққол ифодасидир...

Ислорий жамият аъзоларининг ўзаро гўзал муносабатлари асоси бўлган, Аллоҳ таолонинг “Эй мўъминлар кўп гумонлардан сақланинг. Албатта, баъзи гумонлар оғир гуноҳдир. (Бировларнинг айбларига) Жосуслик қилиб юрманглар ва бир-бирингизни ғийбат қилманглар...” (Хужурот сураси 12 оят) деган кўрсатмаларини ҳаётга тўла татбиқ этгани сабаб юксак ахлоқли жамият барпо этдилар...

Ислом юртларидан жаҳон маданияти, илм-фани, тараққиётига салмоқли улуш қўшган жуда кўп олимлар, файласуфлар, шоирлар етишиб чиққан. Тарихнинг кўп қисмида ислом юртлари, мусулмонлар жаҳонда энг илғор, етакчи ролга эга бўлиб ўтганлар. Зеро, ислом динининг инсоният тарихидаги, тараққиётидаги ўрни жуда катта эканини ҳатто ислом динида бўлмаган одамлар ҳам сўзсиз тан оладилар...

Бироқ бугунги воқеълик, ислом оламининг дунёдаги тутган ўрни, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий майдондаги мавқеъи одамни чуқур ўйланишга, изланишга мажбур этади.

Айниқса кейинги 3-4 аср давомидаги ислом оламидаги ижтимоий-иқтисодий қолоқлик, таназзул, мусулмонлар ахлоқидаги жиззакилик, арзимас ихтилофлар туфайли нафс кўйига кириб, бир-бирларини асоссиз куфр ва муртадлиқда айблаш, “дин ҳимояси” шиори остида ўз шахсий эҳтиросларига берилиб эркин фикрлашга, изланишга бўлган ҳаракатларни бўғиш туфайли юзага келган носоғлом муҳит, битмас-туганмас ички зиддиятлар ислом жамиятининг янада орқага кетишига сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ваҳоланки, юксак ривожланган давлатларнинг шу даражаларга етишишида, маълум чегаралардан чиқмаган ҳолда эркин фикрлаш, ўз фикрларини баён этиш, эркин танқид қилиш, авторитаризм (обрўси баланд одамнинг мутлақ хато гапини ҳам тасдиқлайвериш)га йўл қўймаслик каби ижобий воситаларнинг роли жуда муҳимдир.

Шунга кўра, биз ҳам бир жойда, бир фикрда қотиб қолмай, диннинг асл ўзақларига, асосларига путур етказмаган ҳолда мавжуд муаммаларнинг, камчиликларнинг сабабларини излаш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш ҳақида эркин фикрлашга, изланишларга йўл беришимиз лозим...

Кимдир танқиддан оқилона хулоса чиқариб, раҳмат айтиб, ўнгланишга ҳаракат қилар экан. Кимдир савиясининг пастлиги, фақат мақтов ва хушомадлар эшитишга ўрганиб қолгани сабаб танқидни душманлик деб ҳисоблар экан.

Начора, ҳақиқат аччиқ, деб бежиз айтилмаган. Аллоҳ ҳеч кимни инсофдан айирмасин...

Маълумки, ислом дини Аллоҳ Таолонинг ер юзига юборган энг охириги ва мукаммал динидир. Шунга мувофиқ, ислом уммати ҳам, ҳар томонлама мукаммал, етук, Аллоҳ Таоло айтганидек “Одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат” бўлиши, бошқалар учун ўрناق бўларли даражада яшашлари керак. Минг афсуски, мусулмонларнинг бугунги дунё ҳамжамияти орасидаги тутган ўрни ниҳоятда ачинарли.

Бугунги юксак технология даврида жаҳон сиёсати ва иқтисодиётини “Катта саккизлик” давлатлари бошқармокда. Бу жараёнда ислом давлатларининг деярли таъсири йук. “Катта саккизлик” ўзининг навбатдаги йиғилишида ўз ҳарбийларининг Афғонистон ва Ироқда яна қанча вақт туришларини муҳокама қилишар экан, бу масалада мусулмон давлатларининг фикри, уларнинг риояси ҳақида сўз ҳам бўлмади.

Ислом умматининг сон-саноғи катта бўлгани билан, бу қадар шон-шавкати йуқотгани “мен мусулмонман” деган ҳар бир кишининг бағрини тилиши табиий.

Хўш, нима учун ислом уммати бир қибла, бир Куръон остида яшаб туриб, бу қадар тарқоқ, ожиз? “Катта саккизлик” давлатлари қайси бир ислом давлатига уруш очса, қўшни ислом давлатлари унга қарши туриш, норозилик билдириш ўрнига, кўпинча қандайдир иқтисодий ёки сиёсий манфаат эвазига уларга ёрдам бермокда...

Кечагина, иккинчи жаҳон урушида бир-бирининг миллионлаб одамларининг қонини тўккан Европа давлатлари, асрларга чўзилгудай гина-кудуратларини, адоватларини кечириб, ўзаро чегараларини йуқотиб, 27 та давлат бир давлатдай катта иттифоқ туздилар. Бу инсоният тарихида мисли кўрилмаган катта ютуқдир.

Зеро, ҳеч қандай сиёсий ёки иқтисодий мажбуриятсиз ихтиёрий тарзда бундай бирлашиш инсоният тарихида бўлган эмас.

Афсуски, бундай бирлашишнинг ислом давлатлари орасида ҳам содир бўлишини ҳатто тасаввур қилиш қийин. Чунки, улар орасида на ақидавий ва на сиёсий яқдиллик бор. Давлат бошлиқлари у ёқда турсин, дин пешволари орасида ҳам яқдиллик йуқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Юз йилча аввал бир ғайратли машҳур одам мусулмонларни бирлаштиришга анча уриниб, ҳаракат қилиб, охири ўз ҳаракатларининг самарасидан умид узиб;

-“ Мусулмонлар иттифоқ бўлмасликка иттифоқ қилдилар”- деб хулоса қилгани ҳам барчага аён.

Ваҳоланки, Пайғамбаримиз с.а.в. диндан мутлақо беҳабар инсонларни ягона дин байроғи остига жамлаган, бир-бирлари учун мол-дунёсинигина эмас, жонини ҳам фидо қилувчи яқдил инсонларга айлантирган эдилар.

Ҳозирги “Анбиёлар меросхўрлари” бўлган уламоларга ўртадаги ихтилофларни йўқотиш, бирлашиш ҳақида гапирсангиз, энсаси қотиб, аҳволни ўнглаш, ўртани яхшилаш ўрнига, ҳозирги аянчли аҳволни табиий ҳолат эканлигини оқлаш учун ҳар хил ривоят-ҳадислар келтириб, ўзидан масъулиятни, жавобгарликни соқит қилишга ҳаракат қиладилар.

Уммати долзарб мавзудан чалғитиб, ойлаб, йиллаб майда масалаларни мутолаа қилдириб, ўзларини ҳам, уммати ҳам чалғитадилар.

Шу ўринда эътиборингизга юз йил аввалги ва ҳозирги кундаги икки ҳолатни ҳавола қилмоқчиман:

Чор Россиясининг генерали Бухорони забт этиш арафасида, Бухоро диний илмлар маркази бўлгани учун қаттиқ қаршиликка учрасам керак деб, хавотирда юриш бошлади. Лекин Бухорони айтарлик қаршиликсиз, осонгина забт этгач, хайрон бўлиб ёрдамчиларидан,

-“Халқни сафарбар этувчи халқ пешволари нега ҳаракат қилишмабди”- деб сўраганда, -“Улар сувли пақир устидаги чўпдан сичқон югуриб ўтса, сув таҳоратга ярайдими - йўқми?”- деб масала таллашиш билан оворалар. -“Бизни Худо ўзи сақлаб олади деб, душманга қарши чиқишмади”- деб жавоб беришибди. Генерал -“Бу одамларга ўқ ҳам хайф, ҳаммасини сўйиб ташланглар”- деб фармон берди...

Энди ҳозирги кундаги ҳолат: Ҳамма ёқда исрофгарчилик, риёкорлик, шаклпарастлик авж олиб, мусулмон ёшлар илмсиз, ҳунарсиз, гурра-гурра чет элларга қуллик учун кетаётган пайтда, энг долзарб масалалар қалашиб ётганига қарамай, йиллаб таҳорат масалаларини дарс қилишмоқда. Ваҳоланки, барча дарс олувчилар таҳоратчилар, ва яна ўн йил дарс олганларидан кейин ҳам уларнинг таҳорат олишлари ўзгармайди.

Яна тинмай -“Фойдасиз илмдан ўзинг асра”- деб дуо ҳам қиладилар.

Бу нима? Ўзини ҳам, халқни ҳам чалғитиш, ўз лоқайдлигини, ожизлигини шаклан диний амал билан яширишми?

Маълумки, Куръони карим оятлари мусулмонлар дуч келган ҳолат ва мушкilotларни ҳал қилиш учун ҳолатга мос мавзуларда, бўлак-бўлак ҳолда нозил бўлган. Пайғамбаримиз с.а.в. ҳам, Аллоҳ олдида ўз умматидан масъулигини дуо ёки ибодатлар ортига яшириниб эмас, ўз вақтида қон кечиб бўлса ҳам адо этганлар.

Демак, ҳозирги уламоларимиз ҳам умматнинг маънавий ва моддий таназзулидан Аллоҳ олдида масъулдирлар.

Аксар дин пешволарининг турмуш тарзларини кўриб ўйланиб қоламан, булар **Дин**га хизмат қиляптиларми, ёки **Дин** буларгами?

Шу ўринда шоирнинг :

Кимдир ёлгон сўзлаб иймон

Сотар экан меҳробдан.

Ҳаққа тақво қилар сохта

Билоллардан қўрқаман.

сатрлари ёдимга келади.

Бу муаммою-нуқсонлар фақат бизнинг ҳудудларга хос, маҳаллий ҳолатлар деб эътироз билдиришингиз мумкин. Мен ислом давлатларининг кўпида бўлдим. Биздаги муаммолар айни кўринишда бўлмаса ҳам, ҳар хил ҳолатда барча ислом давлатларида мавжуд.

Яқдиллик, иттифоқ, афсуски шайхлар орасида ҳам анқонинг уруғи.

Аллоҳ таоло Куръони-каримда “Жосуслик қилманглар, бир-бирларингизни ғийбат қилманглар” дейишига қарамай шайхлар бир-бирларидан айб қидиришдан бўшамайдилар. Бирор масалада бир-бирини тасдиқлаш ўрнига, унга қарши далиллар келтириш билан ўзининг олимрок, тақводорроқ эканини исбот қилмоқчи бўлади. Али десанг Вали, Вали десанг Али деб исбот қиладилар.

Дин пешволарининг субутсизлиги, қатъиятсизлиги туфайли охирги пайтда ҳар турли диний жамоа ва оқимлар кўпайиб кетди. Бу оқимларнинг барчаси ҳам диндорлик, тақво, Аллоҳ калимасини ер юзида олий қилиш, исломий давлат куриш каби жиддий даъволар қилишади.

Бироқ, бирорга оқим ўз даъволари йўлида барча мусулмонларни бирлаштирадиган, мавжуд маънавий ва моддий таназулдан олиб чиқадиган, конкрет дастурга эга эмас, балки ҳар бир гуруҳ ўз қобилигига ўралиб олиб, ўз фикри, ўз тушунчасидан маст...

“Ҳар бир хизб ўзларидаги нарса билан ҳурсандлар.”

Мусулмонларнинг бугунги кундаги аянчли ҳолатларини бир қадар муфассал баён қилишдан мақсад, аксар муҳлис одамларни номи чиққан дин пешволарининг ухлатувчи, лоқайдликка олиб борувчи, “Ҳолимизни Аллоҳ ўзи ўнгламаса, қийин” каби ҳаракатдан, изланишдан тўхтатувчи гапларига танқидий назар билан хушёрроқ қарашга ундашдир.

Қуйида, бугунги ҳолатга тушиб қолишимизнинг сабаблари ва ундан чиқиб, дунё ҳамжамияти орасида муносиб ўринга эга бўлиш йўлида нималар қилишимиз кераклиги ҳақида баҳоли қудрат ўз фикрларимни баён қилмоқчиман.

1. ТАРҚОҚЛИК

Тарқоқликнинг сабаби Аллоҳ-таолонинг “вала тафарроқуу”-“фирқа-фирқа бўлманлар” деган буйруғига энгил қараш ва Пайғамбаримиз с.а.в.нинг “Динда қаттиқлик қилманлар, дин сизларни синдириб қўяди” деган сўзларини тушунмаслик ёки тушуниб туриб, унга амал қилмасликдир.

Парвардигор ислом динини бутун ер юзига раҳмат қилиб юборгани ҳолда, айнан шу динни мусулмонларни бўлиш воситаси қилиб ишлатаётган сон-саноксиз оқимлар раҳнамолари энг дахшатли хиёнат соҳибларидир десак муболаға бўлмайди.

Пайғамбаримиз с.а.в.дан, диндан мутлақо беҳабар қавм элчилари келиб, исломга кириш ҳақида сўрашганда, фақат рукнлар ва фарзларни ўргатганлар, ҳаромлардан қайтарганлар, ҳамда дарҳол ортларига қайтиб ўз қавмларини ҳам шу йўлга бошлашни буюрганлар.

Ҳеч бўлмаса бирор ой Мадинада, мусулмонлар орасида яшаб, исломий “масалаларни” ўрганишга буюрган эмаслар. Бугунги кунда диний масалавозлик шу қадар кўпайганки, ўн йиллаб ўқиб ҳам тугатиб бўлмайди ва ҳар бир масалада бир неча хилдан фатволар мавжуд.

Уламоларимиз эса муҳимни номуҳимдан, зарурни нозарурдан ажратиб, барчани бир мақсад, бир йўналишга бошлаш ўрнига майда масалавозлик, эҳсонхўрлик ва шаклпарастлик билан машғуллар. Агар олимларимиз Аллоҳнинг “вала тафарроқуу” деган буйруғини биринчи ўринга қўйганларида эди, нари борса нафл ёки мустаҳаб амал учун умматни фирқа-фирқага бўлмаган бўлар эдилар.

Демак, фарз бўлган бирлик, яқдиллик, аҳиллик масалаларини барча нарсдан муҳим, долзарб, актуал масала деб қараш керак. Шундай тушунча нури остида қарасангиз, бугунги ихтилофлар сабаби бўлаётган соқол, кийиниш, ташқи кўриниш, мусиқа каби масалалар нақадар арзимас нарсалар эканлиги аён бўлади.

Зеро, шу арзимас, номуҳим нарсаларни дин деб қаттиқ ушлашлик мусулмонларнинг бирлигини, шавкатини синдириб қўйгандир.

Мусулмонлар орасидаги барча ички зиддиятларнинг сабаблари ҳам шу майда масалалардир. Афсуски, аксар калтафаҳм “шайхул-ислом” уламолар шу майда масалаларни, ўзларининг бор иқтидорларини ишга солиб, энг муҳим, ҳал қилувчи масала даражасига кўтариб кўпчиликни чалғитмоқдалар.

2. ШАКЛПАРАСТЛИК ВА РИЁКОРЛИК

Мусулмонлар таназулининг иккинчи сабаби шаклпарастлик ва риёкорликдир. Мусулмонлар орасида вабодек кенг тарқалган шаклпарастлик ва риёкорлик шу қадар сингишиб кетганки, улардан воз кечсалар, ўзларини гўё, мутлақо динсиз бўлиб қолгандек сезадилар.

Мусулмонларнинг Аллоҳ тарафидан асосий қомус қилиб юборилган китобига бўлган муносабатлари масаласини олиб кўрайлик.

Саҳобалар, “Аввал шунга амал қилиб олайлик” деб, бир кунда ўн оятдан ортиқ Қуръон эшитишмаган...

Ақсар мухлис ота-оналар иқтидорли болаларини мактаблардан чиқариб олиб, Қуръон ёдлаш марказларига, қориларга топшириб, боланинг 5-10 йиллаб умрини бир томонлама ўтказмоқдалар. Мактабни ҳам ўқимаган бундай чаласавод қоракалардан ислом умматига келажакда қандай манфаат бўлиши мумкин? Ваҳоланки, намозларга ярағудай Қуръон ёдлаш фарз, лекин Қуръонни тўла ёд олиш – мустаҳаб амалдир.

Ўз даврининг анчагина илғор фикрли олими бўлган Андижонлик Раҳматулло аллома 70-80 йилларда шаклпарастлик ва риёкорликка қарши бирмунча самарали ҳаракатлар қилган эдилар. Афсуски, устознинг ҳалокатидан кейин ҳеч қанча вақт ўтмай;

-“Қуръонни ўқиларга ўқиш учун эмас, тирикларни ҳидоят қилиш учун туширилган”-,

-“Қуръонни кўр-кўрона ёдлаш шиша идиш устидан асал ялашга ўхшайди”-,

-“Қуръон ўқиш эвазига пул олиш ҳаром”- деб юрган баъзи бир, энг яқин шогирдлари ҳам шаклпарастлик ва риёкорлик домига шўнғиб кетдилар ва олғирликда, таъмагирликда бир вақтлар ўзлари танқид қилиб юрган мутаассиблардан ҳам ўзиб кетдилар...

Дин пешволарининг бундай тутуруксизлиги ва қатъиятсизлигидан ҳафсаласи пир бўлган ёшлар ўзларини дуч келган, баландпарвоз сўзловчи, янги чиққан оқимларга урдилар. Натижада Ваҳҳобий, Салафий-Халафий, Ҳизбий (ҳизбут-таҳрир), Акрамий, Ихвон каби ҳар хил оқимлар пайдо бўлди. Бу оқимларнинг ҳар бири фақат ўзининг йўли ва ҳаракатлари тўғри эканини исбот қилмоқчи бўладилар ва қандайдир мавҳум “нусрат”, ғалаба келишини башорат қиладилар...

Шу ўринда бу оқимларнинг ҳар бирини таҳлил қилиб, уларга баҳо бериш, камчиликларини санаш мақоми эмас. Лекин шуниси аниқки, уларнинг бирортаси ҳам ислом миллатини бугунги таназулдан чиқариш, бирлаштириш, шон-шавкатини тиклаш, маънавий ва иқтисодий юксалтириш вазифасини мақсад қилмайди.

Бу оқимлар таъсирига тушиб қолганлар орасида соф ниятли, холис, иймонли кишилар кўп. Улар билан баҳслашиш, уларнинг йўлини хато эканини исботлаш, хом ҳаёллар билан ўзларини алдаб юришганини, аслида бу оқимларнинг бари ўз эргашувчиларининг фикр доирасини торайтириб, охир-оқибат боши берк кўчага олиб кириб қўйишини тушунтириш шарт эмас. Фақат уларга дунёю-охират учун фойдали, бугунги кун талабига мос, ислом умматини моддий ва маънавий, ижтимоий-иқтисодий таназул ва қоқоқликдан олиб чиқувчи муайян дастурни кўрсатиб бериш лозим.

Энди маҳаллий муаммоларни кўйиб, кенг кўламда мулоҳаза юргизайлик. Исломи дунёси учинчи дунё деб аталади, бошқача қилиб айтганда учинчи сорт. Холис олиб қараганда, ҳақиқатда ақсар мусулмонлар шу баҳога лойик.

Кундалик ҳаётимизда ишлатаётган, ҳаётимизни уларсиз тасаввур қилиш қийин бўлиб қолган барча нарсалар, техник, электроник асбоб-ускуналарни ғайриислом халқлар ишлаб чиқармоқда. Ер юзидаги энг адолатли, инсофли, маънавий ва иқтисодий юксак жамиятлар ҳам ғайриислом юртларда. Исломи юртларида эса адолатсизлик, инсофсизлик, маънавий ва иқтисодий таназул, ривожланган ғарб давлатларига сиёсий ва иқтисодий қарамлик ҳукм сурмоқдаки, бу ҳеч кимга сир эмас.

165 миллион аҳолига эга Покистон давлатини олиб кўрайлик. Баъзи маълумотларга кўра 7 миллион мураттаб қорилари бор, диний илмвозлик ниҳоятда ривожланган. Лекин давлат тўла сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эга эмас. Америка қўлида қўғирчоқ давлат. Бунинг устига кунора теракт, сон-саноксиз мусулмонларнинг қони тўкилмоқда.

Агар дунё халқларини бир отанинг фарзандларига ўхшатсангиз, нефть долларларига чўмилаётган араблар, оилага ҳеч қандай наф келтирмайдиган, аммо отасининг яшириб қўйган ҳазинасига йўл топиб олиб, пулни беҳуда совураётган ношуд ўғилларга ўхшайдилар.

Маълумки, ақсар аҳолиси мусулмон бўлган қоқоқ давлатларда жуда кўп мусулмонлар қашшоқ ҳаёт кечирмоқдалар. Европа банклари, сон-саноксиз хайрия ташкилотлари, дини, эътиқоди, миллати бутунлай бошқача бўлишига қарамай, уларга дори-дармон, озиқ-овқат бериш,

касалхоналар, мактаблар, йўллар, водопроводлар ва бошқа халққа керакли иншоотлар қуриб бериш билан ёрдам бермоқдалар...

Бутун дунёда пулни ўта ножўя сарф қилувчилар тимсолига айланган араб шайхлари эса, катта-катта маблағларини мусулмонлар ҳаётини, иқтисодини кўтариш учун эмас, балки Европанинг футбол клублари, ёки бошқа кўнгилочар муассасаларига ишлатмоқдалар.

Агар улар Америка ва Европа банкларига қўйган, Америка ва Европа иқтисодига хизмат қилаётган беҳисоб маблағларини ислом юртлари иқтисодиётига ётқизганларида эди, иқлими мўътадил, ерлари серҳосил бўлган, географик жихатдан жуда қулай ерларга жойлашган ислом юртлари бу қадар қоқоқликда яшамаган бўлардилар.

Қолаверса, муғомбир ва айёр Америка ҳамда Ғарб иқтисодчиларининг “умумжаҳон кризиси” деб атаётган иқтисодий ўйинлари туфайли бор сармояларидан айрилмаган ҳам бўлардилар...

3. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАСИ.

Ғарб давлатларининг ҳозирги юксак маънавий ва моддий даражасига етишида муҳим роль ўйнаган инсон ҳуқуқлари масаласи ҳам ислом юртларида ачинарли аҳволдадир.

Ҳаж сафарида Макка-Мукаррамадаги меҳмонхона хизматчиси, бир ўзбек йигити билан суҳбатлашиб қолдим. У ўзининг Саудия Арабистонида туғилганига қарамай, ота-онаси Афғон фуқаролиги паспортида бўлгани учун Саудия фуқаролигини олиш ҳуқуқи йўқлигини, бошланғич таълим олиш ҳуқуқи бор, лекин юқори ўқув жойларига қабул қилинмаслиги, иқомасини (прописка) янгилаб туриш учун Саудия фуқароси бўлган кафилига муттасил пул бериб туриши лозимлиги, енгил машинадан бошқа каттароқ мулк сотиб олиш ҳуқуқига эга эмаслигини айтиб берди...

Ғарб давлатларида оддий ҳаёт тарзига айланган фикр эркинлиги, сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқи ҳурмати масалалари ислом юртларида жуда ачинарли аҳволда. Шунга қарамай, беҳисоб ислом уламолари мавжуд ижтимоий-сиёсий долзарб муаммоларни ечиб, халқ дардини тузатиш мавзусида эмас, Ғарб давлатларидаги баъзи камчиликларни бўрттириб кўрсатиб, халқларни сабрли, шукрли ва тақволи бўлиш зарур каби даъватлар билан мавжуд золим ҳокимларга бўйсиндириш мавзусидагина китоблар ёзадилар.

Аксар диний дарсларнинг ўта реакцион таъсири остида, биз ҳам бир вақтлар инсон ҳуқуқлари масаласини шайтон тегирмонига сув қуювчиларнинг ниқоби, яъни инсоннинг ҳар қандай гуноҳни қилишига бўлган ҳуқуқи деб тушунар эдик. Ҳозирги кунда 40 миллиондан ортиқ мусулмоннинг Ғарб давлатларида эътиқод ва урф-одатларига ҳеч қандай тажовузсиз, эркин, хотиржам, мамнун яшаётгани бизни ўз қарашларимизни кескин ўзгартиришимизга мажбур этади.

Инсон Аллоҳ таолонинг энг мукаррам махлуқидир.

Махлуқнинг махлуққа сажда қилиши ақлан-да, шаръан-да мутлақо ножоиз бўлсада, Парвардигорнинг фаришталарни Одамга сажда қилишга буюргани, инсоннинг инсонлигини ўзи жуда катта ҳурматга лойиқ эканини, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эса ақлан ҳам, шаръан ҳам вожиблигини англатади.

Ирки, дини, ранги, миллати қандай бўлишидан қатъий назар, аҳолиси Аллоҳнинг иноятини, ўзининг мукаррам инсон эканини тўла ҳис этган ҳолда яшаётган Ғарб давлатларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тажрибаларини ислом юртларида ҳам қўллаш зарур. Бу ислом миллати ва Аллоҳ розилиги учун хизмат қилиш ниятидаги ҳар бир мусулмоннинг бурчидир.

Зеро, Аллоҳнинг Оламлар учун раҳмат қилиб юборган энг охирги ва мукамал Динини инсонлар орасини бузиш, фитна кўзғаш воситаси қилиб олиш - энг даҳшатли ва шармандали хиёнатдир.

4. ДУНЁВИЙ ИЛМЛАРГА ЭЪТИБОРСИЗЛИК

Тарихда ислом юртларидан Ибн Сино, Беруний, Форобий, Фарғоний, Хоразмий, Улуғбек, Замахшарий каби оламга машҳур, инсоният тарихида ёрқин из қолдирган буюк олимлар етишиб чиққан. Аммо охирги 3-4 аср орасида мусулмонларнинг дунёвий илмларга бўлган эътиборлари

ниҳоятда сусайиб кетди. Мусулмонларнинг дунё ҳамжамияти орасидаги ўрнининг энг паст даражага тушиб қолишининг асосий сабабларидан бири ҳам, айнан шу дунёвий илмларга эътиборсизликдир.

Пайғамбаримиз с.а.в. биргина китобнинг (Куръоннинг) асосий кўрсатмаларини сингдириш йўли билан қисқа вақт ичида, тўлақонли ислом жамиятини барпо этган бўлсалар, ҳозирги кунда миллионлаб диний китоблар ёзилганки, улар орасидан бутун умрини исломни ўрганишга сарфлаган алломалар ҳам, умматни бирлаштирувчи, юксалтирувчи, лўнда, аниқ дастурни тополмай, адашиб-улоқиб, бирининг гапи бирига тўғри келмай, ўзлари ҳам чалғиб, умматни ҳам чалғиб кетишига сабаб бўлмоқдалар.

Тўғри, ислом олимлари орасида устоз Қарзовий сингари дунёвий илмларнинг аҳамиятини тушунган илғор фикрчилари ҳам мавжуд. Лекин кўпчиликни ташкил этган калтафаҳм “алломалар”, мусулмонларнинг дунёвий илмларга берилиб кетиши диний илмларнинг эътиборсиз қолиб кетишига сабаб бўлади деган хато тушунча билан дунёвий илм ўрганишга ҳеч кимни тарғиб этмайдилар.

Аксинча, дунёга берилмаслик, такво, “диний илмларни пухта ўрганиш лозим” каби баҳоналар билан дунёвий илм ўрганиш аҳамиятини пасайтириб тескари ташвиқот қиладилар.

Бундай хато тушунчалар натижасида ислом уммати бугунги кунда охирги сорт, жоҳил, қолоқ, террорист умматга айландики, энди илғор, юксак технология илмларини ўрганиш учун ўша ғайридин Ғарб оламига юкиниб, илм ўрганиш учун боришдан бошқа чораси йўқ.

Ҳатто, номусулмон аҳолисининг аксари арокхўр бўлган Россия давлати ҳам илғор дунёвий илмлар ва юксак технология соҳасида ислом юртларидан камида 50 йилга ўзиб кетганини қандай тушуниш мумкин???

Бонг уриб, иқтидорли ёшларимизни дунёвий илмларни ўрганишга чақириш вақти етмадимикин???

Барча имкониятларни ишга солиб ёшларни дунёвий илм чўққиларини эгаллашга сафарбар этиш лозим!!!

Аллоҳ учун, уммат учун хизмат қиламан деган ҳар бир мусулмон эркагу-аёл, ўзининг бор имкониятини, эътиборини, ҳимматини шу мақсад сари йўналтириши керак. Аксар дин пешволарининг ўз бозорларини қиздириш учун “бугунги таназзулнинг асосий сабаби айнан диний илмларни яхши билмасликдир” деган сафсаталарига кулоқ солмаслик зарур.

Чунки Пайғамбаримиз с.а.в. бирор китобсиз, тўрт оғиз гап билан тушунтириб, барчани бошини бирлаштирган динни, умматни парчаловчи, қоқоқликка тортувчи сон-соноқсиз оқимлару-мазҳабларга айлантириб юборганлар ҳам шу калтабин дин пешволаридир...

Тўғри, ҳозирги кунда давлатнинг иқтисодий имконияти озлиги туфайли мактаблардаги таълим сифати жуда пасайиб кетган. Лекин шароит йўқлигидан зорланиб, шикоят қилиб, ожизона ўтириш ўрнига, астойдил, Аллоҳ учун ҳаракат қилинса, мактаблардаги ўқиш сифатини кўтариш учун беҳисоб имкониятлару воситалар мавжуд.

Жумладан, юқори сифатли илм берувчи хусусий мактаблар, боғчалар очиш, иқтидорли болаларни кўллаб қувватловчи, дунёнинг энг олий ўқув юртларига бориб таълим олиб келишларига, таълим системаси сифатини яхшилашга ёрдам берувчи хайрия жамиятларига ҳисса кўшиш мумкин. Ҳар хил исрофгарчилик, дабдабавозлик, ҳашаматлар учун ноўрин ишлатилаётган беҳисоб маблағларни, тушунтириш йўли билан келажак авлодни юксалтириш, ислом умматини кўтариш учун Аллоҳ йўлида ишлатишга ундаш ҳар бир миллат учун қайғурувчи одамнинг бурчидир.

Зеро, ҳар бир миллатнинг юксалиши ўз ҳаракатига, интилишига боғлиқ.

“Албатта Аллоҳ ўзлари ўзгартирмагунларича қавмнинг бирор нарсасини ўзгартирмайди”. Раъд сураси, 11- оят.

Аллоҳ Таоло ўзининг Одил сифатига мувофиқ, мажусию-ғайридинларга бергани қатори, ноёб қобилиятли фарзандларни ислом аҳлига ҳам беради. Лекин ўзимизнинг ношудлигимиз, лоқайдлигимиз, калтабинлигимиз туфайли шундай буюк неъматлар исроф бўлмоқдаки, Аллоҳ олдида бундан барчамиз тенг жавобгармиз.

Ваҳоланки, умматнинг қадрини, қудратини, шон-шавктини қурган ҳашаматли уйлари ва қилаётган дабдабали тўйлари, риёкорона эҳсонлари эмас, **балки фарзандлари орасидан етишиб чиқадиган, ўз миллатига, юртига, қолаверса, бутун инсониятга нафи тегадиган кашфиётлар қилувчи буюк инсонлари кўтаради.**

5. АЁЛЛАР МАСАЛАСИ

Мусулмонларнинг аёлларга нисбатан қарашлари ҳам анчагина ислоҳотларга муҳтождир. Ўзини тақводор санаган кўпгина одамлар ўзларига қарашли аёлларни уйдан чиқармай, жамият ҳаётига иложи борица аралаштирмай яшаб ўтиши зарур деб ҳисоблайдилар. Иқтидорли қизларини ҳам мактабларда яхши ўқитмай, мактабдан чиқариб олиб, эрта кундан эрга бериб юбориш пайдан бўлишади.

Эҳтиёжлари тушиб қолганда эса, тақвони бир чеккага суриб қўйиб, эркак мутахассисларга аёлларини кўрсатишга мажбур бўладилар.

Кўча кўрган, ўқиган аёллар тили узун, эрга итоатсиз бўлиб қолади деган баҳоналар бор. Лекин, мактабни ҳам ўқимаган чаласавод аёлларнинг эрларига гапларини ўтказиб, риёкорона, дабдабали, чек-чегарасиз исрофгарчилик билан маросимлар қилдираётганлари, эрлари эса мураса учун кулоқ қоқмай хотинларининг айтганларини бажо келтираётганлари ҳеч кимга сир эмас.

Тақдир тақозоси билан бир қанча вақт Тошкент шаҳрида умргузаронлик қилдим. Ўзини тақводор санаган, диний доираларга хос, аёллари “кўча кўрмаган” оилалардаги бўлар-бўлмас баҳоналар билан уюштирилаётган маросимлардан бир мисол:

Бир йил илгари ҳаммаси ҳижобли, тақводор аёллар бўлган бир “чарларда” анчагина очик фикрли, илмли бир меҳмон аёл, маросимдаги ортиқча дабдаба, исрофгарчиликлар учун Аллоҳ олдида шу ердагиларнинг ҳаммаси жавобгарликлари, аёллар ўзларининг туганмас талаблари, инжиқликлари билан эркакларни ҳам қийнаб шундай беҳуда маросимлар қилдиришаётгани, бир ўтиришда 1-2 хил овқат етарли бўлгани ҳолда, 10-15 хил таом тарқатилиши мутлақ ножоиз, ҳаромлиги ҳақида куйиб-пишиб гапирди. “Кўча кўрмаган” тақводор аёллар, ёш келинлардан тортиб кайвони кампирларгача барча-барчаси бошларини сарак-сарак қилиб, тўғри, жуда тўғри деб тушунгандек тасдиқлаб ўтирдилар...

Фалак айланиб айнан шу хонадонда бир йилдан кейин, узатилган қиз, фарзанд кўриб уйига келиш маросими, “чиллагузарон” маросимидаги ҳолат;

Меҳмонлар ҳам айнан аввалги маросимда қатнашганлар.

Дастурхон аввалгиданда тўқис. Исрофгарчилик ҳам, овқатларнинг тури ҳам аввалгидан зиёда. Ёшу-қари, ҳижобли, тақводор, “кўча кўрмаган” аёллар гўё ҳеч қандай насиҳат эшитмагандай, икки гапнинг бирида Аллоҳ, Худо деб, уй эгасини алқаб, мезбоннинг “ўта саҳийлик” билан тарқатган кўша-кўша саруполарини ҳам олишиб, меҳмондорчиликни ўтказиб тарқадилар...

Эшитган насиҳатини англаб, фаҳмлаб, ҳаётига татбиқ этиш кераклигига онги етмайдиган бундай онгсиз тақво кимга керак? Пайғамбаримиз замонидаги бор-будини Аллоҳ йўлида, уммат равнақи йўлида сарфлаган, ҳатто фарзандининг жиҳоддан шаҳид бўлмай, соғ-омон қайтиб келганидан хафа бўлиб ўкинган фидойи аёллар қайда-ю, бизнинг сохта тақводор, онгсиз, эшитган насиҳати қумга сепилган сувдай изсиз, бетаъсир йўқолиб кетаётган дунёпараст, маишатпараст аёлларимиз қаерда?

Миллатимиз табиатига ўрнашиб, сингишиб кетган шаклпарастлик, риёкорлик, иккиюзламачилик болаларимизга она сути билан кириб қолмаяптимикиан?

Демак, аввало болалари ва ҳатто эрлари тарбиясида асосий роль ўйнаётган аёлларимиз ўнганмас, онги ошмас экан, жамиятимиз ўнгланиши амри маҳол.

Бинобарин, бундай бесавод аёллар қандай қилиб келажак авлодни етук даражадаги ақлли, фикрли, инсонпарвар, комил инсон қилиб тарбиялаши мумкин? Бугунги жамиятимизнинг ҳар томонлама қоқоқ, жоҳил, янгиликка интилмайдиган, ким қаёққа

етакласа кетаверадиған, калтафаҳм, фикрсиз бўлиб қолганининг сабаби, сарчашмаси ҳам шу бўлса ажаб эмас.

Қуш уясида кўрганини қилади деб бежиз айтилмаган. Қачонки онг, заковат, фаҳм-фаросат, илмнинг қадрига етиш болаларимизга она сути билан кирса, жамиятимизнинг ўнгланиши, қоқоқлик, жоҳиллик ботқоғидан чиқиши осонроқ бўлар эди.

Зотан, бу дунё синов-имтиҳон дунёсидир. Синовнинг ҳикмати - жамиятга ҳеч қандай фойда келтирмай уй тутқуни бўлиб ўтиш билан эмас, балки, жамиятга аралашиб, тараққиётга қўлидан келганича ўз ҳиссасини қўшиб, жамиятни ҳам ўнглаб, ўзи ҳам покиза ҳолда ўтишда эмасми?

Ақсар диндош биродарларга хайрон қоламан. Бирор жойда ҳижобли, имонли аёлнинг ишлаётганини кўрсалар, тасанно айтадилар. Лекин ўз қизларини шундай илмли мутахассис қилиб ўқитишга журъат этолмайдилар. Натижада эътиқодли қиз-аёллар жамиятни ўнглашга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмай, жамият бузилиб кетаётганидан шикоят қилишдан нарига ўтмай, фаол ҳаётдан четда қоқмоқдалар.

Токи, иймонли қиз-аёлларимиз ҳам жамият ҳаётининг ҳамма жабҳаларида актив ҳаракат қилиб, тизгинни қўлга олмас эканлар, жамият ҳам, оила ҳам ўнгланмайди.

6.ЛОҚАЙДЛИК ВА МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

Замондош мусулмонларнинг ижтимоий ҳаёти ўнгланмаётганига сабаб бўлаётган яна бир ҳислат- лоқайдлик ва масъулиятсизликдир. Бундай қайфиятнинг одамлар табиатига ўрнашиб қолганининг сабаби - дин пешволарининг исломий дунёқарашни нотўғри талқин қилишидир. Аллоҳ-таоло Мулк сурасининг 2 оятида;

“Аллоҳ ўлим ва ҳаётни қай биринглар яхшироқ амал қилишларингни синаш учун яратди.”- деб, яшашнинг асл моҳияти - иложи борича яхшилик қилиш эканини айтади.

Одамлар ўз ҳаётлари, жамиятлари, миллатлари, юртларини обод қилиб, Аллоҳнинг ердаги ҳақиқий халифаси бўлишлари учун, ўзлари ва фақат ўзлари ҳаракат қилишлари кераклигини **“Албатта Аллоҳ ўзлари ўзгартирмагунларича, қавмнинг бирор нарсасини ўзгартирмайди”**- деб очик-ойдин баён қилади.

Афсуски, асосий амаллари умматни аллалаб, ухлатиб, уммат устидан кун кўриб яшашга ўрганган дин пешволари, халқни ҳаракатга, изланишга, янгиликка, бор имкониятлару-маблағларни бугунги долзарб проблема - қоқоқлик ва таназзулдан чиқиш йўлларига сарфлашга ундаш ўрнига, минг бир ривоят-ҳадислар келтириб, ҳатто Қуръон оятларини ўзларига мослаб тафсир қилишиб, авом халқни ҳам, ўзларини ҳам алдаб келмоқдалар.

Бу аччиқ ҳақиқатларга баъзилари, “Тўғри, кўпчилик шундай, лекин биз ундоқ эмасмиз” деб, ўз эргашувчиларини қўлдан бермаслик учун сўзамоллик қилишлари мумкин. Бироқ мен ўз ҳаётимнинг қирқ йилини Ўрта Осиёдаги энг машхур дин пешволари орасида ўтказиб шунга амин бўлдимки, улар орасида кибрдан холи, қалб кўзи очик, завқи салимга (соғлом дидга) эга, динни ҳам, дунёни ҳам яхши тушунадиган, интеллектуал тўқис, умматни бошқа халқлар орасидаги тутган ўрни ҳақида қайғурадиган, Аллоҳ олдида ўз масъулигини сезадиганини жуда кам топдим.

Биз Аллоҳ айтган энг яхши уммат бўлишимиз учун, қачон, қаерда бўлмасин, яхшилик, хайрия қилишга, уммат ва жамият учун фойдали ҳар қандай тадбир ва воситаларга ёрдам беришга, “Мен қилмасам, унда ким?”деб шошилишимиз, ҳисса қўшишимиз, лоқайдлик ва масъулиятсизликни ташлашимиз лозим.

Мен бир саҳифада Америка хайрия жамиятлари ҳақида рус мутахассисининг мақоласини ўқиб қоқдим. Америкаликларнинг 90%и хайрия қилиш билан шуғулланар экан. 2001 йили ҳар бир америкалик оила 1620 доллардан хайрия жамиятларига топширган. 95% америкалик, агар бевосита ёрдам сўралса, қуруқ қайтармай хайрия қилар экан. Хусусан, черков ва масжидларга қатновчи диндор америкаликлар бу хусусда бошқалардан янада фаолроқ экан...

Кимўзарга қилинаётган риёкорона, дабдабали, ножўя маросимларда тўрга чиқиб, олган тугуну-пуллардан мамнун, маросим эгасини маддоҳларча алқаб, эҳсонлари яна ҳам зиёда бўлишини сўраб қилинаётган дуоларга алданмаслик керак.

Ҳақиқий эҳсон, ҳақиқий хайрли иш - ўнг қўл берганини чап қўл билмайдиган даражада бериё тарзда, умматни ривожлантирадиган, келажакнинг эгаси бўлган ёшларнинг илм савиясини, хулқини, дунёқарашини ўнглайдиган, ўзини ҳаётнинг эгаси, Аллоҳнинг ердаги халифаси деб биладиган ва шунга яраша фаолият юритадиган қилиб тарбиялаш йўлида сарфлашдир...

Зотан, ҳар бир одамни охиратда иймони ва албатта қилган холис, яхши, хайрли ишлари қутқаради...

ИСЛОМ ВА ДЕМОКРАТИЯ

Ислом оламидаги аксар уламолар, одамлар ер юзида фақат исломий давлат бошқариш системасидагина бахтли, фаровон, тўғри ҳаёт кечирадилар, дунёдаги мавжуд ижтимоий системаларнинг барчаси ғайри исломий ва хато системалардир, жумладан, демократия ҳам хато, исломга зид деб тушунтирадилар. Аслидачи?

Қора кўзойнакларни олиб қўйиб, дунёдаги демократик давлатлар ва исломий давлатлар ҳолатларини солиштириб кўрайлик:

Авалло, Аллоҳ унинг ажлидан бу дунёни яратган энг мукаррам махлуқи - инсон ва унинг ҳуқуқлари масаласи ислом юртларининг бирортасида маъқул даражада эмас.

Тўғри, баъзи иқтисодий имконияти яхшироқ юртларда одамларнинг иқтисодий аҳволлари бирмунча яхши, лекин инсон фақат қорни тўйганидан қаноатланиб яшайверадиган ҳайвон эмас-да!

Бу жойларда ҳам фикр эркинлиги, сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи масалалари мушкул аҳволда. Ҳокими мутлақ бўлиб олган ҳукмдорлар, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий майдонда ҳеч кимга ҳисоб бермай, ҳоҳлаганларини қилишади...

Натижада, ҳатто энг бой ислом юртларидан ҳам одамлар, ўзларининг инсон эканлигини тўла ҳис этиб яшашлари учун юртларини ташлаб, демократик юксак ривожланган юртларга кочиб кетаётганлари сир эмас.

Қолаверса, исломий мамлакатлар орасида исломий давлат бошқариш системаси хусусида ягона ижтимоий, сиёсий, маънавий ва иқтисодий программанинг ўзи йўқ.

Ҳақиқий исломий давлат бошқариш қандай бўлиши ҳақида ҳар хил оқимлар вакиллариининг дастурлари ҳам хилма-хил. Мавжуд демократик системани танқид қилиб, ислом шартларига зид дейдилар, аммо ўзлари барчага маъқул муайян бир дастурни таклиф этолмайдилар.

Бу оқимларнинг демократиянинг зиддига келтираётган далиллари асосан, уларнинг Ғарбга ва Ғарб системасига бўлган нафратларига асосланган.

Энди, таассубга берилмай бу масалани исломий нуқтаи-назардан кўриб чиқайлик:

Аллоҳ таоло Қуръони каримда киши ҳаётида дуч келиши мумкин бўлган жуда кўп, катта-кичик ҳолатларга жавоб тарзида оятлар нозил қилган. Лекин, бирор ишни беҳикмат қилмайдиган буюк ҳикмат соҳиби - Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай муҳим давлат бошқариш услублари ҳақида бирорта оят нозил қилмаган.

Бунинг устига умматнинг ғами, эртаси, келажаги энг буюк ташвиши бўлган Пайғамбаримиз с.а.в. ҳам давлатни бошқариш ҳақида, ҳатто ўзидан кейин ўрнига ким халифа бўлиши ҳақида ҳам бирор нарса демай ўтганлар.

Демак, бу ишлар инсонларнинг ақлига, ижтиҳодларига, тажрибаларига ташлаб қўйилган ишлар жумласидандир. Айни кунда, жаҳонда инсонлар ақли, ижтиҳоди ва тажрибалари асосида тузилган энг тарққийпарвар, одамлари динига, иймон-эътиқодларига ҳеч қандай тажовузсиз, ҳаётларидан рози ҳолда яшаётган энг илғор система - демократик системадир.

Демократия душманлари ҳар қанча айб ахтариб, таассуб билан демократиянинг зиддига сафсата сотмасинлар, инсоният ўз ақлига ташлаб қўйилган бу иш хусусида ҳозирча демократиядан афзалроқ системани топиб синовдан ўтказганича йўқ.

Бу гаплардан ўзларини йўқотар даражада талвасага тушиб эътироз билдирувчилар ҳам пайти келса, бир илож қилиб демократик юксак ривожланган юртларга бориб олиш ҳаракатида, орзусида эканликлари, афсуски ҳақиқатдир.

Адолатли бўлиш, ижтимоий адолат, бировнинг ҳақида хиёнат қилмаслик, инсонни ҳурмат қилиш, ёлғон гапирмаслик, риёкорлик қилмаслик, ўзаро ёрдам, амали солих, яъни, хайрия ишлар қилиш каби исломда буюрилган кўрсатмаларнинг ҳаётга тўла татбиқи айнан демократик давлатларда мавжудлигини тан олмасликнинг иложи йўқ.

Бундан ташқари, демократия – буткул қонунсизлик, анархия дегани эмас. Демократик давлатларда инсоннинг қайси динда бўлишидан қатъий назар, ўз дини, эътиқодига, урф-

одатларига, фикрларига, сўз эркинлигига тажовузсиз яшашини ҳимоя қилувчи ва қилаётган қонунлар жуда кўп.

Муҳими бу қонунлар оғизда, китобларда, орзу-хаёлларда эмас, реал воқеъликда, амалдадир.

Ҳар бир инсонга алоҳида-алоҳида ақл берган Зот;

-“Динда мажбур қилиш йўқ”-, (Бақара сураси. 256 оят)

-“Сизларга ўзларингизни динингиз, Менга ўзимнинг диним”-, (Кофирун сураси. 6 оят)

-“Аллоҳ бизнинг Роббимиздир ва сизларнинг ҳам Роббингиздир. Бизнинг амалларимиз ўзимиз учун, сизларнинг амалларингиз ўзларингиз учундир”-, (Шўро сураси. 15 оят)

-“Эслат. Албатта Сен эслатувчисан, улар устидан зўравон эмассан”-, (Ғошия сураси. 21-22 оятлар)

-“Уларнинг ишлари ўзаро шўро-маслаҳатдир”-. (Шўро сураси 38 оят) деган оятлари билан 1400 йил аввал демократия асосларини баён қилмадимикин?!

Демократия – халқ ҳокимияти демакдир. Яъни, халқ вакилларининг йиғилиб халқ ичида, халқни бошқаришда юзага келган муаммоларни шўро-маслаҳат билан ҳал қилиши, ечишидир. Бу усул айнан Қуръони карим оятларига ва Росулulloҳнинг суннатларига мувофиқдир.

Росулulloҳ с.а.в ҳам Парвардигори Оламга боғланган ва Ҳаводан (ўз ҳоҳишича) гапирмайдиган Зот бўлсаларда жуда кўп, муҳим ишларни атрофидаги содда, оми саҳобалар билан бамаслаҳат ҳал этиб қарор қабул қилганлари инкор этиб бўлмас тарихий ҳужжатдир.

Қолаверса, бевосита пайғамбаримиздан кейинги илк халифаларнинг сайлов йўли билан ҳокимиятга келганлари ҳам демократиянинг исломга мувофиқлик жиҳатини янада кучайтиради.

Бинобарин, демократияни қабул қилиш, қўллаш дегани қайсидир Ғарб давлатининг қонунларини айнан кўчириб жорий этиш дегани эмас. Ислом юртларида, мусулмон халқ вакиллари ўз иймон эътиқодлари, урф-одатлари, тушунчалари тақозосига мувофиқ ҳар бир масалани ўрганиб чиқишиб сўнгра қарор қабул қилишлари мумкин. Айнан демократия уларни ҳар хил мажбурият ва зўравонликлардан ҳимоя қилади.

Ҳар қандай масалани, эркин тарзда муҳокама этиб, ўз эътиқодларига, халқ эътиқодига, урф-одатларига мувофиқ, бамаслаҳат қарор қабул қилишларига фақат демократик тузумдагина имконият бор.

Зотан халқ иродасига, ҳоҳишига, талабига мос ҳар қандай ўзгаришлар ва ислохотлар айнан демократик тузумдагина халқ вакиллари воситасида ҳеч қандай ғалаёнларсиз, инқилобларсиз тинч, осойишта, оқилона тадбир йўли билан амалга ошиши мумкин.

Дарвоқеъ, демократия исломга эмас, диктатурага зид ўлароқ юзага келган системадир.

Бутун бир халқ ёки мамлакатни ҳеч кимга ҳисоб бермай ўз изму-ихтиёри, яқка ҳокимлиги остида ушлаб келувчи, халқнинг жуда кўп норозиликларига, охир-оқибат аянчли ғалаён ва инқилобларга олиб борувчи диктаторликка қарши энг самарали, афзал ва одил система - демократиядир.

Бинобарин, демократияни исломга қарши қўйишнинг ўзи мантиққа зиддир.

.Зеро, ислом инсон манфаати ва адолатни олқишлаган, зулмни ва адолатсизликни қоралаган диндир.

Аксар реакцион хизмлар ва оқимларнинг демократия асосларини Қуръон ва шариатга, ислом асосларига мувофиқ ёки йўқлигини анализ қила олмай кўр-кўрона қарши чиқишлари, демократия сўзининг ўзидан талвасага тушиб қолишлари, калтабинлик ва мутаассибликдан бошқа нарса эмас. Улар ўз даъволарида Ғарб демократиясидаги ислом қонунларига зид баъзи тийиксизликларга, ғайриинсоний бузуқликларга бўлган рухсатларни рўқач қиладилар.

Албатта, бундай ғайриинсоний бузуқликларга рухсат берилишига қарши туриш лозим ва бундай жирканч ҳолатларга ўша Ғарб давлатларининг ҳаммасида ҳам рухсат берилган эмас, балки қонунан манъ этилгандир. Бинобарин, демократия душманларининг Ғарбдаги баъзи салбий ҳолатлар ва камчиликларни рўқач қилиб -“Демократия буткул исломга зиддир”-. деб муттаҳамлик қилишлари асоссиздир.

Нафсиларни айтганда, қотиллик содир қилинганда қотил суд қилинади, қотил қўлидаги пичоқ эмас. Қотил қўлида жиноят қуролига айлангани учун қолган ҳамма одамлар пичоқ

ишлатишдан маҳрум этилмаганидай, демократиянинг кенглигидан ўз бузуқликлари учун фойдаланган бир ҳовуч лўттибозлар туфайли қолган барча одамларни Аллоҳ берган эркидан, ихтиёридан, хурликдан, дахлсизликдан маҳрум этилмайди.

Мусулмонлар юрти бўлган Афғонистон дунёнинг ярмига наркотик етказиб бераётгани ва “муҳоҳидлар” орасида баччавозлик деган манфур одат мавжуд бўлгани учун буткул ислом дини ва барча мусулмонларни айблаш тўғри бўлмаганидай, бир гуруҳ нафси бузуқ лўттибозларнинг тийиксизликлари сабаб буткул демократияни айблаш ҳам инсофдан эмас.

“Дин ҳимояси” ниқоби остида фақат ўз ҳизбий ғояларини илгари сурмоқчи бўлган, бошқалар билан оқилона мунозара, муҳокама, маслаҳат олиб боришдан қочувчи, қайсарлик ва муттаҳамлик билан фақат ўз фикрларини ўтказишнигина мақсад қилувчи мутаассиб ҳизблар ва оқимлар ҳеч қачон муродларига ета олмайдилар.

Чунки, уларнинг бундай ғирромона ахлоқлари Аллоҳнинг ва Пайғамбарнинг амрларига, инсонийлик қоидаларига ҳамда реал ҳаёт воқеълигига мутлақо зиддир.

Зеро, қорин тўйдириш, эплаб кун ўтказиш ғамидан бир қадар қутулган, фикр эркинлиги, сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, ижтимоий адолатли давлат бошқариш усулларидан бохабар ҳозирги авлод зўрликни, мажбурий тарзда рамкаларга солишга уринишни мутлақо қабул қилмайди.

Фақат, ўзаро ҳурмат асосида тушунтириш, маслаҳат, мунозара ва муҳокама усулларигина қутилган яхши, самарали натижалар бериши ривожланган давлатлар тажрибаларида ҳам яққол кўриниб турибди.

Афсуски, ҳозирги дарс қилинаётган мавжуд исломий таълимотларда инсоннинг ақлини, тушунчасини, ихтиёрини ҳурмат қилиш эмас, зўравонлик тушунчаси ғолиб. Баъзи оқимлар нажотни, муваффақиятни фақат исломий давлат куриш, мажбурий тарзда ислом ҳукмларини жорий этишда деб ҳисоблайдилар.

Ваҳоланки, Аллоҳ таоло, Ўзи билан бевосита алоқадаги, ўзи қўллаб турган Пайғамбарига ҳам, мажбурий тарзда гапини, ҳукмини ўтказиб, зўравонлик қилишни эмас, балки эслатиш, тушунтиришнигина буюрмоқда.

Бугунги кунда 50 дан ортиқ асосий аҳолиси мусулмон бўлган давлатлар бор. Лекин иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жиҳатдан андоза (эталон) бўлгудай, намуна қилгудай бирорта ислом давлати йўқ.

Мавжуд ҳар бир оқим раҳнамолари эса, бор овозлари билан фақат уларнинг мафқураси билан тузилажак давлат ҳақиқий исломий давлат бўлади деб иддао қиладилар. Шундай амалга ошмас, ҳаёлий, нотайин даъволар билан миллиардлаган мусулмонларни ички зиддиятлар ботқоғига ботириб, қоқоқликда ушлаб келмоқдалар.

Бот-бот, бизнинг юртларда ҳам жадидлар ҳаракати сингари фидоийлар миллатни қоқоқлик ботқоғидан чиқаришга ҳаракат қилган. Лекин ўз қорнидан бошқа ғами – ташвиши бўлмаган, умматнинг аҳволидан сўз очсанг, “Аллоҳнинг иродаси” ни рўкач қилишдан нарига ўтолмайдиган мутаассиб дин пешволари “динни сақлаб қолиш” баҳонаси билан, бу фидоийларнинг бошига етган.

Ҳозирги мавжуд барча оқимлар раҳнамолари ҳам бир қадар сўзамолроқ бўлсаларда, ўз эргашувчиларини диний ихтилофлар ботқоғига ботирмоқдалар. Уларнинг Аллоҳ, Пайғамбар, дин номидан баландпарвоз сўзлаб, мана бизнинг йўлимиз ҳақ деб, бошқа оқимлар айбини санаб, тез кунда исломий давлат курамыз, нажот яқин, нусрат яқин деган алжирашлар билан аврашларига учмаслик лозим.

Чунки, мусулмон бўлганлари учунгина Аллоҳ Таоло уларнинг ишига мўъжизавий тарзда нусрат юбормайди!

Русларда “Дунёни гўзаллик қутқаради” деган мақол бор. Ғарб давлатларининг бугунги ютуқларининг асосий сабабларидан бири ҳам халқининг ўзаро адоватга эмас, гўзалликка, яхшиликка интилиши бўлса ажаб эмас.

Умматнинг тилини соқов, кўзини кўр, қулоғини қар қилиб қўйган, мавжуд исломий ақиданинг асосий қисми деб тушуниб қолинган НАФРАТ, АDOBAT мусулмонларни нафақат бошқа дин

вакилларига, балки ўз динларидаги сал ўзгачароқ, илғорроқ фикрлайдиган диндошларига ҳам бадгумонлик билан диний душман, дин бузувчи деб қарайдиган қилиб қўйган.

Шоирнинг;

*“Ўзни доно билган уч-тўртта нодон
Эшак табиатин қилур намоён.
Улар қаторида сен ҳам эшшак бўл
Бўлмаса кофир деб қилурлар эълон”.*

деган сўзлари ҳали ҳам ўз замонавийлигини йўқотмагани ачинарли..

Гўё қаёққа қарама ҳаммаёқ душман...

Шунинг учун исломий давлатда яшаётган одам ҳам ўзини душманлар орасида яшаётгандай ноқулай сезади. Инсон зотига ҳурмат билан қарашни асосий қоида қилиб ушлаган инсонпарвар давлатларда эса, номусулмонлар орасида ҳам ўзини дўстлар орасидагидай эркин сезади.

Тақдирнинг бу “ҳазилини” қарангки, бизнинг Пайғамбаримиз с.а.в.нинг “Боши майиздай қора хабаш сизларга бошлиқ бўлса ҳам унга итоат қилинлар” деган буйруқларининг реал ижроси дунёга ҳокимлик қилаётган, илғор, тўғри дин вакиллари тарафидан “ботил дин вакиллари” деб номланаётган халқ яшаётган Америка давлатида амалга ошди.

Ошганда ҳам юқоридан кимларнингдир буйруғи билан эмас, халқнинг танлови, сайлови билан гўзал бир услубда амалга ошдики, бу Яратувчининг гўё, биз ношудларга -“Эй мусулмонлар кўзингни оч”- деган писандасига ўхшайди.

Аллоҳ таоло ўзининг илм, ақл уммонидан бир томчи берган насибасини, неъматини ғайриислом халқлар керакли жойларга ишлатиб атомни, компьютерни ижод қилиб, энди бу иккаласидан ҳам инсоният тараққиётига муҳимроқ таъсир кўрсатади деб тан олинаётган нано технология соҳасини ривожлантираётган маҳалда биз шу неъматни, ақлни ноўрин масалавозлик, адоват ва нафрат тарқатиш, бир-биримизга адоват уйғотиш йўлида ишлатишимиз ва яна нусрат яқин деб ўзимизни ҳам бошқаларни ҳам алдаб келишимиз хиёнат бўлмай нима ахир?! Адашишнинг ҳам охири бўладику....

Бу фақат хиёнат ва режалаштирилган онгли хиёнатдир....

Ислом юртларидаги инсон ҳуқуқлари борасидаги носоғлом муҳитнинг асосий сабаби инсон ва унинг ақлини, ихтиёрини, ҳуқуқларини ҳурмат қилиш биринчи ўринга қўйилмаганидир.

Мусулмонлар афъоли ва ахлоқидаги жиззакилик, бўлар-бўлмасга бир-бирларини энг ёмон гумон ва атамалар билан атайверишлари, ўзаро ҳурмат, инсонпарварлик ва одамийликнинг камайиб кетгани, жамиятнинг бирлигини, жипслигини таъминловчи асосий омил бўлиши керак бўлган диннинг терс таъсир бераётганининг сабаби ҳам айнан шу - инсонни эъзозлаш, ҳурмат қилиш борасидаги исломнинг қонун қоидаларини тушунмасликдандир.

Сон-саноксиз оқиму-ҳизмларга бўлиниб олиб, ўз гуруҳидан бошқаларга таҳқир ва камситиш назари билан қараб, халқни, умматни фирқаларга бўлаётган, жамият ичида фитна кўзиётганлар агар ўз таассубларини ташламасалар, нафақат ўз диндошларини балки бутун Ҳазрати Инсон зотини ҳурмат, эҳтиром қилишга ўтмасалар, ўз насл-насаби, келиб чиқиши ва бемисл илму-иқтидоридан ғурурланиб, Одамни эъзозлашдан бош тортиб, кибр қилиб, Аллоҳнинг қаҳрига дучор бўлган Иблиснинг кўйига тушишлари бегумон.

Зотан, Одам болаларига душманлик аламзада Иблиснинг коридир.

Бинобарин, қайси динда, эътиқодда, миллатда бўлмасин, ҳар қандай баҳоналар билан Одам болаларига душманликни тарғиб қилиш Иблис малайларининг ишидир.

Нарсаларнинг номларини билишдан бошқа на илми, на дини, на китоби бўлмаган Одамга фаришталарнинг энг илмлиси ва обрўлиси бўлган Иблиснинг сажда қилишдан бош тортиши туфайли кофир бўлиб Аллоҳнинг даргоҳидан қувилгани, Одам болаларининг ҳурмати нақадар улуг ва зарур нарса эканини ифодалайди.

Ҳаким ва Алим Аллоҳ таоло “Бақара” сураси 34 оятида айтади.

“Биз фаришталарга Одамга сажда қилинлар дедик. Бас сажда қилдилар. Фақат Иблис бош тортди ва кибр қилди ва кофирлардан бўлди”.

Модомики, Одам болаларини, инсон зотини дини, ирки, миллати, келиб чиқишидан қатъий назар эъзозлашни, ҳурмат қилишни қоида қилиб ушланмас экан, илму-амали, насаби, дини, ҳизби қандай бўлмасин Аллоҳнинг қаҳрига учраб Иблиснинг ортидан эргашиб кетиши турган гап.

Дарвоқеъ, Ғарбнинг барча ютуқларининг асл сабаби инсон ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш биринчи ўринга қўйилгани экани барча тан олган ҳақиқатдир. Бинобарин ислом юртларининг таназзули ва қоқоқлигининг асл сабаби ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътиборсизликдир.

Токи шу масала керакли даражага кўтарилмас, ўнганмас экан барча баландпарвоз даъволар, ҳаракатлар қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Ваҳоланки, бу дунё ҳам, самовий динлар ҳам, китоблар ҳам инсоннинг ажлидан, сабабидан, инсон учун яратилгандир, нозил қилингандир.

Зотан, Аллоҳ таоло Ўзи “Ер юзидаги ўринбосарим” деб улуғлаган Бани одамнинг ҳурмати, муқаррамлиги, эъзози барча нарсадан устун, биринчи ўриндаги масала деб қараш лозим.

Азиз ва Ҳаким Аллоҳ таоло “Исро” сураси 70 оятда марҳамат қилади.

-“Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-муқаррам қилдик..., ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик”-

Айнан шу мезоннинг бузилганлиги, инсоннинг ҳурмати биринчи ўринга қўйилмагани, инсон хидояти, бахт-саодати учун Меҳрибон ва Ҳикматли ЗОТ тарафидан бутун оламларга раҳмат қилиб юборилган динни ички ва ташқи адоватларга асос қилиб ушлангани мудҳиш ва хатарли адашишдир.

Одам болаларини динига, эътиқодига, иш-амалларига қараб муносабат, муомала қилишни ташлаб, баҳо беришни ишларнинг ҳақиқий Эгасига ҳавола қилиб, инсонни эъзозлашни, унинг ихтиёрини, танловини ҳурмат қилишни йўлга қўйилмас экан, ислом юртлари ҳозирги ижтимоий ва иқтисодий қоқоқлик ва таназзулдан қутула олмайдилар.

Токи дини, ирки, миллати қандай бўлишидан қатъий назар, одамлар ўзларини муқаррам, муаззам, азиз инсон эканликларини тўла ҳис этиб яшай оладиган жамият қуриш мақсади биринчи ўринга қўйилмас экан, “ҳақиқий исломий давлат” қуриш каби баландпарвоз даъволар, барча уринишлар, шиорлар, ҳаракатлар охир-оқибат муваффақиятсизликка, тушкунликка, ҳаёлий орзуларга айланиб қолаверади.

Қанчадан қанча бесамар ҳаракатлар, нобуд бўлган умрлар, синган тақдирлар беҳуда кетгани қолади, холос.

Ўзининг шахсий эҳтиросларини жиловлай олмайдиган, диннинг асл моҳиятини, ўрнини, вазифасини тўла тушуна олмай фақат ўз тушунчасидаги “дин”нинг ҳимоясини мақсад қилиб олган ва бу йўлда бутун инсониятни бўлса ҳам қурбон қилишга тайёр “раҳнамоларни” бу беҳуда “қурбонликларнинг” уволи тутмаслиги, Аллоҳ олдида сўроққа тутилмасликлари мумкин эмас...

Ҳақиқий демократик давлатларда эса инсоннинг ақли, тушунчаси ва ихтиёрини ҳурмат қилиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш биринчи галдаги вазифа қилиб олингани туфайли ҳар қандай одам ўзини муқаррам инсон эканини тўла ҳис этиб яшамокда.

Демак, ислом юртларида ҳам зўрликни, демагогияни эмас, балки инсонпарварликни, одамийликни, инсон ихтиёрини, ҳаётини, эркинлигини эъзозловчи гўзал мавъизалар билан даъват қилинган, инсоннинг қандай йўл танлашини ва бу танловини қандай бўлишидан қатъий назар, бутун жамият ҳурмат қилишини таъминловчи қонунларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш лозим.

Зотан, Аллоҳ таолонинг, “бир-бирингизни ёмон гумон қилмангиз, бир-бирингизни текшириб жосуслик қилманглар, бир-бирингизни ўлдириб гўштингизни егандай ғийбат қилманглар” деган ғоят муҳим буйруқларини амалга ошириш, ҳамда “сизларга ўз амалларингиз, бизга ўз амалларимиз, сизларга ўзларингизни динингиз, бизга ўзимизнинг динимиз” деган оятларини ҳаётга тўла татбиқи ҳам айнан инсоннинг ихтиёрига, эркинлигига ҳар хил, кўп ҳолларда гўё диний баҳоналар билан тажовуз қилинишидан сақлайди.

Айнан шу қонун, қоидаларнинг жамият ҳаётида тўла жорий қилиниши инсонларнинг ўзаро гўзал муносабатларини, ҳар бир инсоннинг ўзини эркин, ҳуқуқлари ҳимоя қилинган, ҳар хил тазйиқлардан озод, дахлсиз сезиб, бахтиёр ҳаёт кечиришини таъминлайди

. Дарвоқеъ, айнан шу қонун, қоидаларни жамият ҳаётига самарали татбиқ этганлари туфайли Ғарб давлатлари ҳар томонлама юксак натижаларга эришганликлари исбот талаб қилмас ҳақиқатдир.

Бинобарин, сон-саноксиз оқимлару ҳизбларга бўлиниб олган ислом жамияти Аллоҳ таолонинг амрларига, оятларига ҳилоф равишда, “гўё яхши ниятда” бир-бирларини текширишлари, тинмай бир-бирининг ортидан жосуслик, бадгумонлик ва ғийбат қилишлари туфайли ички зиддиятлар ботқоғига ботиб, мутлақ носоғлом муҳитни юзага келтираётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Ғарбнинг, демократия номи остида айнан ислом қонун қоидаларини жорий этаётганидан қайтанга хурсанд бўлиш, уларнинг тайёр тажрибаларидан оқилона фойдаланиш, ислом асосларига тўғри келмайдиган ортикчаликлардан тозалаб демократияни жамият ҳаётига татбиқ этишга ҳаракат қилиш лозим.

Ҳар хил баҳоналар билан, мутаассиблик қилиб, юксак, намунали жамият қуриш йўлида “велосипедни қайтадан кашф қилишга” уриниб, умматни сароб ортидан югуртириб, орқага тортиш - жаҳолатдан бошқа нарса эмасдир.

Барча мусулмонларнинг бошини бирлаштириб, муайян мақсад сари етакланмаса, ҳаракат қилинмаса, ҳар қанча яхши ният, дуохонлик, шаклпарастлик қилинмасин, айтарли натижа кутиш - ақлсизликдир.

Умматни юксалтиришда дунёнинг илғор халқлари тажрибаларини ўрганиш лозим. Дадил айтиш мумкинки, ислом умматини ҳам Европанинг юксалишига сабаб бўлган демократик асослар; инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, фикр эркинлиги, сўз эркинлиги, ишни ҳақиқий лойиқ эгасига топшириш имконини берувчи сайлов системаси ва бошқа муҳим тадбирлар юксалтира олади.

Бу тадбирларнинг бирортаси исломнинг асосларига, мақсадларига зид келмайди. **Балки булар, Аллоҳ таоло инсонларга ишониб топшириб қўйган ер юзидаги халифаликни чиройли адо этиш тадбирларидир.**

ИСЛОМ ВА ФИКР ЭРКИНЛИГИ

Парвардигори олам ислом умматига ўзининг то қиёмат боқий китобида қайта-қайта таъкидлаб ақлларини ишлатишни, фикр юритишни буюрганига қарамай ислом юртларидаги фикр, сўз эркинлиги масалалари жиддий ислохотларга муҳтождир.

Ислом юртларидаги фикр, сўз эркинлиги масалалари барчага маълумки жуда ачинарли аҳволда.

Ҳар қандай жамиятнинг ҳар хил ижтимоий касалликларга чалинишининг, охир – оқибат бу касаллик кучайиб жамиятнинг ҳалокатига сабаб бўлишининг олдини олувчи энг ижобий восита бўлган танқидий қарашларни, танқидий фикрларни очиқ изҳор этишининг ва сўз эркинлигининг

бўғиб ташлангани ислом юртларининг ижтимоий ва иқтисодий таназулининг асосий сабабларидан биридир.

Ислом ва мусулмонларнинг фазилатлари ҳақида беадад, ўз-ўзини мақтовчи, олқишловчи китоблар ёзилавериш фақат шундай бир тарафлама китоблар ўқишга ўрганган аксар омма танқидий китобларга нисбатан салбий қарашлардадир.

Бунинг устига ўз муҳолифларини енгитиш йўлида ҳар қандай шармандалиқдан қайтмайдиган, динни ўз шахсий ёки гуруҳий манфаатлари йўлида ишлатишга ўрганиб қолган сохта “дин жонкуярлари”нинг усталик билан халқ фикрини ҳоҳлаган кўйларига солиб ўйнатишлари сабаб ҳам танқидий фикр билдиришга кўпчилик журъат этолмайди.

Натижада, халқ ичида ижтимоий-иқтисодий муаммолар йиғилиб, газак олиб, ўнглаб бўлмас даражадаги, жамиятнинг ичидан емирилишига сабаб бўлувчи тузалмас касалга айланиб қолмоқда.

Ислом юртларида ҳам фикр эркинлигига, сўз эркинлигига, танқидий фикрларни бемалол изҳор қилишга йўл берилмас экан, жамият ижтимоий тарафдан ҳам, иқтисодий тарафдан ҳам юксала олмайди.

Зеро, Парвардигори Олам эркин, хур, озод, энг мукаррам инсон қилиб яратган Одам болаларини хурлигини чеклаш, фикрий қулликка солиш - хур инсонни қул қилиш гуноҳига тенгдир.

Хур инсонни қул қилиш эса бир бегуноҳ жонни ҳаётдан маҳрум этиш билан баробардир.

Афсуски, ҳозирги кунда аксар исломий мамлакатлар фикрий қуллик муҳити асоратидадир

Ислом юртларидаги омма фикратини бошқариш майдонидаги муҳитни эгаллаб олган «шаллақи такводорлар» энг эзгу ният ва мақсадлар билан айтилган, ёзилган ва бошланган ҳаракатларни ҳам мутаассиблик билан «дин бузувчилик», «динга душманлик» деб йўққа чиқарадилар.

Чунки улар ҳаётда фақат бир тарафлама таълим, тарбия олганлар. Реал ҳаёт воқеълигидан беҳабардирлар. «Киши ўзи билмаган, танимаган нарсасининг душманидир» деб бежиз айтилмаган.

Шунинг учун улар юксак ривожланган давлатлар тажрибаларига фақат душманчилик назари билан, қора кўзойнақлар орқалигина қарайдилар.

Бинобарин, ислом юртларидаги илғор кучлар халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўнглаш йўлида ҳаётга реал қарай оладиган, ҳар тарафлама зиёли тоифаларнинг маслаҳатларига суянишлари керак. Нодон, мутаассиб кучларнинг бу майдондаги таъсирини иложи борида камайитириш зарур.

Модомики, изҳор этилган ҳар қандай фикрларда диннинг аслини, рукнларини инкори йўқ экан бундай фикрларни бўғишга ҳаракат қилиш мутлақо мумкин эмас.

Чунки “Фарз, рукн қоим экан дин қоимдир” деган ўзак қоида мавжуд. Яъни фарзу-рукнлар диннинг муқаддас, дахлсиз асосларидир.

Бундан ташқари нарсаларни, амалларни қай даражада бажариш, сақлаш, риоя қилиш, қилмаслик ҳар бир мусулмоннинг ўз шароитига, тоқатига боғлиқ, унинг ихтиёрига тобеъ амалдир. Бу амаллардаги зиёдалиқ ёки ноқислик учун уни айблаш ўзи ислом асосларига зиддир.

Диний илмларни ўта мураккаблаштириш, ҳар қандай амални ўзи ҳоҳлаган тарзда муҳимлаштириш ёки аҳамиятини пасайтиришга устаси фаранг “дин ҳимоячи”лари омманинг соддалигидан ўз муҳолифларини обрўсизлантириш ва хатто йўқотиш йўлида фойдаланмоқдалар.

Динни, иймонни рўқач қилиб бундай иймонсизлик қилиш афсуски кундалиқ оддий ҳолат бўлиб қолди.

”Икки мусулмон урушишса ўлган ҳам ўлдирган ҳам дўзахдадир” деган қатъий ҳукм ҳам бу нодонларни биродарқушлиқнинг ҳар хил кўринишларидан тўхтата олмаётгани ачинарли ҳолдир...

Бундай носоғлом муҳитнинг асл исломга ва инсон табиатига хилофлиги сабаб ҳам одамлар ислом юртларидан бешиб, инсон ҳуқуқлари, фикр, сўз эркинлиги тўла таъминланган юртларга кетиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Хатто бой араб давлатларидаги имконияти бор шайхларнинг 40-50 фоизгача қисми инсон ҳуқуқлари, сўз, фикр эркинлиги таъминланган Америка ва Европа давлатларидан ҳовли – жойлар

сотиб олиб қўйганлари ҳам ўзгалар фикрига, сўзига кенглик билан, тоқат билан қараш, ихтиёрини, эркинлигини ҳурмат қилиш инсон табиатидаги эҳтиёж эканини исбот этади.

Бот-бот, ислом юртларидаги сал илғорроқ, ўзгачароқ фикрлаган олимларнинг ҳар хил тазйиқларга, қувғинларга учраётганларини хабарлари эшитилиб тургани барча илғор фикрловчи одамларни бу муаммо ҳақида жиддийроқ фикрлашга, шуғулланишга ундайди.

Акс ҳолда, ислом юртлари нафақат ижтимоий балки иқтисодий жиҳатдан ҳам бунданда қолаклашиб кетаверади. Чунки ўзининг эртанги кунига, ҳуқуқлари ҳимоясининг гаровига ишонмаган ҳар бир одам ўзининг бор имкониятларини, маблағларини ўзи ишонган, ҳуқуқлари ҳимояси қафолатланган юртларга жойлаштиради.

Гарчи у, бор мол-мулкни исломий юртларда жамғарган бўлса ҳам жиддийроқ иш юритишдан аввал албатта келажаги қафолатланган шароитни, жойни танлайди. Исломий юртлардан катта-катта маблағларнинг ўзга юртларга “оқиб чиқиб кетиши”нинг сабаби ҳам шудир. Фақат инсон ҳуқуқлари, фикр, сўз эркинлиги, ижтимоий адолат, кенглик, қонун устуворлиги қафолатлансагина, одамларда келажакка ишонч уйғонсагина ислом юртларига ҳам “мблағлар оқиб кириши” жараёни бошланиши мумкин. Шундагина ислом юртлари ҳам тараққий қилиши, обод, гўзал ва фаровон юртларга айланиши мумкин

Колаверса, энг буюк, бебаҳо бойлик бўлган ноёб қобилиятлар, ноёб «ақлларнинг оқиб чиқиб кетаётгани», ислом юртларининг равнақи, ривожини учун хизмат қилиши ўрнига ўша Ғарб ва Америка манфаатлари учун хизмат қилаётганига ҳам ислом юртларидаги ҳукм сураётган бефарқлик, гумроҳлик, адолатсизлик, нодонлик ва жаҳолат сабабдир.

Биз ҳам бу бебаҳо бойликка ҳушёрлик, ғамхўрлик ва эътибор билан қараб, жиддийроқ шуғулланмасак Аллоҳ олдида бу неъматларнинг уволига қандай жавоб берамиз. Ожизлик, хорузорликда, қолақликда бир-биримизни айблаб, инқироз ва таназзул ботқоғига ботиб кетаверамиз.

Демак, токи ислом юртларида ҳам инсон ҳуқуқлари, фикр, сўз эркинлиги, адолат устуворлиги тўла таъминланмас экан, одамларда эртанги кунига тўла ишонч уйғонмас экан айтарли даражада тараққиёт ва юксалишни кутиш қийин.

Айниқса, ҳозирги замонавий, информатика даври одамларини реал воқеъликдаги адолат, эркинлик ва ишончгина буюк ишларга, фидойликка чорлаши, ундаши мумкин.

ИСЛОМ ВА ШАРИАТ

Маълумки, шариатнинг асосий манбаълари бўлган Қуръони карим ва саҳиҳ ҳадисларнинг муқаддаслиги ва дахлсизлиги шубҳасиз.

Бироқ, мусулмонларнинг ўзаро тортишув ва жанжалларига доимий сабаб қилиб ушланаётган шариат ҳукмлари олимларнинг Қуръон ва ҳадисни ўрганиб ўз ақлларига, тушунчаларига мувофиқ талқин этган қонун-қоидалардир.

Яъни, инсон тушунчасининг, фикрининг маҳсулидир.

Дарвоқеъ, шариат, мусулмон фақиҳлари тарафидан Пайғамбаримиздан кейин 2-3 аср давомида шаклланган. Бундан ташқари, бу жараён ҳозирги даврдан кескин фарқ қилувчи ўзига хос тарихий шароит ва даврда амалга ошган.

Шунинг учун ҳам айнан бир масалада ҳар хил олимлар ўз замони, макони ва шароитига мувофиқ хилма-хил қонун-қоидалар, фатволар чиқарганлар.

Бинобарин, замонавий мусулмон фақиҳлари, шариат асослари бўлган Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифни ҳозирги замон талабларига мос тарзда талқин этган ҳолда замонавий шариат қонунларини ишлаб чиқишлари мумкин ва зарурдир.

Айнан шу соҳадаги оқсашлик ва қотиб қолишлик туфайли ҳам, ислом дини аксар тоифа одамлар тарафидан воқеъликка тўғри келмайдиган эскилик ва қолоқлик деб тушунилишига сабаб бўлмоқда...

Бас, шундай экан, шариат аслида муқаддас ва дахлсиз эмас, балки замон ва макон, шароит тақозоларига мувофиқ ўзгариш ва ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлган оддий қонун-қоидалар мажмуасидир.

Айнан шу мезоннинг бузилгани, яъни инсон фикри, тушунчаси маҳсули бўлган шариатни Қуръон ва ҳадис билан бир қаторга қўйиб муқаддас ва дахлсиз саналгани, унинг “ҳимоясини” муқаддас диний амал даражасига кўтарилгани ҳамма балонинг бошидир.

Дарҳақиқат, узоқ ислом тарихида мутаассиб ва нодон дин пешволари калтабинлик ва такаббуруна иддаоларини, шахсий эҳтиросларини енга олмаганликлари сабаб, ўз тобеъларига, авом халққа бу ихтилофларнинг табиийлиги ва зарарсиз эканлигини, бу ихтилофларга кенглик ва оқиллик билан ёндашиш лозим эканлигини тушунтириш ўрнига, шу ихтилофлар туфайли аввало ўзлари ўзаро адоватга берилганлар ва халқни ҳам адоватга бошлаганлар.

Натижада ислом тарихи саҳифалари ўзаро ички адоватлар, биродарқушлик урушлари каби шармандали ҳолатларга, қора доғларга тўлиб кетган.

Афсуски, бу “анъана” ҳозирги юқори маданият асрида ҳам, сурункали юқумли касаллик сингари дин пешволарини тарк этгани йўқ. Ҳозирги кундаги дин пешволарининг ҳам шариат талашиб, ўзаро ҳурматсизлик ва айбловлар билан машғулликлари, ҳамда авом халқни ҳам ўзларининг бу “жанг”ларига аралаштириб, халқ орасида носоғлом муҳитни кучайтираётганликлари бу борада кенгроқ фикрлаш, жиддийроқ шуғулланиш зарурлигини билдиради.

Барча ислом оламида бўлгани каби, юртимиздаги мавжуд реакцион оқимларнинг бир-бирлари билан ўзаро адоватларининг, мусулмонларимиз табиатидаги жиззакилик ва торликнинг асослари ҳам айнан шу шариат ҳукмларидаги ихтилофларга ўта жиддий ёндашишлиқдир. Мусулмонларнинг бирлигини, биродарлигини сақлашдай ғоят муҳим фарз амални бу ихтилофлардан муҳимроқ эканини идрок этолмаганликларидандир.

Шундай экан, бутун оламларга РАҲМАТ бўлиб келган динимизнинг олийжаноб хислатларини йўққа чиқариб, уни мутаассиблик ва нодонлик билан умматни парчаловчи, бўлак-бўлақларга ажратувчи восита қилиб олишни ташлаб, шариат қонун-қоидаларидаги ихтилофларга, фарқларга бирмунча енгиллик, кенглик билан қараб, мусулмонлар бирлигини, жипслигини анча юқори қўйишимиз, энг устувор масала деб қарашимиз лозим.

Хуллас калом, мусулмонларнинг бирлиги, жипслиги биринчи галдаги фарз амалдир ва ҳар қандай шаръий масалалар ва қонун-қоидалардан устун ва юқоридир.

Фарзни тарк этиб, унинг зарурлигини, муҳимлигини фаҳм этолмай, инсонлар тушунчасининг, фикрининг маҳсули бўлган қонун-қоидаларни баҳона қилиб, ўзаро адоват қилиш, адоват уйғотиш ўта нодонлик, жоҳиллик ва оғир хиёнатдир..

Демак, инсон ўзини Аллоҳнинг ердаги ўринбосари деган юксак унвонига яраша, Аллоҳнинг энг мукаррам махлуқи эканини тўла ҳис этиб яшай оладиган жамият қуришимиз учун, биз ҳам барча бузилган мезонлар ва қадриятларни ўз ўрнига қўйиб чиқишимиз лозим. Бунинг учун;

Аввало, Аллоҳ таоло Ўзи Одамни “Ер юзидаги ўринбосарим” деб улуғлаганини, “Исро” сураси 70 оятида,

-“Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик..., ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик”- деб, Ҳазрати Инсонни барча нарсалардан устун қилганини тан олишимиз, эътироф этишимиз зарур.

Бани одамнинг азиз-мукаррамлиги аввало Аллоҳ таолонинг иродасидир.

Аллоҳнинг махлуқотлари орасида ақл, ихтиёр, нафс, нутқ, тамииз (яхши-ёмон, фойда-зарар, оғир-енгилни фарқлаш, ажратиш), танлов ва бошқа жуда кўп неъматлар билан сийлангани ҳам Бани Одамдир. Хатто фаришталарга ва бошқа махлуқотларнинг ҳеч бирига Аллоҳ таоло бу буюк неъматларни берган эмас. Зеро, Бани Одам айнан шу неъматлар, шу сифатлари билан Аллоҳнинг ердаги “Ўринбосаридир”.

Бас, шундай экан, Бани Одамнинг қолган барча махлуқотлардан устун бўлишига сабаб бўлган бу сифатларига, яъни ақлига, ихтиёрига, танловига бизга маъқул келмагани учун хурматсизлик билан қараб, унга ўзимизча салбий баҳолар бериб камситишимиз мутлақо ножоиздир.

Бинобарин, юқорида айтиб ўтганимиздай, бу дунё ҳам, динлар ҳам, муқаддас китоблар ҳам инсон учун, инсоннинг сабабидан яратилган экан, демак инсон диндан ҳам эътиқоддан ҳам устундир, юқоридир.

Айнан шундай тушунишгина, инсонни инсонлигининг ўзи учун уни эътиром этиш қоидасининг амалига йўл очади, кафолотини беради. Ҳар қандай одамнинг дини, эътиқоди, амали қандай бўлишидан қатъий назар, ўзининг муқаррам инсон эканини ҳис этиб яшашини таъминлайди.

Дарҳақиқат, кишининг эътиқоди ва дини У билан Яратувчининг ўртасидаги алоқадир. Бошқа махлуқларнинг ҳар қандай баҳоналар билан бўлмасин бу алоқага аралашилари, бурун суқишлари фақат салбий натижалар бериши ҳаётда кўриниб турибди.

Иккинчидан, модомики исломнинг асосларига, рукнларига путур етмас экан, шариат масалаларидаги барча ихтилофларга эътиборсиз қарашни изчил равишда мусулмонлар онгига сингдириш зарур. Бундай тушунча ўз-ўзидан мусулмонларнинг бир-бирларидан айб топиш, бир-бирларига душман бўлишдан сақлайди. Мусулмонлар жамиятининг ичидан емирилишини тўхтатади.

Чунки, мавжуд, бир-бирини кўргани кўзи йўқ сон-саноксиз оқиму-мазҳабларнинг деярли барчаси ислом асослари ва рукнларида бир-бирларидан фарқ қилмайдилар. Шундай экан, бундай кенг қараш ўзаро ички зиддиятлар ва душманчиликларни йўқолишига, бирликни юзага келишига сабаб бўлади. Ҳатто 14 асрдан бери давом этаётган шиа-сунний муаммосини ҳам барҳам топишига олиб келади.

Қолаверса, Аллоҳ таоло бизнинг ҳар биримизга бошқаларни текшириш, жосуслик қилиб айбларини топиш ва кўпроқ айбдорларни топиб келиш эвазига жаннатга киритишни ваъда қилган эмас.

Аллоҳ таоло мусулмонлар жамиятидаги бўлиши керак бўлган бирлик ва жипсликни гўзал бир суратда шундай сифатлайди;

–“Албатта мўминлар ака-ука, биродардирлар. Бас, биродарларингиз ораларини ислоҳ қилинглр”- Ҳужурот сураси 10 оят.

Демак, иймон, мўминлик бизларга ака-укалик, биродарлик шарафини, масъулиятини юклайди.

Шунга кўра, мусулмонларнинг бир-бирларини текшириб, бир-бирларидан айб топиб, бир-бирларига душман ҳар хил тоифаларга, оқимларга бўлиниб олишлари, душманликлари ака-укалик ҳаққига хиёнат ва Аллоҳнинг оятларига хилофдир. Аллоҳнинг оятларига хилофлик ва хиёнат эса сўзсиз хорлик ва заифликка олиб келади.

Воқеълик ҳам буни исбот этиб, кўрсатиб турибди.

Қолаверса, мўминликнинг, биродарликнинг масъулияти мусулмонлар орасини ислоҳ қилишдир ва бу Аллоҳнинг амридир.

Афсуски, ўрталари бузилганларнинг орасини ислоҳ қилишликни Аллоҳ таоло буюриб турганига қарамай, мусулмонлар орасини яхшилаш, ихтилофларни, тафриқани йўқотиш ҳақида изланаётган, ҳаракат қилаётган одамлар устидан фикс-фасод юргизиб, тап тормай ҳар қандай иғволарни тўқиб, тарқатиб юрганларнинг “халис хизмат” ларининг муқофоти нима бўларкин?

Ҳали вақт борида кўзимизни очмасак, эртага кеч бўлиши, мусулмонларнинг ички ва ташқи ҳолатлари бунданда ўнглаб бўлмас даражада бузилиб, ҳеч ким бир-бирини тан олмайдиган, биров-бирова кулоқ солмайдиган, назоратдан чиқиб кетган бетартиблик, бошбошдоқлик ҳолатига тушиб қолишимиз мумкин.

Афғонистондаги охири йўқ биродаркушлик урушлари, мусулмонлар ичида бўлаётган террорлар, охириги вақтлардаги Покистон шимолидаги даҳшатли бетартибликлар бу ҳолатнинг бошланишидан даракчи бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Албатта, мусулмонлар орасидаги бу ҳолатдан манфаатдор тарафлар ҳам мавжудлигини ҳеч ким инкор этмайди. Буни тан олишлик бизни янаям ўзимизга хушёрроқ бўлишимизга, ўзаро

аразларимизни, барча хафагарчиликларимизни унутиб янада астойдилроқ бирликка, якдилликка эришишга ҳаракат қилишимиз зарурлигини англатади...

Афсуски, ислом юртларидаги аксар одамлар ислом ва замонавий цивилизация ҳақида жуда юзаки тушунчага эгадирлар. Улар гарчи мусулмонликларини эътироф этиб, шаклан исломий анъаналарга содиқ бўлсаларда, аслида исломнинг маънавий ва руҳий моҳиятини тўла тушуниб, шунга мувофиқ яшай олмаяптилар.

Қолаверса, улар замонавий технология имкониятларидан, афзалликларидан фойдаланиб, замонавийликни иддао қилсаларда, кўплари бу замонавийликнинг асосини ташкил этган қийматлар, фикрлаш ва тафаккур тарзлари тўғрисида тўла тушунчага эга эмаслар.

Бу ҳолатдан илғор ислом олимлари қаттиқ таассуф билдирадилар. Лекин, токи аҳвол ўнгланиб экан, мусулмонлар дунёқарашларида илғор, янгича фикрлашга, изланишга, нарсаларнинг шаклигагина эътибор бериб юравермай, моҳиятни англашга ҳаракат қилинмас экан, диний таассуб ҳали бери ўз ўрнини бўшатмайди, жамиятни ичидан емирувчи кучлар ривожланаверади.

Шундай бўлсада, мен мусулмонларнинг иродаси ва ақлига суяниб аҳвол ўнгланиб кетишига ишонгим келади... **Аллоҳ ҳамма нарсага қодир зотдир.**

Йил давомида мукамал тўрт фаслни кўриш мумкин бўлган, дунёнинг кўп қисмида аср муаммосига айланиб бораётган тоза сув муаммоси таҳдиди йўқ, оби-хаётга сероб, нимани эксанг кўқарадиган серҳосил заминга эга жаннатмакон юртларнинг соҳиблари эканимиздан Яратганга шукроналар келтиришимиз вожибдир.

Бу буюк неъматларнинг шукронаси эса, Аллоҳнинг омонати бўлган Динни ихтилофужанжалларга, сувни лойқалатишга, фитна-фасод кўзгаб, халқимиз ахлоқини, табиатини, феълини бузишга ишлатмасдан, халқнинг ахлоқини жаҳонда энг юксак маданиятли, кенгфеъл, барчага фақат яхшиликни сунадиган, ҳоҳлайдиган қилиб тарбиялашга ишлатишдир.

Агар халқимиз табиатидаги ибодат, андиша, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик устига асл исломнинг энг олийжаноб хислатларини сингдириб, маданиятли, инсонпарвар, тинчликсевар, нафақат инсонларга, балки Аллоҳнинг ўринбосари деган шарафли баҳога лойиқ тарзда табиатни муҳофазасига ҳам қаттиқ эътибор берувчи инсонларни тарбия қилинса бизни юртлардай юрт дунёнинг ҳеч қаеридан топилмаса керак

Дарҳақиқат бизнинг юртлар жаҳон маданиятининг, тараққиётининг ўзагини ташкил этган илм-фанларнинг асосчилари етишиб чиққан, шарқ ва ғарб маданиятлари туташган, иккала тарафнинг маданиятидан, қадриятларидан бохабар инсонлар яшайдиган серҳосият юртлардир.

Шунга кўра ҳам бир томонламалик, ўзининг Аллоҳнинг ердаги ўринбосари эканлигини унутиб, дунёни тарқ этиш даражасида динга берилиш ёки дунёни деб диндан, маънавийдан воз кечувчи манқуртлик (қуруқ материалистик қарашлар) бизнинг юрт одамлари табиатига ётдир.

Шунинг учун ҳам барча мусулмонлар юртларидаги бирлашмаслик ва ихтилофлар манбаъига айлантириб юборилган исломий мафқурани яна асл ҳолига қайтаришдай муборак, оламшумул, буюк бир ислохотнинг ҳам бизнинг шу юртларда бошланиши, амалга оширилиши дунёимиз учун ҳам, охиратимиз учун ҳам жуда катта ютуқ бўлгусидир, иншааллоҳ.

Икки дунё саодатига етишнинг гарови бўлган бу хайрли ишга сабабчи бўлишдай улкан бахтни барчамизга тенг насиб этишини Яратгандан умид қилиб қоламан. Аллоҳ Азиз ва Ҳаким зотдир.

ИСЛОМ ВА СИЁСАТ

Маълумки, бугунги кунда жаҳонда ҳар хил сиёсий тузумлар мавжуд ва улар ўзаро кураш, мусобақа ҳолатидадирлар. Қай бирлари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксак чўққиларга етишган бўлса, қай бирлари анчагина ортдадирлар. Албатта уларнинг ҳар бири ўзларининг тузумлари энг афзал тузум эканини иддао қиладилар. Аммо, ҳозирги ахборот-алоқа замонида уларнинг ҳар бирининг қандай ҳолатда эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Афсуски, жаҳон сиёсат майдонида ислом мафкураси башарият етишган барча яхши-ёмон сиёсий тузумларни барчасини маҳв этиб, йўқ қилиб, зўрлик билан ўз тузумини ўрнатмоқчи бўлган ёвуз бир куч қабилида талқин қилинмоқда.

Бунга албатта, исломнинг моҳиятини тўла тушуна олмаган, чаласавод “ислом лашкарлари”, ўта реакцион тушунчадаги “алломалар”нинг ислом динини жанжалкаш, мутаассиб, ўз фикри, тушунчаси йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган қайсар, ақлсиз сиёсий куч қатори намоён этаётганлари сабабдир.

Асл исломнинг кўздан яширилган ўзак қоидаларидан беҳабар авом халқ ҳам, бу қаллобларнинг найрангларига ўйнаб, алданиб, ўзаро ички ва ташқи адоватлар ботқоғига ботиб, жаҳон саҳнасида исломнинг энг хавфли куч қатори намоён бўлишига сабаб бўлмоқдалар.

Чаласавод дин пешволари ҳам диний эътиқодни восита қилган ҳолда, ихлосли ёшларнинг ҳиссиётларини барча мавжуд сиёсий тузумларга қарши қайраб, аксар ёшларни озгина ташвиқот юргизилса ҳар қандай қилмишлардан қайтмайдиган тайёр террористларга айлантириб қўймоқдалар.

Аслида ислом дини зўрлик билан ўз тузумини жорий этиш учун юборилган, башарият ўз ҳаётий тажрибалари орқали етишган барча тузумларни йўқ қилиши керак бўлган сиёсий бир тузум эмас.

Айни кунда, жаҳонда бирорта намунали исломий давлатнинг барпо этилмагани ҳам исломнинг бошқа барча тузумларни йўқотиб, ўрнига турмоқчи бўлган ўзгача бир зўравон сиёсий тузум бўла олмаслигини исбот этади.

Ислом динининг сиёсати ва асл моҳияти - ҳар қандай жамият бўлмасин, шу жамият аъзоларини худодан кўркувчи, эртанги ҳисоб- китоб кунда қилган ҳар бир яхши- ёмон ишларига жавобгар эканига имони мустаҳкам, риёкорлик ва ёлгончиликдан, иккиюзламачиликдан холи, ён атрофига, яқинларига, эл юртига нафи тегадиган, ҳаммага фақат яхшиликни ирода қилиб турувчи, намунали инсонлар қилиб тарбиялашдир.

Зеро, аъзолари шундай тарбияда бўлган ҳар қандай сиёсий тузум гуллаб яшнаши, ривожланиши шубҳасиз.

Зотан, Аллоҳ таоло инсониятни жамоа, жамият бўлиб яшашини ирода этган.

Инсон боласи ўзи туғилиб ўсган, яшаётган жамияти олдида доимо қарздордир. Чунки у ҳали онасининг қорнидалигидаёқ жамият аъзолари ёрдамидан баҳраманд бўла бошлайди. Тиббиёт ходимларининг доимий назорати остида ой- кунни етиб ёруғ дунёга келгач, бевосита ўзига кўрсатилажак ёрдамларни олади. Улғайган сари боғча, мактаб, институт даргоҳларида таълим- тарбия олади. Вояга етиб ишга яроқли бўлганида эса, уни ўстириб-улғайтирган, тарбиялаган шу жамият олдидаги қарзларини адо этиши унга вожиб бўлади.

Сарвари олам Пайғамбаримиз с.а.в нинг ”Аллоҳ олдида энг суюклироқларингиз - одамларга нафи тегадиганларингиздир” деган гапларининг маъноси ҳам шудир.

Қолаверса, юқорида айтиб ўтганимиздай Қуръони каримнинг жуда кўп ўринларида иймон келтириш ва яхши амал, яхшилик қилиш ёнма-ён уйғун ҳолда келгани ҳам ислом сиёсати айнан намунали яхши инсонларни тарбиялаш эканини билдиради.

Аъзолари тўғрисиўз, инсофли, фидокор, маҳалла-кўйига, шаҳрига, юртига яхшилик қилишни мақсад қилиб яшаётган, риё ва кибру-ҳаводан холи инсонлардан иборат жамиятнинг ўз-ўзидан сиёсати ҳам, иқтисоди ҳам намунали ҳолга келиши шубҳасиз.

Юртимиздаги дин вакиллари, диний устозлар ҳам исломнинг шу жиҳатларига урғу бериб, намунали, кенгфёъл, фидойи, ватанпарвар инсонларни тарбиялаш йўлида тарғибот ва ташвиқот юргизсалар, жамиятимиздаги ғоявий бўшлиқни ислом эътиқоди билан бирга уйғунлашган ҳолдаги, юксак маданиятли инсонни шакллантириш ғояси билан банд этсалар жуда яхши натижаларга эришиш мумкин бўлар эди.

Диний эътиқодни восита қилиб, баландпарвоз шиорлар билан халқнинг ҳиссиётларини кўзғаб, ўз юртларида амалга ошира олмаган даъволарини бошқалар қўли, қони ва жонини қурбон қилиш эвазига амалга ошироқчи бўлган шубҳали шахслар бир миллионлик бечора чечен халқини бирюз эллик миллионлик Россия давлатига қарши урушга кўзғагани ва беҳисоб мусибатларга сабаб бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

Қанча-қанча беҳуда қурбонлар, етим қолган болалар, вайрон бўлган оилалар, бинолар, шаҳарлар, синган тақдирларнинг уволи кимни тутади?

Албатта келгинди “муҳоҳидлар” учун бу нарсаларнинг аҳамияти йўқ. Улар ўз “ҳожалари” нинг топшириқларини бажариб, мўмайгина ҳақларини олиб, яна ўз юртларига, тинч хотиржам ўчоқларига қайтиб кетаверадилар.

Улар ҳеч қачон чечен халқининг манфаатини, юртининг энг илғор, энг обрўли фуқаролари бўлишларини ҳоҳлаган эмаслар. Зеро, ҳозирги замон илм-фан, ақл ва иқтидор замонидир.

Қолоқ юртлардан келган шубҳали одамлар ва шубҳали мафкуралар ҳеч қачон бизни илғорликка, кенгликка, юксакликка бошлай олмайди. Уларнинг баландпарвоз, хаёлий даъволарига, даъватларига ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик билан ёндашишимиз зарур!

20 асрда Европа икки бор, биринчи ва иккинчи жаҳон урушларини бошдан кечирди. Ҳар қандай даъволар билан бошланмасин, уруш-жанжал барча даҳшатли мусибатларнинг сабабчиси эканини, тараққиёт ва юксалиш иттифоқликда эканини аниқ англаб етдилар. Натижа ўлароқ Европа давлатлари, инсоният тарихида биринчи марта ихтиёрий равишда ўзаро чегараларни очиб ташлаб, буюк Европа иттифоқини туздилар.

Бундай ижобий ҳаракатнинг Яратганга ҳам мақбул ва гўзал амал экани шубҳасиздир.

Биз ҳам исломнинг асл моҳиятини, энг муҳим сиёсатини амалга оширган ҳолда, халқимиз қалбига чаласавод дин пешволари томонидан, ғирром услублар билан сингдириб юборилган нафрат-адоватларни, аламзадаликларни чиқариб ташлаб, унинг ўрнига исломнинг инсонпарварлик, ватанпарварлик, бағрикенглик ва фидоийлик таълимотларини сингдира олсак, тез кунда яқдиллик, бирлик билан тинчлик-барқарорликка, ижтимоий ва иқтисодий юксакликка етиша оламиз, иншааллоҳ.

Дарвоқеъ, Пайғамбаримиз с.а.в исломнинг сиёсати ва асл моҳиятини қисқача баён қилиб шундай деган эдилар:

“Мен гўзал хулқларни камолига етказиш учун юборилдим”.

Ривожланган мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий адолат, одамлари хулқидаги камтарлик, ростгўйлик, тўғриликни кўриб, ҳатто одамлари ёлғон гапириш нима эканлигини билмайдиган юртлар борлигини эшитиб, уларнинг қанчалар “муслмонлашиб”, ислом юртларида эса одамларнинг рўза тутиб, намоз ўқиб туриб асл исломий ахлоқлардан нақадар узоқлашиб кетганларига хайрон қоласан киши...

Беихтиёр Аллоҳ таолонинг “Моун” сурасидаги етим-есир, фақир-мискинларга меҳрсиз, каззоб, риёкор, қизғанчиқ намозхонларга вайл дўзахи билан таҳдид қилган оятлари ҳаёлингга келади...

ИСЛОМ ВА ЭҲСОН

Исломда асл эҳсон, яъни яхшилик қилиш, ўнг қўл берганини чап қўл билмай қоладиган даражадаги бериё, холис яхшилик, муҳтожларга ёрдам деганидир.

Афсуски, бугунги кундаги эҳсонлар аксар ўз кўрсатарга, кимўзарга, риёкорона маросимларгагина айланиб қолдики, бу ҳеч кимга сир эмас.

Дарҳақиқат, халқимиз орасида яхши ниятли, қўли очик, саҳоватли одамлар кўп. Улар халқ дардига малҳам бўлиш, муҳтожларга ёрдам бериш каби ишларни қилишдан қочмайдилар. Лекин бу борада самаралироқ бир услубларни билмаганликлари туфайли, халқ орасида урф бўлиб қолган, қорни катта чаламуллаларни чақириб риёкорона, дабдабали зиёфатлар уюштириш билан чегараланиб қолаётганлари кўпчиликни ташкил этади.

Хўш, ҳозирги замонавий дунёда бундай хайрия ишларни самаралироқ, эҳсонкор учун ҳам, муҳтожлар учун ҳам фойдалироқ тўғри йўналишга солишнинг қандай чоралари бор?

Бу хусусда ҳам ривожланган юртлар тажрибаларига назар солсак, хайрия ишлари жиддий, илмий асосларга биноан йўлга қўйилганини кўрамиз. Уларнинг иш услублари исломнинг бериё, холис ёрдам кўрсатиш талабларига тўла мувофиқ келадик, бу ҳам уларнинг тайёр тажрибаларидан фойдаланишимиз мумкинлигини ифодалайди.

Бундан ташқари бир мақсад, бир маслак йўлидаги инсонларнинг тарқоқ ҳиммат, малағ ва имкониятларини жамлаб, кенг қўламдаги режаларни, ҳаракатлар ва уринишларни биргаликда, самарали равишда амалга оширишлари учун ҳам маълум йўналишда иш олиб борувчи хайрия жамиятларининг имкониятлари беқиёсдир.

Айнан маълум бир соҳанинг ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқчи, кўмаклашмоқчи бўлган инсонларнинг тарқоқ ҳимматларини, ҳаракатларини тартибга солиб, самаралироқ натижаларга эришиш йўлида хайрия жамиятлари жуда яхши натижаларга эришганликлари ривожланган давлатлар тажрибаларида яққол исбот бўлгандир.

Биз ҳам ўз диёрларимизда ҳар хил йўналишдаги, халқ дардига, муҳтожларнинг эҳтиёжларига самарали ёрдам берувчи хайрия жамиятлари очишимиз, ўзимизнинг Аллоҳ йўлида қилажак эҳсонларимизни шу хайрия жамиятларига беришимиз, хайрия жамиятларининг ишларига кўмаклашимиз зарур.

Зеро, бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлган умумий таълимни ривожлантириш, иқтидорли болаларга алоҳида эътибор кўрсатиш, рағбатлантириш, халқ савиясини ошириш, гўзал хулқли инсонларни тарбиялаш соҳасида фаолият кўрсатувчи хайрия жамиятлари фаолиятларига ёрдам қилиш зарур. Чунки халқимизнинг бугунги кунда шу нарсаларга бўлган эҳтиёжи ниҳоятда каттадир.

Ёшларимизнинг замонавий дунёдаги етук инсонлар бўлиб етишишлари, келажакнинг ҳақиқий эгалари бўлишлари, дунё халқлари орасида халқимиз обрўсини, шарафини, қудратини намоёйиш этишлари учун айнан илм-фан соҳасидаги ютуқлар ниҳоятда муҳимдир. Бунинг учун халқимизнинг бор имкониятларини, ҳимматларини шу соҳага сафарбар этишлик бугунги куннинг талабидир.

Яратганга шукрлар бўлсинки, биз ер юзининг энг гўзал, серҳосил, ер ости ва усти бойликларига мўл, мўътадил иқлимли минтақаларида яшамоқдамиз. Фақат энди илм-фаннинг энг охириги ютуқларини эгаллаб, саноатни, энергетикани, юқори технологияни ривожлантирилса, юртимизда мавжуд барча хом ашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйилса юртимиз тез кунларда жаҳоннинг энг обод, энг бой юртларига айланиши шубҳасиз...

Бундан ташқари бошқа йўналишлар бўйича фаолият юргизувчи хайрия жамиятлари очиш ва уларга ёрдамлар уюштириш мумкин. Табиий офат етган жойларга тез ва зарур ёрдамлар берувчи, ногиронларга кўмак берувчи, муҳтожларни қўлловчи, касб-хунарсизларга касб-хунар ўргатувчи, чекка қишлоқларга тоза сув етказишда фаолият кўрсатувчи ва бошқа барча хайрли ишларда, йўналишларда фаолият кўрсатувчи хайрия жамиятлари очиш ва ёрдам бериш ҳақиқий исломий эҳсондир.

Ўрганиб қолинган, риёкорона, дабдабали маросимлардан воз кечиш ва унинг ўрнига беҳуда совурилайётган бу беҳисоб маблағларни ҳақиқий эҳсон бўлиши учун бериё, холис ўринларга сарфлаш вақти етди.

Албатта, ҳар қандай янгиликка шубҳа билан қарашга одатланган баъзи одамлар бу хайрия жамиятлари ҳақида шубҳа билдиришлари мумкин. Лекин жаҳоннинг илғор тажрибаларига суяниш ва яхши инсонлар борлигига, яхшилик дунёни обод қилишига, кутқаришига ишонч билан яшаш, ҳаракат қилиш лозим.

Ора-сира учрайдиган қаллоблар сабаб ҳаммага шубҳа билан қараш, шубҳа уйғотиш тўғри эмас.

Агар халқимиз орасида саҳоват ва меҳмондўстлик рамзи сифатида қилинаётган риёкорона, на охирад учун ва на дунёимиз учун фойдаси бўлмаган дабдабали маросимларга сарфланаётган беҳисоб маблағларнинг ҳеч бўлмаса ярми холис, беғараз хайрия ишларига сарфланганда эди, халқимизнинг маънавий ва моддий ҳолати анчагина ўнганган, халқ орасидаги иттифоқлик, бирдамлик, ўзаро муносабат яхшиланган бўлар эди.

Албатта бу фикрлар янгилик эмас. Кўпчиликнинг онгидаги, кўнглидаги гаплар. Фақат бу режаларни амалга оширишга астойдил уринишимиз, ҳаракат қилишимиз лозим. Чунки биз ўзимиз ҳаракат қилмас эканмиз бу ишлар ўз-ўзидан ҳеч қачон амалга ошиб қолмайди.

Зеро, Аллоҳ таоло -“**Албатта Аллоҳ ўзлари ўзгартирмагунларича қавмнинг бирор нарсасини ўзгартирмайди**”- деб дунёдаги барча ишларни ўзимизнинг ҳаракатимизга, уринишимизга ҳавола қилгандир.

ИСЛОМ ВА АМАЛЛАР

Инсоннинг икки дунё саодатига эришиши учун иймоннинг тасдиқи ўлароқ бажариладиган барча иш ҳаракатлар-амаллар деб аталади.

Амаллар икки турли бўлиб биринчиси диний ибодатларга оид амаллардир. Булар ислом динининг асосий рукнлари бўлиб иймон, намоз, рўза, закот ва ҳаждан иборат.

Ушбу амаллар ҳақида жуда кўп китоблар таълиф этилган бўлиб барча ислом уламоларининг асосий эътиборлари ва ихтимомлари шу нарсага қаратилган. Диний илм деганда айни шу ибодатларга оид масалаларни чуқур ўрганиш тушунилади.

Асли бу ибодатлар банданинг ўз Яратувчиси олдидаги қарзлари, фарзлари бўлиб банда билан Яратувчиси ўртасидаги алоқа ва амонатдир.

Бинобарин, банданинг бу амалларини баҳолаш, зиёда ва камчиликларини кечиб юбориш Аллоҳ таолонинг раҳматига, марҳаматига боғлиқ иш.

Уламоларимиз бу ибодатлар ва уларга оид масалаларга жуда катта эътибор берадилар.

Баъзи муфассирлар Қуръони каримнинг жуда кўп жойида уйғун ҳолда келган иймон ва амали солиҳ ҳақидаги оятлардаги солиҳ (яхшилик) амаллардан мурод фарз ибодатлардир деб тафсир қилганлар.

Дарҳақиқат, бу амалларнинг аҳамияти жуда муҳимдир.

Бироқ, Қуръони каримда инсонларнинг ўзаро алоқаларига, исломий жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга оид жуда кўп муҳим оятлар, кўрсатмалар ҳам нозил қилинган. Бу оятларда Аллоҳ таоло банданинг бандалар олдидаги, жамият олдидаги ҳақлари ва вазифаларига оид кўрсатмаларни, амалларни баён этган.

Булар иккинчи тур амаллар бўлиб халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётларига оид амаллардир.

Бу амалларнинг аҳамияти ва ғоят муҳимлигини Пайғамбаримиз (с.а.в) ва буюк алломаларимизнинг барчалари таъкидлаб ўтганлар.

Аллоҳ таоло ўз марҳамати билан банданинг ибодатлардаги камчиликларини кечиши мумкин. Лекин банданинг банда ёки жамият олдидаги ҳақларини то шу ҳақдорлар ўзлари кечмагунларича Аллоҳ таоло кечмаслиги ҳақидаги хабарлар бу амалларнинг нақадар муҳимлигини англатади...

Аксар аҳолиси мусулмон бўлган исломий давлатлар орасидаги парокандалик, ўзаро ягона маслак ва ҳаракатларнинг йўқлиги, мусулмонлар ҳаракатларидаги тарқоқлик, бошбошдоқлик ва нотайинликнинг асл сабабларидан бири ишлар ва амалларнинг ўрнини, аҳамиятини билмаганликларидандир.

Тўғри, диний ибодатларга хос амалларнинг мартабалари китобларда аниқ белгилаб қўйилган ва улар дахлсиз ва ўзгаришни қабул қилмайдилар.

Аммо мусулмонларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятларига оид ҳукмлар ва амалларнинг аҳамиятлари ҳамда мартабалари замон ва макон тақозосига мувофиқ ўзгариб туриши табиий ҳол.

Зеро, ислом уламоларининг асосий вазифалари ҳам айнан шу соҳаларда бугунги кун талабига мос, энг долзарб вазифаларни аниқлаб, асослаб кўрсатиб бериш йўли билан халқнинг маънавий-ижтимоий аҳволини ўнглашга йўл кўрсатиш, ҳаракат қилишдир.

Мусулмонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги мавжуд муаммоларга ҳушёрлик билан қараб унинг сабабларини ўрганиш ҳамда бу муаммоларни бартараф этиш йўлида қилиш керак бўлган энг зарур ишларни, амалларни аниқлаб бериш ва айнаи дамда нозарур мавзулардан одамларни қайтариш ҳақиқий пайғамбарлар меросхўрлари бўлган уламоларнинг вазифаларидир.

Сир эмаски, бугунги кунда ислом юртларида ўз ечимини кутиб ётган жуда кўп ижтимоий-иқтисодий муаммолар қалашиб ётибди.

Шунга қарамай аксар бир тарафлама таълим олган, воқеъликка мувофиқ иш кўришга онги, заковати етмаётган ислом уламолари мавжуд муаммоларни негадир четлаб ўтмоқдалар. Ўзларининг ожизликларини, ноқобилликларини яширган ҳолда фақат ибодатларга хос амаллар ва ҳукмлар ҳақида тинимсиз даъватлар, мавъизалар қилмоқдалар.

Ваҳоланки ислом умматини мавжуд ижтимоий-иқтисодий таназзулдан чиқариш куннинг энг долзарб вазифаси экани ҳеч кимга сир эмас.

Шундай экан уламоларимиз Қуръони каримнинг кўрсатмалари ва Пайғамбаримиз (с.а.в) нинг суннатларига мувофиқ шу энг долзарб муаммоларни олдинги ўринга қўйишлари ва шу муаммоларни ечими ҳақида тинимсиз иш-ҳаракатлар, даъват ва мавъизалар қилишлари зарур.

Давр, замон ва макон талабларига мувофиқ баъзи амаллар бирламчи ўринга чиқиши, баъзилари эса кейинги ўринга тушиши табиий.

Пайғамбаримиз (с.а.в) нинг бир хил саволга ҳар хил жавоблар берганларининг ҳикмати ҳам айнан ҳолат тақозосига мувофиқ амал қилишнинг аҳамиятини билдиради.

Айнаи кунда ислом юртларидаги, мусулмонлар ахлоқидаги нуқсон ва камчиликларни тақрибан шундай тартибда тизмалаш мумкин.

1. Бирлик ва иттифоқнинг йўқлиги
2. Моҳиятни ташлаб шаклпарастлик ва риёкорликка берилиш
3. Дунёқарашнинг торлиги ва бир тарафламалик
4. Дунёвий илм-фанга тарғиботнинг йўқлиги ёки пастлиги
5. Инсоннинг ҳурмати, ҳуқуқларининг ҳурматини пастлиги
6. Ўзаро бағрикенгликка, фикр ва сўз эркинлигига тоқатсизлик
7. Такфир-бир-бирларини асоссиз куфр ва муртадликда айблаш
8. Тажассус-жосуслик, бир-бирини текширишга ружу қўйилгани, ғийбат ва гумонга берилиш
9. Таовун-ўзаро ёрдамлашишнинг йўқлиги
10. Адолатсизлик, ёлғончилик ва хиёнатнинг кўпайгани
11. Кибру-ҳавони кўпайгани

Ер юзида ўзининг олижаноблиги, юксак маданияти билан бутун дунёга ўрناق бўладиган “Одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат”ни шакллантириш учун мусулмонлар жамиятида ўрнашиб қолган ушбу камчиликларни бартараф этиш куннинг энг долзарб вазифаси эмасми?

Бу тизмадаги муаммоларнинг ҳар бирини муолажа қилиш ҳақида Қуръони каримда кўплаб оятлар, кўрсатмалар нозил қилинганини аҳли илм уламоларимиз жуда яхши биладилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳам Аллоҳнинг шу кўрсатмаларини изчил равишда қавми онгига, тушунчасига сингдириш ва татбиқ этиш эвазига намунали, юксак жамиятни барпо этгани барчага маълум.

Айнаи шу долзарб мавзулардан кўз юмиш, четлаб ўтиш, бутун диққат эътиборни асосан ибодат масалаларига қаратиш туфайли ҳам динимиз ижтимоий ҳаётда деярли таъсири йўқ, меҳроб ва масжид динига айланиб қолмадимикан?

Зеро, зикру-ибодатлар ҳам айнан мукаммал инсонни, мукаммал жамиятни тарбиялаш воситаси ўлароқ вожиб қилинган эмасми?

Зотан, Аллоҳ таоло банданинг бирор нарчасига муҳтож эмас.

Бандаларга буюрган, улардан талаб қилган барча амаллар ва вазифалар фақат шу бандаларнинг ўзлари ва жамиятлари учун фойдали ва зарур амаллардир.

Демак, ўзларини пайғамбарлар меросхўрлари деб ҳисоблаётган уламоларимизнинг ҳар бирлари ўзларига берилган ҳар бир қулай фурсатдан бирламчи навбатда мана шу долзарб мавзуларни муолажа этиш учун фойдаланишлари зарур эмасми?

Бинобарин, халқимиз бугунги кунда айнан зарурни нозарурдан, муҳимни номуҳимдан ажратиб, халқимиз ахлоқидаги мазкур нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш йўлида ҳаракат қилувчи уламоларга муҳтождир.

Халқимизни ижтимоий-иқтисодий қолоқликдан чиқариш йўлидаги ушбу долзарб мавзулардан чалғитувчи мавъизалару-дарслардан ҳеч қандай фойда йўқ.

“Фойдасиз илмдан ўзинг асра” деган дуонинг моҳиятини тушуна олмаган баъзи ҳурматли уламоларимиз афсуски ўз тобеълари ва эшитувчиларининг қимматли вақтларини, эътиборларини майда масалалар билан банд этиб уларни майдақаш ва шаклпараст мусулмонларга айлантириб қўймоқдалар.

Бор иймону-ихлослари масжид деворлари ичидагина қолиб кетаётган, кундалик ҳаётларида жоҳиллик, худбинлик, риёкорлик, ноинсофлик ва иккиюзламачилик каби иллатлардан қутула олмаётган умматнинг ахлоқига жавобгарликни унутмаслигимиз лозим.

Айтиш мумкинки, диннинг энг муҳим фарз бўлган амаллари ҳам аслида инсонни бунданда муҳимроқ бўлган кундалик ҳаёт ибодатига тайёрлаш учун вожиб қилингандир. Яъни ўз гарданидаги барча ибодатларни бажараётган инсон кундалик ижтимоий ҳаётида, жамиятнинг барча аъзолари билан бўлган алоқаларида энг олийжаноб ва мукаммал, етук инсон бўлиши шартдир.

Акс ҳолда, модомики инсон кундалик воқеъ ҳаётида инсонпарвар, ростгўй, холис, саҳоватли, мукаммал инсонга айланмас экан унинг иймонини ва ибодатларини беҳуда эканини Азиз ва Ҳаким Зот “Моун” сурасида кескин ифода этади:

–“Динни ёлғон деювчини кўринг, у етимни (ёрдамсиз) тарк этади, мискинга таом беришга чақирмайди. Намозларидан ғафлатда бўлган намозхонларга “вайл” дўзахи бўлсин. Улар риёкорлардир ва улар моунни (қизганиш мумкин бўлмаган нарсаларни) манъ қиладилар (қизғанадилар)”-

Демак, модомики ўқиётган намози кишини хайрия ишларни қилишга ундамас экан, у - динда ёлғончи, риёкордир. Намозининг таъсиридан ғофил, риёкор, қизганчиқ бундай инсонларга Аллоҳ таоло - “вайл” дўзахи билан таҳдид қилмоқда...

“Вайл” дўзахи дўзахларнинг энг чуқури, ёмони ва даҳшатлисидир. Ҳаттоки бошқа дўзахлар унга тушиб қолишдан Аллоҳдан тинмай паноҳ сўраб турадилар.

Азиз диндош биродарлар, Аллоҳ таоло бу қатъий оятларида мусулмончилиги фақат масжиду-меҳроблардагина, ибодатлардагина намоеън бўладиган, ўз ахлоқларини, амалларини, дунёқарашларини ҳақиқий юксак исломий таълимотларга мувофиқ ўнглашни эътиборсиз ташлаб қўйган иккиюзламачи мусулмонларни огоҳлантирмаяптими?

Ваҳоланки биз ислом ва мусулмонларнинг афзалликлари, фазилатлари ҳақида ҳар қанча оғиз кўпиртириб, мақтаниб гапирмайлик, агар мусулмонларимиз воқеъ ҳаётларида ўнглиниб, ўрناق бўларли фазилатларга эга бўлмас эканлар, даъволаримиз қуруқ сафсата бўлиб қолаверади.

Афсуски, аксар уламоларимиз халқнинг ижтимоий, маънавий аҳволидан Аллоҳ таоло олдидаги ўз масъулликларини англамайдилар. Динни гўё фақат ибодатлар, кироат ва дуолар билангина чегаралангандек тушунадилар ва тушунтирадилар.

Дарвоқеъ мана шундай калтабин уламоларимизнинг майдонни эгаллаб, фақат бирёқлама ҳаракатлари туфайли ҳам гарчи масжидлар намозхонларга тўла бўлса ҳам халқ ичида жоҳиллик, риёкорлик, жосуслик ва бадгумонлик каби иллатларнинг камаяётгани сезилмайди.

Ҳамма нарсадан хабардор бўлатуриб динни тирикчилик ва обрў воситаси қилиб олган, асосий амаллари кераксиз масалалар билан халқни чалғитиб, аллалаб ухлатиш бўлаётган уламоларимизни қандай тушуниш мумкин.

Ваҳоланки, уламоларимиз ҳозиқ табиб сингари бемор жамиятнинг томирини ушлаб, зийраклик ва ҳушёрлик билан ташхис қўйиб, керакли микдорда, керакли дориларни беришлари лозим эмасми?

Акс ҳолда, шубҳали таомлардан ўзларини тиёлмай, семириб, томирнинг уришини сезувчи туйғулари ўтмаслашган табибларнинг нўноқлиги туфайли бемор жамиятимизнинг аҳволи кундан кунга бунданга бадтар бўлиши мумкин.

Демак, жамиятнинг соғломлигини, эртанги кунини, ёрқин келажагини таъминлаш учун биз аввало хушёр ва зийрак, ўз вазифаси ва масъулиятини англаган, диннинг шаклинигина эмас моҳиятини ҳам чуқур тушунган, камтар ва умматга меҳрибон ҳозик табибларни етиштириб чиқаришимиз зарур.

Оёғи синган беморга бош оғриқ дори, ичи кетаётганга кулоқ оғриқ дори бериб яна ўз билимдонлигини кўрсатиш учун кулоқни қоматга келтириб табоботдан тинмай дарс айтиб сафсата сотаётган табибларнинг баҳридан ўтиш вақти етмадимикан?

Бемор жамиятимизнинг касалини билиб туриб, керакли дориларни бериб даволаш ўрнига, онгли равишда, беморнинг сезгиларини карахт қилувчи дорилар билан ухлатиб қимматли вақт ва имкониятларни зое кеткизаётган уламоларимизнинг қилаётган амалларини қандай оқлаш мумкин?!!

ИСЛОМ ВА ИНСОН

Инсон тафаккури англай олган жамии гўзал сифатлар Эгасининг олий иродаси маҳсули, борлиқнинг меҳвари (барча нарсалар унинг атрофида ҳаракатланувчи бир ўқ), Моликнинг ер юзидаги ўринбосари ўлароқ яратилмиш Ҳазрати инсоннинг ўрнини, мартабасини, мавқеини англаш ва англатиш ғоят муҳим вазифадир.

Ислום юртларидаги инсон ҳуқуқлари борасидаги муаммолар, мусулмонлар орасидаги ўзаро муносабатларнинг ачинарли ҳолати бизни бу муаммога жиддий аҳамият беришимизни ва бу борада кенгрок фикр юритишимизни тақозо этади.

Борлиқнинг Холиқи ердаги ўринбосарига раҳмат қилиб ўзининг илм уммонидан бир қатра илму-ҳикмат берди. Шу илмни, ақлни, тафаккурни керакли йўналишда ишлатиб унумли фойдаланаётган халқлар борлиқнинг сир асрорларини ўрганиб жуда катта ютуқларга эришмоқдалар.

Замонавий фалакиёт олимлари кашф этган маълумотлар, Аллоҳнинг мулки бўлган коинотнинг нақадар улкан ва ҳудудсиз эканини билдирса, заррани қирқ мингга ёриб инсоният учун фойдали кашфиётлар қилаётган нанотехнология олимларининг ютуқлари бу мулкнинг эгасини қанчалар буюк илм ва ҳикмат соҳиби эканлигига далолат қилиб, барча онгли одамларни ўз роббиларини янада яқинроқ танишларига сабаб бўлмоқда.

Зеро, мулкни таниш Моликни танишга олиб боради.

Меҳрибон ва раҳмли Зот ўзини танитиб, мулкни ва Моликлигини таъкидлаб инсониятга пайғамбарлар ва китоблар жўнатиб тарбиялади.

Мусулмонлар Қуръони каримнинг оятлари ва Пайғамбаримизнинг хабарлари орқали ўз Эгаларини жуда яхши танийдилар. Лекин шу Моликнинг ўринбосарининг ўрнини, мартабасини, мавқеини яхши танимайдилар.

Айнан шу сабабдан ҳам Аллоҳнинг ер юзидаги ўринбосари бўлган Ҳазрати инсоннинг хурмати ислום юртларида анчагина ачинарли ҳолдадир.

Зеро, ислום дини Ҳазрати инсонни ўрнини жуда юқори белгилаб, уни кўкларга кўтарган диндир.

Бинобарин, Моликул мулк Ўзи жамии одамзодни афзаллигини, каддини белгилаб “Исро” сураси 70 оятда марҳамат қилади:

–“Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик..., ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик”–.

Қолаверса, Яратувчининг, лойдан яратилган, Аллоҳ Ўзи билдирган нарсаларнинг номларидан бошқа нарсалардан беҳабар, на дини, на илму-эътиқоди бўлмаган Одамни Ўзининг ердаги Ўринбосари деб эълон қилиши ва улкан илм соҳиби бўлган Иблис ва фаришталарни унга сажда

қилишга буюргани инсоннинг борлиқдаги ўрнининг нақадар юксак мартабада эканини билдирмайдими?

Бутун борлиқнинг Эгаси, соҳиби ҳикмат Зотнинг одамзотни бу қадар эъзозлаб, азиз ва муқаррам қилиб улуғлаганининг ҳикмати нима?

Эгаси шунчалар икром қилган, эъзозлаб турган Одамзодни биз бандалар ҳар хил миллий, ирқий, диний, мазҳабий сабаблар билан навларга ажратишимиз ва уларни устидан дўзахий ёки жаннатий деб ҳукмлар чиқариб катталик қилишимиз жоизмикин?

Хусусан, бутун оламларга раҳмат қилиб юборилган динимизни моҳиятини тушунмай, бутун дунё ҳавас қиладиган “энг яхши уммат”га айланиш ўрнига шу муборақ динни одамлар орасини бузиш, фитна-фасод кўзғаш воситаси қилиб олиш бандаликка, мусулмончиликка, мулкнинг Эгасига хиёнат эмасми?

Зеро, кибру-ҳавоси туфайли Аллоҳнинг даргоҳидан кофир бўлиб қувилган аламзада Иблис то қиёмат иғвогарлик қилиб, фитна-фасод кўзғаб инсонга, инсониятга душманлик қилишни ўзига касб қилиб олган.

Демак, айтиш мумкинки, ҳар бир инсонни эъзозлаш, ҳурмат қилиш мулкнинг Эгасини эъзозлаш ва ҳурмат қилишдир. Ҳар хил баҳоналар билан инсонларни ажратиб, фисқ-фасод кўзғаб, иғво қилиб, душманликни тарғиб этиш эса иблисга хизмат қилишдир.

Айни шу ҳақиқатни тушуниб, инсоннинг борлиқдаги ўрнини, юксак мавқеини англаб, Ҳазрати инсонни эъзозлашга ўтмас эканмиз, биз ҳеч қачон ижтимоий-иқтисодий таназулдан, колоқликдан чиқа олмаймиз. Аллоҳ таоло “одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат” деб сифатлаган ҳақиқий исломий жамият ҳам кура олмаймиз.

Бинобарин, инсоннинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишни асосий қоида қилиб ушлаган, ривожланган, инсонпарвар юртларнинг тажрибалари ҳам буни яққол исботлаб турибди.

Зеро, жаҳон аҳлининг тўртдан бирини ташкил этган ислом оламининг ижтимоий-иқтисодий колоқлигининг асосий сабаби ҳам айнан шу мезонни бузилгани, яъни инсоннинг борлиқдаги, ҳаётдаги ўрнини, мавқеини билмаслик, ўз ўрнига қўймасликдир.

Зотан, инсон улкан жамиятнинг кадрсиз бир бўлакчаси қилиб эмас, балки, борлиқнинг меҳвари қилиб яратилганини англаб олиш зарур.

Бу дунё ҳам, динлар ҳам, пайғамбарлар ва китоблар ҳам инсоннинг сабабидан яратилган ва ер юзига нозил қилингандир.

Шундай экан, Ҳазрати инсоннинг кадри диндан ҳам, эътиқоддан ҳам юқори қўйилиши лозим. Акс ҳолда, бундай нотўғри тушуниш сабаб дин ҳам миллатчилик ёки ирқчилик каби инсонлар ораларини бузилишига, фитна-фасод тарқалишига сабаб бўлиб қолади.

Токи, шу мезон ўнганмас экан, динимиз нафақат бошқа дин вакиллари билан бўлган алоқаларимиздаги, балки, мусулмонлар ичидаги барча зиддиятларга сабаб бўлиб қолаверади.

Ҳар бир инсоннинг аввало ақлини, ихтиёрини, танловини ҳурмат қилиш, унинг қадрини барча нарсадан устун қўйиш йўлга қўйилмаган жамиятда ҳеч ким ўзини эркин, озод, дахлсиз, муқаррам ва бахтиёр инсон эканини ҳис қилиб яшай олмайди.

Инсон ажлидан, инсон бахт саодати учун юборилган динни инсондан кўра муҳимроқ деб тушуниш сабаб ҳам исломий юртларда ва мусулмонлар орасида арзимас диний масалалар туфайли жиддий ички зиддиятлар урчиётгани ҳеч кимга сир эмас.

Мусулмонларимиз дунёқарашида кескин бурилиш ясаб, сингишиб кетган жаҳолат ва диний таассубдан воз кечиб, инсон зотини барча нарсадан афзал билиб, ҳурмат қилиш асосий қоида қилиб ушланмас экан, ислом юртларидан одамлар бешиб, киндик қони тўкилган масканларини ташлаб, инсонпарвар юртларга қочиб кетаверадилар.

Бундан ташқари, мавжуд диний таълимотларда умматнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги инсон омилига бўлган эътибор масаласи ҳам жиддий ислоҳотларга муҳтождир.

Таркидунёчиликни, дунё ишларига ортиқча берилмасликни тарғиб қилиш, Аллоҳга таваккул ва таквони нотўғри тушунтириш ҳамда мусулмонларни ҳаёт мусобақаси майдонида илғорликка чорлаш, ғайратларини ошириш ўрнига муваффақиятсизликка кўниктириш йўлида юпатиш ва ҳатто колоқлик ва ожизликни мусулмончилик белгиси сифатида тушунтириш каби ҳолатлар мусулмонларимиз дунёқарашларини мутлақо бузиб, ўзларига бўлган ишончларини йўққа чиқарган.

Ваҳоланки, барча ривожланган давлатларнинг ривожланиш жараёнларини ўрганиб чиқсангиз, инсон омилининг, инсон иродасининг нақадар катта қудратга эга эканлигини кўрасиз. Бу мамлакатларнинг бирортаси муъжизавий тарзда ривожланган, юксалган эмас.

Аксинча, илм-фанни ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий майдондаги илмий изланишлар ва халқининг фидокорона меҳнати туфайли, яъни инсон омилига бўлган катта эътибор туфайли амалга ошган.

Шундай экан, неча асрлардан бери диний таълимот тушунчаси остида бериб келинаётган, инсон онгида, шуурида лоқайдлик, бефарқлик ва масъулиятсизлик ҳиссини, тушунчасини пайдо қилувчи, барча муваффақиятсизликларни “Аллоҳнинг иродаси”га тўнкаб қўйувчи ёлгон диний таълимотларни йўқотиш зарур.

Бунинг ўрнига, ўзининг Аллоҳнинг ердаги ўринбосари эканини ва шу шарафли мавқеънинг масъулиятини чуқур англашни ҳамда шунга яраша Аллоҳ учун, уммат тараққиёти, юксалиши учун, келажак учун Аллоҳ берган барча қобилият ва имкониятларини тўла сафарбар этиши лозимлигини тарғиб ва ташвиқ этиш лозим эмасми?

Токи, ҳар бир мусулмон фарзанди ўз юртини, шахрини, маҳалласини обод қилишни, юртидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни ўнглашни ўзининг асосий вазифаси деб билсин.

Агар, мусулмонларнинг ҳар бири ўзини борлиқдаги, ҳаёт жараёнидаги арзимас, ожиз бир зарра деб эмас, балки яхшилик қилиш, яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтаришдай муҳим бир вазифани адо этиш билан дунё ва охират саодатига етиш учун Ҳаким Зотнинг олий иродасига мувофиқ яратилганини англаганида эди, ислом юртлари ва мусулмонлар бу қадар хорлик ва қолоқлик исканжасига тушиб қолмас эдилар.

Афсуски, мавжуд исломий таълимотларда инсонни гўё борлиқдаги барча жараёнларда ҳеч қандай таъсирга, қудратга эга бўлмаган, фақат шариат белгилаган маълум чегаралардан чиқмаган ҳолда эплаб бу дунёдан ўтиб олиши лозим бўлган ожиз ва ўткинчи бир махлуқ каби тушунтирилади.

Ваҳоланки, Аллоҳ таоло бу дунёдаги барча ҳодиса ва жараёнларни сабаб-мусаббаб, яъни сабаб-натижа қондасига биноан содир бўлишини тақдир этган.

Одамнинг яратилиши ва Исо пайғамбарнинг отасиз дунёга келишидан бошқа деярли барча ҳодиса ва жараёнлар айнан сабаб ва натижа қонунига мувофиқ содир бўлгандир.

Ҳар қандай натижанинг сабабларини бино қилишдаги инсон омилининг, ҳаракатининг ролини эса инкор этиб бўлмайди.

Тарихдаги Фиръавн, Чингизхон, Наполеон ва Гитлер каби шахсларнинг салбий ҳаракатлари ва уларнинг даҳшатли оқибатлари, Ибн Сино, Хоразмий, Фарғоний, Улуғбек, Ньютон ва Менделеев каби буюк шахсларнинг инсоният тараққиёти ва юксалишига қўшган улкан ҳиссалари ҳам инсон омилининг бу дунёдаги аҳамиятини очиқ равшан англатади.

Зеро, иймоннинг асосий шартларидан бўлган қадарга ишониш ҳам аслида Аллоҳ таолонинг нарсаларга тақдир этган хусусиятларига ишонишни, яъни сабаб ва натижа қонунига ишонишни вожиб этади.

Ерни ҳайдаб, уруғ сепмасдан туриб буғдой ўриб олишни кутиш қанчалик ноўрин бўлса, тараққиёт ва юксалиш сабаблари бўлган илм-фан, юқори технология ва саноатни ривожлантирмай, ижтимоий адолатни ўрнатишга уринмай туриб Аллоҳ тарафидан муъжизавий нусрат ва ғалабани кутиш ҳам шунчалик ноўрин эмасми?

Демак, ҳар бир мусулмоннинг қалбида, онгида, шуурида шу юксалиш сабабларини бино қилиш учун Аллоҳ тарафидан алоҳида эътибор ва вазифа билан яратилганига ишонч уйғотиш зарур. Токи ўзини ожиз бир махлуқ эмас, балки, ҳаётнинг эгаси, Аллоҳнинг ердаги ўринбосари деб билсин ҳамда бу дунёдаги жараёнлардан масъул эканини тўла англасин.

Зеро, дунё сахнасидаги мусулмонларнинг ҳозирги аянчли аҳволини Аллоҳнинг иродасига йўйиш Аллоҳга ва Аллоҳнинг олий иродасига ёмон гумон қилиш, тухмат қилишдан бошқа нарса эмас!

Зотан, Аллоҳ таоло мусулмонларни ҳаракатга ундаб, умумий тарзда, барча юксалиш ва таназзул фақатгина умматнинг, миллатнинг ўз ҳаракатига, интилишига боғлиқ эканини ёрқин ифодалаб, Раъд сураси, 11- оятида марҳамат қиладики;

“Албатга Аллоҳ ўзлари ўзгартирмагунларича қавминг бирор нарсасини ўзгартирмайди”.

Дарвоқеъ, Ўзи билан бевосита алоқадаги Пайғамбари ҳам Аллоҳнинг иродасига суяниб қолмай ғалаба йўлида тинмай ҳаракат қилгани, сабабларини бино қилиб сўнгра натижага эришганлари барчага маълум.

Бинобарин, биз ҳам муъжизавий нусратни, юксалишни кутмай иймонимиз тақозосига мувофиқ барча мақсадларимизнинг тадбирини қилишимиз, сабабларини бино этишимиз вожибдир.

Фақат шундагина биз, Аллоҳ таоло берган ақл, идрок, салоҳият, қобилият ва имкониятларни ўз ўрнига ишлатган ҳақиқий муъмин, Аллоҳнинг ер юзидаги ҳақиқий ўринбосари бўла оламиз.

Акс ҳолда, бу ҳақиқатларни мусулмонлардан кўра илгарирок, тўғрироқ англаб олган илғор халқ ва миллатларнинг қулларига айланиб, заифлик ва қоқоқлик ботқоғига ботиб, ожизона дуопарастликдан нарига ўтолмай, дунёни ҳам, охиратни ҳам бой бериб, муъжизавий нусратга интизор ўтираверишдан бошқа чора йўк!!!

ИСЛОМ ВА УМУМИЙ ТАЪЛИМ

Дарвоқеъ, Сарвари олам Пайғамбаримиз с.а.в , 40 ёшга тўлганларида, Ҳиро ғорида, Аллоҳ таоло ўзининг энг охирги ва мукамал динини инсониятга жўнатишининг бошланиши ўлароқ олган энг биринчи буйруқлари “ЎҚИ” деган сўз бўлди. Сўнгра чексиз илм ва ҳикмат соҳиби бўлган Парвардигори Олам Куръони каримнинг биринчи оятини нозил қилди.

“Ўқи, яратган Роббинг номи билан”. (Алақ сураси, 1 оят)

Муқаддас динимизнинг ер юзига нозил бўлишининг “Ўқи” калимаси билан бошланганининг ўзи, илм ўрганишнинг фарзлигига, амалларнинг афзали эканлигига инкор этиб бўлмас далилдир.

Қолаверса, айнан шу буйруқни маҳкам ушлаган ва ақлларини ўқиш, ўрганиш, изланишга астойдил ишлатган халқларнинг дунё сахнасида етишган даражалари, мавқеълари ҳам илмнинг, ўқиш ва ўрганишнинг энг муҳим ва афзал амал эканига ҳаётий далилдир.

Бас шундай экан, мусулмонлар ҳам ғафлат уйқусидан уйғониб, масала талашиш, мазҳаб талашишларни ташлаб, илм-фан билан астойдил шуғулланишлари шарт.

Айтиш мумкинки, бугунги куннинг энг долзарб, устувор вазифаси ёшларимизни дунё стандартлари даражасида, керак бўлса унданда юқори даражада билимли қилиб тарбиялашдир.

Токи, шу соҳадаги илғорликка етилмас экан, фақатгина ўтган буюк аждодларимиз билан фахрланиб, бугунги ожизлигимизни чучук гаплар билан яшириб, ўзимизни алдаб юраверишга мажбурмиз.

Шундай экан, бугунги энг катта хизмат, энг катта жиход, энг катта кураш илм-фан майдонидаги курашдир.

Фақат шу майдондаги ғалаба бугунги куннинг ҳақиқий ғалабаси бўлади.

Шу мақсадда, қалбида заррача умматнинг ғами, халқнинг дарди бор юртдошларимизнинг барчаси ўзларининг бор имкониятларни, ҳаракатларини шу соҳага сафарбар этишлари керак.

Миллатимизнинг ичдан емирилишига сабаб бўлаётган, дунёю-охират учун фақат зарарли бўлган риёкорона маросимпарастликлардан воз кечишимиз, ноўрин сарфланаётган беҳисоб маблағларни, ҳимматларни келажак авлод таълими, юксалиши йўлида ишлатишга буришимиз лозим.

Шундай умуммиллий сафарбарлик билангина қисқа муддат ичида халқимиз сезиларли натижаларга эришиши, ўзига муносиб ўрнини эгаллаши, ўзини кимларнинг авлодлари эканини амалда исбот этиши мумкин.

Бинобарин, мусулмонларнинг бугунги ачинарли аҳволи ҳар бир фикрли, ақлли, соғлом дидга эга одамни ўйлашга, ўз ўйларида, фикрларида кескин бурилишлар ясашга мажбур этади. Акс ҳолда ўша таназзул, тафриқа ва қоқоқлик ботқоғига ботаверишдан бошқа чора йўк.

Шунинг учун уммат устидаги ўз масъулиятини, Аллоҳ, Дин олдидаги жавобгарлигини ҳис этган ҳар бир ақл эгаси, ҳақиқий мусулмон уламолар эски дарс системаларидан воз кечиб, янги,

илғор, ихчам, диннинг фақат рукну-фарзларини ўргатадиган, мусулмонларни бирлаштирадиган дастурни тузишлари, жорий этишлари лозим. Фақат шундагина ўзларини ҳам, умматни ҳам ҳалокатдан қутқаришлари мумкин.

Бунинг учун дин ва дунё илмларидан бохабар, ҳар хил таассублардан холи, диннинг моҳиятини, бутун оламларга раҳмат бўлиб келганини тушунган, инсон зотини энг юксак ахлоққа, маданиятга эриштирувчи неъмат эканига иймони мустаҳкам, зиёли, аслини сохтадан ажратиш, қўшимчалардан тозалаш салоҳиятига эга, қалби Аллоҳнинг бандаларига бўлган меҳр-мурувватга тўла инсонлардан иборат бир ишчи гуруҳ уюштирилиши керак. Бу ишчи гуруҳ келажак авлодни қўшимчалардан тозаланган, ҳақиқий асл ислом руҳида тарбияловчи замонавий, гўзал ва мукаммал бир дарс системасини ишлаб чиқишлари зарур.

Албатта, халқимиз орасида юқори интеллектдаги, зиёли олимлар етарли. Диний уламоларимиз ичида ҳам ҳозирги аянчли ҳолатдан қўнгли тўлмаётган, ўз тушунчалари ва дунёқарашларининг воқеъликка тўғри келмаётганидан хайрон, юртдошларимиз, мусулмонларимиз дардига малҳам бўлгудай бирор иш қилиш умидидаги оққўнғил, софдил одамларимиз бисёрдир. Бу иккала тоифа олим ва уламолар биргаликда, баҳамжиҳат ҳаракат қилсалар ниҳоятда самарали натижаларга эришиш мумкин.

Дин ва дунё олимларининг бундай баҳамжиҳат ишлашлари дарс системаларини аввало бир тарафламаликдан сақлаб қолса, иккинчидан халқнинг ҳамма тоифалари манфаатига, дунёқарашига зид бўлмагани учун ҳамма тоифа тарафидан яхши қабул қилинишини, охир-оқибат тескари натижа бермаслигини, халқ орасида ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик ва бирлик юзага келишини таъминлайди.

Дунёю-охират учун фойдали, келажак авлод тарққиёти, бахт-саодати учун зарур бундай хайрли ишга барчалари ўз илму-иқтидорларини, куч-ғайратларини аямасдан бажонидил ҳисса қўшсалар керак.

Биобарин бундай яхшиликка чакирувчи, жамиятнинг бирлигини, жипслигини таъминлайдиган, ҳеч бир жамиятнинг тинчлигига, осойишталигига раҳна солмайдиган, дунёдаги энг олийжаноб инсонни тарбиялайдиган дарс системасини чўчимай умумий таълим мактабларига киргизишга ҳаракат қилиш лозим.

Зеро, ёшликда олинган таълим, тушунча тошга ёзилган хатдай бир умрга инсон онгида сақланиб, унинг бутун умри давомида ҳаёт йўлини белгиловчи муҳим омил бўлиб қолади. Шунинг учун мактабларда асл исломнинг асослари, ғоялари ҳақида мукаммал тушунча берилиши керак.

Бу ёшларни кейинчалик ҳар хил шубҳали, реакция, экстремистик оқимлар ва гуруҳларга эргашиб кетишдан сақлаб қолади. Акс ҳолда, инсонпарвар, тинчликсевар, асл ислом ҳақида ҳеч қандай тушунча олмаган мусулмон фарзандлари бир кун келиб ўз руҳоний эҳтиёжларини қондирмоқчи бўлган вақтда дуч келган оқимларга эргашиб кетаверадилар.

Беҳабарлик кўрликдир. Кўрни эса ким қаёққа етакласа кетаверади...

Дарҳақиқат, юртимизда, кўз ўнгимизда содир бўлаётган ҳолатлардан хулоса қилиб айтганда, аксар мутаассиб, гап уқмас зомбиларга айланиб қолган ёшларнинг тарбия, ҳаёт босқичларини кузатсангиз, ёшлигида диндан анча узок, “ипини узган” безори бўлиб юрган одамлар ҳам кимдир 20, кимдир 30, кимдир 40 ёшда ёки кейинроқ бўлса ҳам, бир кун келиб дўппини ерга қўйиб ўтган умрини сарҳисоб қилар экан.

Тирикчиликдан, бир хил ҳаёт тарзидан зеркиш сабабми, ёки худонинг инсоф берганими, ҳар тугур руҳоний туйғулари уйғониб дуч келган бирор домланинг этагини тутишга ва шу домласининг айтганини қилишга ҳаракат қила бошлайди.

Умрининг кўп қисмини ибодатсиз, ҳар хил тарзда ўтказгани учун ҳам бу одамларда ўтган умридан афсусланиш, ўзини гуноҳкор сезиш, ҳамда дин, худо йўлида бирор жиддийроқ хизмат қилиб қолиш туйғуси анча кучли. Афсуски, исломнинг ҳақиқий моҳиятидан, тинчлик, саломатлик, инсонпарварлик дини эканидан беҳабар ўсган бу инсонларни дин, худо номи билан гапириб ким қаёққа етакласа кетаверади.

Бундай одамларнинг халқ ичида кўпчиликни ташкил қилиши, ҳар хил шубҳали диний-экстремистик оқимларнинг ўз фаолиятларини кучайтиришлари учун жуда қулай замин яратиб келмоқда. Уларнинг тасирига тушиб қолган ёшларнинг бутун қариндош-уруғ, таниш-

билишларининг қайтарувлари, ҳатто ота-онасининг оқ қилишлари ҳам танлаган хато йўлларидан қайтара олмаётгани, охир-оқибат ўз умрларини ҳазон қилиб, яқинлари тақдирларини ҳам вайрон қилаётганлари, афсуски оддий бир ҳолга айланиб қолмоқда.

Шунингдек, бундай шубҳали, мутаассиб оқимларга аралашиб, уларнинг тўрларига илиниб, гап уқмас, жоҳил зомбиларга айланиб, юртимизда содир бўлаётган қўнғилсиз ходисаларга сабаб бўлаётган қанча-қанча ёшларимизнинг ачинарли аҳволлари бунга гувоҳдир...

Бундан ташқари, Аллоҳ таоло инсон табиатидаги руҳонийлик, сиғиниш ва иймон туйғуси учун ажратиб қўйган бўшлиқни, дин номи билан берилиб келаётган сохта таълимотлар эгаллаб олмасидан аввал, ҳақиқий диний таълимот билан банд этиш лозим.

Бу соҳадаги эътиборсизлик, масъулиятсизлик ва суестлик туфайли диндошлар, юртдошлар, бир шаҳар, бир маҳалла одамлари, ҳатто бир тўшакда катта бўлган ака-укалар ҳам ҳар хил, булганган “диний таълимотлар” таъсирида ашаддий душманларга айланиб қолмоқдалар. Бутун ислом оламида, хусусан юртларимиздаги мусулмонларнинг орасидаги ҳамжиҳатлик, биродарлик, ўзаро ҳурмат, инсонпарварлик ва тинчликсеварликнинг йўқолиб кетганининг сабаби ҳам айнан шу бўлса ажаб эмас.

Зеро, бир муаммо юзага келганда “Мен кўрмасам ҳеч ким кўрмайди” деган туяқушдай бу муаммодан кўз юмиш мутлақо тўғри эмас. Қайтанга ўша муаммонинг аслини, илдизини чуқур ўрганиб, касалини, хато кетган ерларини ислоҳ қилиб, ўнглаб, ҳар қандай энергияни, қувватни, кучни жиловлашга, халқ манфаати, равнақи, фойдаси учун сафарбар қилишга уринишлик энг тўғри ва оқилона тадбир бўлади.

Шу ўринда бир мисол; Ҳеч қандай техник воситалар йўқ замонда кетмону белкураклар билан 283 километр узунликдаги Катта Фарғона Каналини қандайдир 45 кунда халқ кучи билан бунёд этилди. Ўзининг бундай мўъжизакор, қаҳрамонона меҳнатлари билан юртимиз халқи бутун дунёни лол қолдиргани кишида ифтихор туйғусини уйғотмаслиги мумкин эмас.

Водий белига тортилган кумуш камардай кўёшда ярқираб, товланиб оқаётган, секундига 180 кубометргача сув ўтказиш қувватига эга бу канал қарийб 70 йилдан бери 250 минг гектардан ошиқ ерларга жон бахш этиб, миллионлаб одамларимизга ризқ улашиб келмоқда...

Бундан ташқари, эл-юртнинг манфаати учун фойдали бу иншоотдан токи сув оқиб, одамлар фойдаланиб турар эканлар бу - иншоот қурилишига ўз ҳиссаларини қўшган барча одамларга тинимсиз савоби етиб турувчи садақаи жориядир, узлуксиз яхшиликдир.

Халқни яхши ишларга сафарбар этиш натижаси ўлароқ бунёдга келган бу улкан иншоот халқимиз кучига, иродасига бўлган гўзал ва буюк бир гувоҳдир.

Бинобарин, юртдошларимиз қалбидаги иймон, эътиқод ҳам жуда катта кучдир. Бу кучни ҳам жуда эҳтиёткорлик, ҳассослик, донолик ва ҳурмат эҳтиром билан изчил равишда халқ манфаати, юксалиши, бирлиги учун йўналтириш лозим.

Агар бу кучни бошқаришга, тўғри йўлга солишга ҳаракат қилмай ўз ҳолига ташлаб қўйилса қандай мудҳиш оқибатларга олиб келишига узоқ ва яқин тарих давомидаги кечмишлар, хусусан бевосита қўшни давлатларда бўлиб ўтган даҳшатли биродаркушлик урушлари ёрқин далилдир.

Шунинг учун мавжуд фаол ва ўта катта таъсирга эга бу кучни, энергияни ёшлиқдан тўғри ва фойдали ўзанга буриш, эътибордан четда қолдирмаслик, доимий назоратда ушлаш ва бошқариш лозим.

Бу муҳим ва катта кучни диннинг моҳиятини тушунмай нотўғри талқин этувчи, мутаассиб, жиғилдон қулига айланган, калтабин хурофотчилар қўлига бериб қўйилгани, ҳамда бу бирор яхши иш устида ҳеч қачон боши бирлашмаган, бирлашмайдиган мутаассибларнинг тумтарақай ҳаракатлари туфайли юрт осойишталиги бузилиб, узлуксиз безовталиқлар юзага келаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Халқнинг қалбини, онгини, тушунчасини бундай чалғитувчи, таракқиётдан, юксакликка интилишдан тўсувчи кузғунлар чангалидан қутқариш лозим.

Бу нодон, жоҳил, мутаассиб “дин жонкуярлари”нинг бутун ислом оламини ички зиддиятлар ботқоғига ботириб энг қоқоқ ва жоҳиллар юртларига айлантириб, ҳаммани эсанқиратиб юраётганларини унутмаслик керак.

Тўғри, тарихнинг хатоси деб тан олинган етмиш йиллик худосизлик тузуми давридаги иймон-эътиқодли одамларнинг давлатга, давлат сиёсатига қаршиликлари ва душманликлари табиийки, тушунарли ҳол эди. Яратганга беадад шукрлар бўлсинким, охир-оқибат бу мустабид дахрий тузум ўз-ўзини еб, ичдан чириб битди ва дунё харитасидан ўчиб кетди.

Лекин Фитрату-Чўлпон, Бехбудию-Усмон Носирларнинг орзулари, армонлари бўлган, Аллоҳнинг инояти билан бошимизга буюк неъмат бўлиб келган истиқлолимиздан кейин ҳам бу буюк неъматнинг шукронасини қилиш, юртимиз равнақи, давлатимиз тараққиётининг бирор соҳасига айтарли улуш қўшиш уёқда турсин, жилла курса жамиятнинг бирлигига, жипслигига ўз хиссаларини қўшиш ўрнига, фақат сувни лойқалатаётган, ҳар хил кўнгилсиз воқеалар ва безовталикларнинг сабабчиси бўлаётган бу хурофотчиларнинг ғаламисликларини нима деб тушуниш мумкин?

Ибн Сино, Улуғбек, Бухорий, Термизий, Хоразмий, Фарғоний, Беруний ва Навоий авлодлари бўлган халқимизнинг қалбига, онгига, иймону иродасига ишониб, суяниб, оқилона тадбир билан тўғри ўзанга қайтариб, барчани, барча қувватни халқимиз онги, савияси, таълимини юксалтиришга сафарбар этилса, қисқа вақт ичида бу халқ орасидан минглаб Ибн Синолар, Улуғбеклар, Бухорию-Термизийлар, Хоразмию-Фарғонийлар, Берунийлар ва Навоийлар етишиб чиқиши, халқимиз ҳам илғор халқлар қаторидан жой олиб, оламни яна ўз ютуқлари билан лол қолдиришлари шубҳасиз.

Фақат бунга халқ онгида ишонч уйғотиб, фидоийлик билан астойдил ҳаракат қилиш керак.

Дарвоқеъ, бундай оқилона тадбир одамларимизнинг давлатга, давлат сиёсатига бўлган ишончини, хурматини оширади. Халқ орасида яқдилликни, бирликни, жипсликни юзага келтиради.

Бундай хайрли иш устида турган одамлардан моддий ва маънавий юксалишга сабаб бўлганлари учун халқ жуда миннатдор бўлиши, дунёю охират муваффақияти гарови бўлган бу тадбир асосчиларининг номлари юртимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб қолиши шубҳасиз.

Чунки узоқ давом этган иймонсизлик тузуми зулмларидан зада бўлган, иймон-эътиқодга, динга, маънавиятга чанқоқ халқимиз системали тарзда, давлат мутасаддилиги остида сифатли диний таълим берилишига жуда ижобий ёндошишлари табиий.

Асосан мусулмонлардан иборат халқимиз кўнглига йўл топиш, ҳар бир масалада ўзаро ҳурмат, ишонч ҳамда давлат ва халқ бирлигини, жипслигини ҳосил қилувчи бу воситани кўлдан бермаслик керак.

Зотан, шундай муҳитга, яъни давлат ва халқ бирлигига, жамиятнинг жипслигига, яқдиллигига эришилса, бундай давлат учун ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиш, ҳар қандай ақл бовар қилмас даражадаги улкан ижтимоий-иқтисодий режаларни амалга ошириш жуда осон кечади. Дунё ҳамжамияти орасида ҳам ўзининг мустаҳкам ўрнига, мавқеъига, обрўсига эга бўлади.

Демак, юрт манфаатини, халқ манфаатини, тинчлигини, юксалишини мақсад қилган, халқимизнинг ҳам моддий, ҳам маънавий ривожини кўзлаган барча ватанпарвар, умматпарвар юртдошларимиз шу йўлда биргаликда астойдил ҳаракат қилишлари лозим.

Аллоҳ олдидаги, эл-юрт олдидаги ҳақиқий хизмат ҳам шу бўлади, иншааллоҳ.

Қолаверса, Росулulloҳ с.а.в. олиб келган дин умматнинг бошини бирлаштиргани ҳолда, нима учун бугунги ислом мусулмонларни парчалаб, тарқоқ бўлишларига сабаб бўлмоқда? деган ғоят муҳим саволнинг жавоби ҳам шудир.

Зотан, Аллоҳ таоло ислом динини умматни парчалош учун эмас, рукну-фарзлардан иборат асл-ўзақ атрофига жамлаш, бирлаштириш ва намунали уммат ҳосил қилиш учун юборгани шубҳасиздир.

ЯГОНА ЧОРА - АСЛГА ҚАЙТИШ

Ниҳоятда олижаноб, баландпарвоз далил ва даъволар билан даъват қилинишига қарамай, бу ҳаракатларнинг Пайғамбаримиз с.а.в.нинг ҳаракатлари каби ижобий самара бермаётганининг сабабларини ушбу ташбиҳ орқали ифода қилиш мумкин:

Мавжуд исломнинг бугунги ҳолати яхши пишган катта карамга ўхшашдир. Пайғамбаримиз с.а.в. олиб келган Ислом унинг ўзагидир. Ўзакни ўраб олган сон-саноксиз барглари эса Пайғамбаримиздан 150-200 йилдан кейин одамлар ижтиҳод ва маҳорат билан ўрай бошлашган ва ҳозиргача ўрамоқдалар.

Тўғри, ҳар бир барг ўзакка боғланган...

Мусулмонларнинг ўз динларига нисбатан қилаётган ишлари ҳам, одамларнинг карамни ишлатишларига ўхшайди. Карамнинг барглари тўғраб, майдалаб, жуда эътибор билан ишлатишади, ўзакни эса эътиборсиз ташлаб юборишади. Мусулмонларнинг бутун эътиборлари шу баргларга бурилиб қолгани, ислом деганда асли, ўзакни эмас, балки ўша ўзлари қўшган ва қўшиб олаётган қўшимчаларни тушуниб, ўзакни эътиборсиз ташлаб қўйганлари – ҳамма балонинг бошидир.

Инсоният тарихида кўп ҳолатлар спиралсимон тарзда такрорланар экан. Насроний дин тарихида ҳам шунга ўхшаш ҳолат бўлиб ўтган. Ўз даврида черков одамларнинг ҳар бир қадами, ҳаракатини назорат қилган, ҳатто, илмий саволларга ҳам дин номидан жавоблар бераверган.

Қачонки илм-фан ривожланиб, черковнинг кўп фатво ва жавоблари хато экани юзага чиқиб қолгач, черков ва олимлар ўртасида қонли жанг бошланган.

Инквизиция бир қанча кашфиётчи олимларнинг бошини еган. Бора – бора ҳақиқат ғолиб келиб, черков ўз обрўсини мутлақо йўқотган. Кишанлардан озод бўлгач, илм-фан жуда юқори тезликда ривожланган...

Кейинчалик, Аллоҳ таоло одам руҳиятига қўшиб қўйган руҳонийлик туйғуси талабига мувофиқ, одамлар яна қайтариб черковни ўз ҳаётларига киргиздилар. Фақат, энди тараққиётга тўсқинлик қилмайдиган, инсоннинг Аллоҳга мақбул ҳолатда яшаши асосларини лўнда, аниқ дастур асосида тушунтириш билан шуғулланадиган дин ҳолатида қабул қилдилар.

Яъни, ўз динларидаги қўшимчаларни, ўралган барглари ташлаб юбориб, соф ўзакни – асл моҳиятни маҳкам ушладилар. Уларнинг бу ишларининг тўғрилигини воқеълик ўзи кўрсатиб турибди...

Мавжуд исломий мафкурада ҳам, ислом мусулмонлар ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини, ҳар бир соҳасини назорат қилиши лозим, акс ҳолда комил мусулмон бўлиш ва исломнинг ғалабаси, муваффақияти амалга ошмайди деган хато тушунча ғолиб.

Рамазон ойида, халқаро радиода ишловчи бир яхши танишим телефон қилиб, - бир диний суҳбат уюштирамоқдамиз, бир-икки “диний саволларга” жавоб берсангиз. Гени ўзгартирилган маҳсулотлар (ГМП) ҳақида қандай диний фатволар, фикрлар бор, айтиб берсангиз - деб сўради.

Мен -“Бу саволга диний одам эмас, балки, медицина ва селекция олимлари, химик, биолог, хуллас моддаларнинг инсон организмга таъсирини ўрганувчи илм вакиллари жавоб беришлари керак”- деб радиога чиқишдан бош тортдим.

Бироқ, аксар, ислом ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, ҳар қандай саволга жавоб бера олади деб диннинг ҳаётдаги Аллоҳ юклаган ролини, ўрнини тушунмаган гапдон уламолар ҳар қандай саволга дин номидан жавоблар, фатволар беришаверади.

Бу майдонда ўзини шер билган баъзи “мухтаҳидлар” эса ҳалолни-ҳаром, ҳаромни-ҳалол дейишдан ҳам кўркмайдилар. Натижада диннинг, исломнинг ва исломий фатволарнинг обрўсини кеткизадилар.

Ҳозирги мавжуд исломнинг дунёвий илмларга қаршилиги очиқ-ойдин бўлмасада, бутун ислом оламини қолоқликда ушлаб келишда давом этмоқда. Ислом уламолари -“Ислом тараққиётга қарши эмас”- деб даъво қилишади ва бунга 4 аср илгари Андалус давлатида, ислом ҳокимияти даврида илм-фан ниҳоятда ривожланган деб сийқаси чиққан далилларни келтиришади ҳам.

Аммо, амалда, воқеъ ҳаётда аксар ислом уламолари илм-фанга кескин, кўпол тарзда қаршилик қилмасаларда, илм-фанга берилган, илм-фаннинг инсон ҳаётидаги ўрнини муҳимлаштиришга уринган одамларни “илмонийлар”, яъни илмпараствлар, илм-фанга ружу қўйганлар, деб таҳқирона, камситувчи атамалар қўйишади. Натижада, ислом ўқув юртларида уларга ўхшашдан чўчиш, ҳазар қилиш тўғриси, фикрати ғолиб.

Расулulloҳ с.а.в олиб келган, омонат қўйган ихчам, лўнда асл-ўзак устига беҳисоб қўшимчалар қўшиб, ўраб, миллионлаб исломий китоблар ёзилиб, -“исломий илмлар инсонни бошқа ҳар қандай илмлардан беҳожат қилади”- деб, илм изловчиларни ўзларидан узоклаштирмай тутиб туришга ҳаракат қилингани сабаб, исломий юртларда илм-фан ҳурмати пасайиб, ривожланиш тўхтаб қолган...

Ислом юртларида ҳам илм-фанни бундай кишанлардан озод қилинмас экан, мусулмонлар таназзул ва қолоқлик ботқоғидан чиқа олмайдилар...

Неча асрлардан бери баландпарвоз ваъдалари-ю даъволари воқеъликка тўғри келмай, умматни жар ёқасига олиб келиб қўйган, охир-оқибат таназзул ва қолоқликни фазл қилиб тушунтиришга уринишга ўтган, -“Бу дунёни бой берганимиз етар, охиратни ҳам бой бермайлик”- деган андишада уламоларнинг уммат устидан ўтказайтган тажрибаларига чидаб келаётган холис, содда халқнинг иймонини, ишончини суистеъмол қилаётган, исломий мафкура ва унга эгаликни, гўё ўзларининг монополиясидай тушуниб олиб, бу соҳадаги ҳар қандай янги фикрни, ислохотга уринишни исломга душманлик деб салбий муносабат билдираётган “уламолар” агар ўз вақтида кўзларини очмасалар, қолоқлик ва таназзулдан тоқати тоқ бўлган тараққийпарвар кучлар тарафидан қаттиқ қувғинга учрашлари эҳтимолдан узок эмас...

Ўрмонга ўт кетганда эса хўлу-қуруқ баробар ёнади...

Ақлюю фикри тош қотган, ҳар қандай янги, илғор қарашларга қаршилик қилаётган “уламо ва уламопарастлар” агар ўзларининг таассубларини, қалбларини тўлдириб турган кибру ҳаволарини, нафрат-адоватларини ташлаб, кўзларини каттароқ очиб, ўз мафкураларида инқилоб ясаб, илғорлик, тараққиёт томон юзлансалар ва умматни бирлик, тараққиёт, юксалиш сари етаклашда раҳнамолик қилсалар, ўзларининг умматни бугунги аянчли аҳволга солиб қўйишдаги айбларини бир қадар ювган бўлардилар...

Зора, Аллоҳ олдида, уммат, эл-юрт олдида сал юзлари ёришса...

Исломни асл ҳолига, одамлар қўшган қўшимчалардан тозалаб, тараққиётга тўсқинлик қилмайдиган, инсоннинг Аллоҳга мақбул тарзда яшаши асосларини лўнда, аниқ дастур ҳолида тушунтириш билан шуғулланадиган дин ҳолатига қайтариш лозим.

Мусулмонлар ҳам ўз динларини, ҳар қанча мазали, гўзал туюлмасин, ўша барглардан, қўшимчалардан тозалаб, ўзакни маҳкам тутсалар, барча ихтилофлар, бўлинишлар йўқолади. Пайғамбаримиз с.а.в баён қилган лўнда, конкрет дин атрофига бирлашадилар. Ўз-ўзидан

бир, ёки бир нечта баргни маҳкам ушлаб олиб, уларнинг ўзакка боғлиқлигини рўқач қилиб, ўз баргининг мазасидан маст оқимвозликлар ҳам йўқолади.

Мусулмонларни тараққиётдан тўхтатиб турган кишанлар ҳам ўша қўшимчалар - барглар билан бирга даф бўлади. Фақат шундагина мусулмонлар ҳам дунёдаги ўз қадри, шавкати, куч-қудратига эга халққа айланадилар.

Токи, қанчалар сингишиб кетган бўлмасин, ўзакни шу чирик барглар-қўшимчалардан тозалаб, **аслни, ўзакни маҳкам тутмас эканлар, бу дунёни ҳам, охиратни ҳам бой берадилар!**

Аллоҳ таоло ислом динини бутун оламга раҳмат, умматнинг ҳаёт кураши, мусобақаси майдонида энг илғор, намунали, яхши уммат бўлиб яшашлари асосларини баён қилувчи кўрсатма, хуллас умматнинг тўғри, хидоятда яшаши асосларини ўргатувчи бир восита қилиб юборган.

Ҳозир эса инсоннинг дунё-ю охиратдаги саодати йўлларини баён этувчи восита бўлган бу диннинг ўзини асл мақсад қилиб ушлаб олинган. Бутун ҳиммату эътибор шу восита асосида асл мақсадга, яъни “одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат” даражасига етишга эмас, балки шу воситанинг ўзини “чуқур ўрганишга” бурилиб қолган. . Мақсад бир четда қолиб воситани ушлаб олингани мусулмонлар ҳаётидаги барча кадрятлар ва мезонларни бузиб юборган.

Умматни мақсадга етиши, юксалиши учун зарур соҳа вакиллари ҳар қанча муҳим ва керакли хизматлар қилишаётган бўлмасин, халқ эътиборидан четдалар. Воситани “чуқур ўрганишни” тарғиб этиб, шу воситани мақсад даражасига кўтариб ҳаммани чалғитаётган одамлар ҳурмат-эҳтиромдадирлар.

Бу ҳолат кундалик ҳаётда, айниқса маҳалла-кўйдаги ҳар хил йиғинларда яққол кўзга ташланади. Чаласавод маҳалла масжиди имомига нисбатан кўрсатилаётган ҳурмат эътибор олдида мактаб, институт ўқитувчиларига, олий маълумотли, халқ хизматидаги соҳалар вакилларига кўрсатилаётган ҳурмат эътибор анчагина паст даражададир. Чунки омма онгида ҳақиқий мақсад ва унга етишиш йўлидаги хизматчилар эмас, восита ва унинг хизматчилари эътиборлироқдирлар.

Шундай бузуқ мезонлар, бузуқ кадрятлар таъсирида ўсиб улғаяётган авлод ҳам жаҳонда ибрат бўларлик энг яхши уммат, энг яхши жамият куриш мақсадини унутиб, энг ҳурматли касбга айланиб қолган “восита билимдонлигига” интилиб яшамокда.

Омма фикрати, тушунчаси ҳақидаги ўзининг масъуллигини унутган, “анбиёлар меросхўрлари” бўлган уламолар эса халқнинг эътиборини, интилишини керакли тарафга йўналтириш ўрнига ўзларини ва ўзларининг илмларини баҳосини ошириш, нақадар инсониятга керакли, аҳамиятли ва зарур эканликларини уммат онгига сингдириш билан оворалар.

Қолаверса шу восита ҳақида ҳам фикрлари бир жойдан чиқмай, якдилликка, иттифоққа кела олмайдилар.

Натижада асл мақсад у ёқда қолиб, восита устида бир-бирлари билан тинимсиз талашиб-тортишаётган, баҳслашаётган уммат, боши қотиб ҳозирги аянчли аҳволга тушиб ўтирибди.

Қуръони каримда тушуниш бир қадар қийинроқ баъзи оятлар бор. Пайғамбаримиз с.а.в ҳам бу оятларни Аллоҳ таоло тарафидан қандай нозил бўлган бўлса, шундайлигича етқизганлар, саҳобалар ҳам ортиқча саволларга берилмай шундайича қабул қилишган, яъни, ҳозирги олимлардай Қуръони каримнинг ҳар бир ҳаракати, ҳарфи ва калимаси устида баҳс юритиб умрларини, ҳаракатларини зое кеткизишмаган.

Лекин, улар Қуръон, Дин талабига мувофиқ қандай одам бўлиш, нима амаллар қилиш зарурлигини жуда яхши тушунишган ва шу тушунчалари асосида ҳаракат қилиб, мақсадга етишишган.

Шу ўринда умматнинг ҳозирги ҳолатини бир ташбех орқали ифодалаш мумкин.

Энг охирги моделдаги, барча қулайликларга эга автобусга бир гуруҳ йўловчилар чиқишди. Ҳайдовчи уларга кўзланган манзилга етиш учун автобусда одамлар ўзларини қандай тутишлари ва бир-бирлари билан қандай муносабатда бўлишлари кераклиги, қулайликлардан қандай фойдаланиш йўлларини қискача, лўнда услубда тушунтирди, кўрсатмалар берди. Шу кўрсатмаларга риоя қилингани сабаб ҳеч қандай ҳодисаларсиз ўз вақтида, эсон-омон кўзланган манзилга, мақсадга етиб боришди...

Энди шу автобусга бошқа ҳайдовчи тайинланди. Бу инжиқ ҳайдовчи чиққан йўловчиларнинг ҳар бирига юқоридаги кўрсатмалардан ташқари автобуснинг ҳар бир қисмини нақадар керакли ва зарур қисм эканини, ҳар бир деталнинг бажарадиган ишини, уни қандай эҳтиёт қилиб ишлатиш лозимлигини, бузилиб қолса қандай тузатиш кераклигини тушунтиришда давом этди. Буларни билмаслик қандай ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан қаттиқ огоҳлантириб, ҳаммани ваҳимага солиб кўрқитди.

Йўловчилар ҳам ҳайдовчининг гапларига ишониб асосий мақсад, манзил эсларидан чиқиб уриниб-суришиб, талашиб-тортишиб, бир-бирлари билан баҳслашиб автобусни ипидан-игнасиғача, ҳар бир винтиғача ўрганиш мақсадида уни бузиб-сочиб юборишди.

Энди автобусни асл ҳолига келтиришолмай ҳаммалари йўл четида лолу-хайрон, бир-бирларини айблаш билан машғул, бошқа ўткинчиларга баъзилари ҳавас, баъзилари ҳасад билан қараб туришибди...

Бу ҳолатга тушишнинг асл сабабчиси бўлган калтабин ҳайдовчи ва унинг тарафдорлари эса ҳали ҳам ўзларининг қилган ва қилаётган ишлари тўғри, пухта эканини зўр бериб даъво қилиш билан овора...

- “Кўзланган мақсадга ўз вақтида етиш учун бу ортиқча маълумотларнинг кераги йўқ, улардан воз кечиб тезроқ йўлга чиқиш зарур”, -

- “Одамларни ўз вақтида манзилга етказиш учун ўша ақли расо биринчи ҳайдовчи услубига, аслга қайтиб ҳаракат қилиш лозим”- деган одамни “иш бузуқи”, “дин бузуқи” деб одамларга ёмон кўрсатиб фитна, фасод кўзғамокдалар...

Диний илмларни айнан шундай ўта мураккаб ҳолатга келтирилгани баъзи нопок, ноҳолис “дин пешволари”нинг халқни ўзларининг хоҳлаган кўйларига солиб ўйнатишларида жуда қўл келмоқда.

Ўзларининг шахсий ғаразларини, мақсадларини ҳам диний баҳоналар билан “ибодат” даражасига кўтаралар. Бундай нопок мақсадларига етиш йўлида ўз эргашувчиларининг ихлосларидан ҳам унумли фойдаланадилар.

Уларнинг бу ишларининг тўғри эмаслигини айтган одамни эса “куфр айтдинг” деб дин душманига чиқаришдан ҳам тоймайдилар.

Шу ўринда Машрабнинг;

***Неча мулло илм ўқиб роҳи шаётинни топиб,
Чун рибойу ришвани ерлар ҳушторлиқ билан,
Рост сўз айтсанг аларга зарра қилмаслар қабул
“Куфр айтдинг” деб урарлар неча озорлиқ билан.***

деган сўзлари нақадар ҳақ экани, бугунги кунга ҳам мувофиқ экани кишида афсус ҳиссини пайдо қилади...

Етмиш йиллик худосизлик тузуми инқирозга учраб йиқилгач, Ўрта Осиёда дин ва диний даъватлар гуркираб ривожлана бошлади. Биз ҳам даврнинг бу кенглигидан руҳланиб диний илмларни ўқиш, ўқитиш ишлари билан қўлдан келганча шуғулландик.

Шу ўринда диний дарсларнинг одамнинг руҳияти ва хулқ-атвориға бўлган таъсири босқичлари ҳақидаги кузатувларимни баён қилсам...

Аслида бу ҳолатлар жуда кўпчиликка маълум ва равшандир.

Ислоннинг номидан бошқа ҳеч нарсасидан беҳабар одамларга биринчи ислоний дарсларни ўтганингизда, аксар одамларда жуда катта ўзгариш ва ўнгланиш бўлади. Чунки биринчи дарсларда худди Пайғамбаримиз с.а.в баён қилган алфозда фақат рукнлар, фарзлар, ҳалол-ҳаромлар ўргатилади.

Натижада худди саҳобалар сингари тўғри, содда, бошқа мусулмонларга кўнглида ҳеч қандай ғиллу-ғаши йўқ, ҳамма мусулмонлар бир хил ака-ука биродар эканмиз деб тушунадиган бир мусулмон юзага келади...

Бироқ шу саҳобалардай тоза кўнгилли мусулмон бир-икки йил “илмли” мусулмонлар орасида юриб, гўё ўзининг диний илмини, маълумотини оширгани сайин, “иймонини мустаҳкамлагани” сайин, диндош биродарларини тафтиш қиладиган, ҳар хил гуруҳларга ажратадиган, сал фитнароқ мусулмонга айланиб боради...

“Диний илми” ривожлангани сари ўзининг гуруҳидан, ҳамфикрларидан бошқа барча мусулмонларнинг айбларини санаб, хатоларини анализ қилиб, фақат ўзининг гуруҳи ҳақ йўлда эканини исбот қилишга ўтади....

Бора-бора йўлнинг бошида ҳамма мусулмонларга ўз ака-укасидай муҳаббат билан қараган бу шўрлик “диний дарсларни мукамал ўрганиш, иймонини мустаҳкамлаш” жараёнида, натижасида ўз гуруҳидан бошқа мусулмонлар билан ҳатто бир дастурхонда ҳам ўтиролмайдиган катта бир “фитначига” айланади...

Пайғамбаримиз с.а.в.дан 150-200 йил кейин ёзилган китоблар асосида таълиф этилган бидъат илмвозлик ва масалавозлик дарсларининг мусулмонларни қанчалар аслдан узоқлаштириб, исломнинг энг асосий, олижаноб хулқларидан маҳрум этиб, жоҳил, мутаассиб зомбиларга айлантириб қўётганини кўрмаслик, инкор этишлик учун одам фақат кўр, қар, соқов бўлиши керак холос!!!

Мавжуд “диний дарслар, диний илмлар” ҳақида танқидий фикр эшитмаган, чуқурроқ мулоҳаза юргизмаган одам учун бу гаплар оғирроқ, албатта.

14 аср илгариги содда, оми, бадавий араблар Росулulloҳ с.а.в.нинг асл ўзакдан иборат диний таълимотлари туфайли ҳар бири биттадан юлдузларга айланган, саҳобаи киром деган олий мавқеъга эга бўлган эдилар.

Аллоҳ таоло ўзининг охирги дини, охирги Пайғамбарини ер юзига жўнатиш арафасида алоҳида, ғайри оддий, ўта заковатли супер инсонларни яратган эмас. Саҳобалар ҳам ҳар бири ўзига яраша фазлу камчиликка эга, ўша даврнинг оддий одамлари эдилар. Фақат уларга диний таълимот тўғри берилгани туфайли шу улуғ мавқеъга эришдилар.

Хўш, нима учун 14 асрлик ҳаётини тажриба, табиий ривожланиш туфайли онги бир қадар ошган ҳозирги давр инсонларини мавжуд диний илмлар холис, умматпарвар, фидойи инсонларга, ҳавас қилгудай жамиятга айлантира олмаяпти?

Чунки ҳозирги даврда ислом деб ўргатилаётган диний таълимот ўша Пайғамбаримиз с.а.в. ўргатган асл-ўзакдан иборат диний таълимот эмас. Ҳозирги ўргатилаётган ислом-Пайғамбаримиз с.а.в.дан 150-200 йил кейин ёзила бошлаган ва ҳалигача ёзилаётган бир-бирига зид, керакли - кераксиз ҳаддан зиёд кўп маълумотларнинг аралашмаси- қоришмасидирки, бу маълумотларни ўқиб, одам бир муайян фикрга тўхталиши, конкрет тушунчага эга бўлиши амри маҳол.

Шунинг учун содда, оми саҳобалар бемалол англай олган динни ҳозирги энг зукко алломалар ҳам 20-30 йиллаб ўқиб-ўрганиб ҳам мукамал тушунчага эга бўла олмаяптилар.

Сон-саноксиз мавжуд исломий китобларда шу қадар турфа маълумотлар кўпки, улар ичидан ҳозирги мавжуд бир-бирини адашгандан тортиб дин бузувчи дейишгача айблаётган ҳар ҳил оқимлар ўзларига керакли далилларни топа олади ва топишмоқда ҳам.

Бу китоблардан уммат равнақи йўлида изланаётган, ҳаракатдаги, энг фидойи инсонни дин бузувчи деб исбот қилувчилар ҳам ўзларига далил топиши, умматни қоқоқликда ушлаб туришни, изланишдан, ҳаракатдан тўсишни дин йўлидаги энг олий хизмат деб исбот қилувчилар ҳам ўзларига керакли далилларни топиши мумкин ва топмоқдалар ҳам.

Ўрта даражадаги олимларини қўйинг, энг олий тоифадаги алломаи замонларнинг гаплари бир-бирига тўғри келмай, бир-бирини бетақволикда, адашишда айблаётгани сир эмас. Саудиянинг энг мўътабар олимлари Араб амирликлари ва Миср олимларини, ўз навбатида улар ҳам буларни, фатволари ва ҳукмларини тан олмай, масҳара қилиб юришлари ҳаммага маълум.

Ибн Синодай инсоният тарихида ёрқин юлдуз бўлган, ҳатто ғайридинлар ҳам ўта ҳурмат билан тилга оладиган аждодимизни ислом оламидаги “энг эътиборли мужтаҳидлар” кофир деб исбот қилганини ҳам оқлайверадиган калтафаҳм “дин қуюнчақларининг” қачон кўзлари очиларкин?

Умматни ҳозирги тафриқа, қоқоқлик ва адоват ботқоғига ботираётган диний таълимотларни қайта кўриб чиқиб, сарасини – саракка, пучагини – пучакка ажратиб, асрлардан бери ўз зарарини қайта-қайта исбот қилган қўшимчалардан тозалаш, Пайғамбаримиз с.а.в давридаги ихчам, умматни бирлаштирувчи ҳолатига қайтариш энг долзарб масала.

Консерватив қарашдаги, ҳар қандай ислоҳотларга фақат қора кўзойнак билан қаровчи диндошларимиз бу таклифларга ўта қаршилиқ қилишмоқда. Лекин бу масалавозликлар ва

илмвозликларнинг умматни орқага тортишидаги ролини бир қадар ўйланиб кўрсалар фойдадан холи бўлмас эди.

Шу кунларда, Саудия Арабистони ва умуман Араб оламида олий тоифа ислом уламолари орасида бўлаётган талашиш-тортишиш, ўзаро айблов ва даҳанаки жангларга сабаб бўлаётган бир масалани эътиборингизга ҳавола қилсак.

Асл моҳияти умматни икки дунё саодатига эриштириш бўлган мукамал динимизнинг вазифасини тушунмаган консерватив фикратдаги уламоларнинг тош қотгани, ҳар қандай ўзгариш ва ислохотларга душманлик кайфияти ва таъсири туфайли халқ орасида жуда кўп муаммолар йиғилиб қолган.

Шулардан бири эркакларнинг гарданига юкланган вазифаларнинг ўта оғирлаштириб юборилганлиги, шароитга қараб, юзага келган муаммоларни ўз вақтида ечишга ҳаракат қилинмаганлиги сабаб эркаклар уйланишдан, 2-3 чи аёлга уйланишдан қочиб қолишганидир. Натижада оиласиз ёлғиз аёлларнинг сони жуда кўпайиб кетган.

Ҳаёт лаззати, оналик бахтини талаб қилган аёллар ҳокимиятга “Мисёр”га рухсат беришларини сўраб қаттиқ мурожаат қилишган. Уларнинг сўровлари ҳақли эканини тушунган ҳокимлар баъзи кенг фикрли уламоларнинг маслаҳати билан “Мисёр”га рухсат беришган.

“Мисёр” – аёл кишининг ўз ихтиёри билан ўзининг шаръий ҳуқуқларидан воз кечиб оила тузишидир. Яъни, эркакдан нафақа ва адолат талаб қилмаслиги. Ўзининг тирикчилиги ўзига етарли бўлгани учун эрдан нафақа талаб қилмайди. Эрининг биринчи хотини тарафидан қаршилик бўлмаслиги учун адолат талаб қилмайди, яъни кечаси ётиб қолиши ва ўз вақтида келишини талаб қилмайди ва шу ҳолатга рози эканлигини никоҳда эълон қилади.

Жамият ҳаётида юзага келган бу муаммонинг ечимига, яъни “Мисёр”га рухсат берилишига аксар консерватив қарашдаги, олий тоифа уламолар қаттиқ қаршилик қилиб, рухсат берган уламоларни ҳаромга рухсат беришмоқда деб айбламоқдалар.

Ваҳоланки ислом дини, одамларнинг муаммоларини ечиш, хараждан чиқариш, ҳаётини енгиллатиш, ўзаро муҳаббат, ҳурматни кучайтириш, ҳар бир инсонни, ҳоҳ аёл, ҳоҳ эркак бўлсин, ҳалол йўл билан бу дунёдаги насибасидан баҳраманд бўлиши йўллари очиқ бериш учун келган...

Пайғамбаримиз с.а.в. олдиларига бир саҳоба аёли билан келди.

-“Ё Росулulloҳ мен шамол бўлиб, аёлимнинг этаги кўтарилиб кетиб, аёлим билан рамазон рўзаси кунда яқинлик қилиб қўйдим. Энди нима қиламиз?”- деб сўради.

Росулulloҳ с.а.в; –“Икки ой узлуксиз рўза тутасизлар”-деб жавоб бердилар.

Саҳоба; – “Ё Росулulloҳ, биз бир ойлик фарз рўзани аранг тутамиз. Бизга бошқа чорани айтинг”- деди.

-“Унда 60 та мискинга таом берасизлар”.

-“Ўзимиз зўрға тирикчилик қиламиз. Бизга яна бошқа чорани айтинг”-.

-“ Унда байтулмолга бирон нарса келса бераман, мискинларга садақа қилиб юборасизлар” -деди Росулulloҳ с.а.в.

Саҳоба – “Ё Росулulloҳ! Мадинанинг шарқидан ғарбига, шимолидан жанубига қадар қидирсангиз биздан мискинроқ одам йўқ. Шунинг учун ўша молни ўзимиз ишлатсак-чи ?”- деб сўради.

Росулulloҳ с.а.в. озиқ тишлари кўринган ҳолда завқланиб қаттиқ кулиб юбордилар ва унинг сўзига розилигини ифодаладилар.

Бу ҳолат, бизнинг динимизнинг моҳиятини, одамларни қийнаш, боши берк кўчага киритиб, хайрон ташлаб қўйиш учун эмас, одамларнинг ҳар қандай муаммоларини ақл ишлатиб, кенглик билан, одамларга меҳрибонлик билан ечиб, тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминловчи, инсонпарвар дин эканини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Айниқса, ислом динидаги иймон ва намоздан кейинги энг муҳим ўриндаги, ҳар қанча қаттиқ турилса ярашадиган фарз ибодатни бузган одамларга шу қадар кечиримли бўлиш, чекинишлар (уступкалар) қилингани ҳозирги ўта тор, зикна, консерватив, реакцион олимларнинг ниҳоятда қоқоқ, жоҳил инсонлар эканини, ислом шариятига “дўстлар” кўринишидаги душман бўлиб “айиқнамо” хизмат қилаётганларини кўрсатиб турибди.

Бир қўлига Қуръони карим оятларидан ясалган қўлқоп, иккинчи қўлига Пайғамбаримиз ҳадисларидан ясалган қўлқоп кийиб бир-бири билан “бокс” ўйнаётган, бир-бирининг бурнини қонатиш, нокаут қилишдан завқ олаётган бу “айиқполвонларнинг” динимизга кўрсатаётган “хизмат”ларини нима деб тушуниш мумкин?

Рақибининг бурнидан оққан қонга бўялган қўлқоплари, бу ҳолатларга гувоҳ бўлиб турган бошқа “бокс ишқибозларининг” кўзларини очмаётганига, ўзлари ҳам шундай боксчи бўлишга бўлган ҳавасларини синдирмаётганига ҳайронсан. Ахир, Аллоҳ таоло Қуръон ва шариатни мусулмонларга бир-бирларини калтаклаш воситаси қилиб, мусулмонлар қонига бўялиши учун жўнатган эмас-ку!

Ҳар қандай баҳоналар, баландпарвоз шиорлар билан қаршилик қилинмасин, динимизни, шариатимизни Пайғамбаримиз с.а.в давридаги асл ҳолига – ихчам, лўнда ҳолига қайтармас эканмиз, кейинги қўшилган, “боксчилар” қўлида залворли қўлқопга айланаётган қўшимчалардан воз кечмас эканмиз, бу дунёимизни ҳам, охиратни ҳам бой бериб, хор, жоҳил ҳолатда ўтираверамиз...

“Боксчи” уламоларимиз эса ўз маҳоратларини ошириш билан машғул, келгуси боксчи мусобақаларида навбатдаги рақибининг бурнини қонатиш, иложи бўлса нокаут қилиш умидида...

Фақат буларнинг олажак “мукофотлари” нима бўларкин?

Бу “боксчилар”нинг “курашларига” маҳлиё, -“шариат шундай мураккаб нарса бўлар экан-да”- деб алданиб юрган, “бокс ишқибозларига” айланиб, тарафкашликни касб қилиб олган халқнинг тушунчасига ким жавобгар?...

Оддийгина, эрсиз аёлларнинг ҳалол оила қилишига йўл очувчи масалада ҳам кенглик, инсонпарварлик қилиша олмай, бир-бирини айблаш билан шуғулланишдан қайтара олмаган, **ЭНГ ОЛИЙ ТОИФА УЛАМОЛАР**нинг ҳам бошини бирлаштира олмаган мавжуд диний таълимот умматнинг бошини бирлаштириши, юксалтириши амри маҳол.

Маҳаллий боксчидаги қуйи тоифа “боксчиларнинг” шиддатли ва шармандали “жангларини” айтмай қўяқолай.

Айниқса оминни жаҳрий ёки махфий айтиш каби арзимас масалалар борасидаги шиддатли карама- қаршиликлар, дўпписиз намозхонни масжиддан ҳайдаб чиқариш каби шармандали ҳолатлар ислом мафқурасини нақадар тубанлаштириб, олижаноб инсоний ҳислатлардан узоқлаштириб юборилганининг ёрқин ифодасидир.

Буни кўрмаслик, англамаслик, бу йўлдаги янги фикрларга қаршилик қилиш – **ҲАҚИҚИЙ КАЛТАБИНЛИК, ҚОЛОҚЛИК ВА НОИНСОФЛИКДИР.**

Ҳижратнинг 9 йили Росулulloҳ с.а.в. Табук жангидан қайтиб келаётганларида, Мадинада янги масжид “Масжиди Зирор” қурилганининг хабари етди. Уни бир жамоа мунофиқлар мусулмонларнинг жамоасини бўлиш, бирлигини йўқотиш учун қурган эдилар. Улардан бир гуруҳи Росулulloҳ с.а.в. олдиларига келиб, шу масжидларида намоз ўқиб беришларини сўрандилар.

Росулulloҳ с.а.в. бу масжиднинг қурилиши сабабини сўраганларида, улар фақат яхшиликни ирода қилганларига қасам ичдилар. Лекин Росулulloҳ с.а.в саҳобалардан бир гуруҳини жўнатиб у масжидни буздириб ташладилар...

Росулulloҳнинг бу ишларида уммат учун жуда ибратли ҳолатлар бордир. Демак қайси-бир иш бўлмасин, унга баҳо беришда унинг ташқи кўринишигагина қараб баҳо беравермай, унинг натижасига, жамият учун, жамият бирлиги учун фойдали ёки зарарли эканига яхши эътибор қилиш зарур.

Модомики, мусулмонлар бирлигига путур етказар экан, ўзаро яхши муносабатларни йўқотиб, душманлик, тафриқа ва адоватни юзага келтирар экан, бу амалларни шайтон қанчалик фойдали, гўзал қилиб кўрсатмасин, булар барчаси “масжиди зирор” қабилидандир.

Бундай, зарарлари асрлар давомида исбот бўлиб келган бидъат “амал ва ибодатларни” баҳридан ўтиш ҳақиқий жиҳоддир. Ваҳоланки Росулulloҳ с.а.в. катта бир жиҳоддан ғалаба билан қайтаётганларида –“Энди олдимизда энг қийин, энг муҳим жиҳод турибди. У нафс билан жиҳоддир”- деб бежиз айтмаганлар.

Нафсимиз қанчалик маъқул, фойдали, гўзал топмасин уммат бирлиги, иттифоқи учун зарарли барча амаллардан воз кечиб, Пайғамбаримиздан ўрнак олган ҳолда дадил ҳаракатлар қилиш лозим.

Нафсни қўйига кирмай барча нарсани ақл, тафаккур билан ўлчаб, оқилона тадбир қилмас эканмиз, нарсаларни, амалларни зоҳирига алданиб юришни бас қилмас эканмиз, нафақат бу дунёни, балки охиратни ҳам бой беришимиз шубҳасиз.

Нарсаларнинг, амалларнинг моҳиятини англаёлмайдиган, шаклига маҳлиё, алданиб юрган содда, шаклпараст, калтабин мусулмонларнинг талвасаларидан, қаршиликларидан чўчимаслик керак.

Тўғри, Ислом дини, Қуръони карим араб тилида нозил бўлган. Аксар толиби-илм юртдошларимиз диний мавзуда фақат араб уламолари гапиришга, фикр билдиришга ҳақли деб ҳисоблайдилар ва фақат ўша тарафдан келган китобларни, фикрларни тан оладилар.

Ҳолбуки, ислом умматининг бугунги аянчли аҳволга тушишида, исломий таълимотга эгаликни монополия қилиб олган араб уламоларининг “хизматлари” катта эканини ҳам унутмаслик керак.

Аслида бу ДИН бутун оламга РАҲМАТ бўлиб келган ва шу РАҲМАТ номига муносиб ҳолатда бўлишига ўз хиссасини қўшишда, миллати ва ирқидан қатъий назар, ҳар бир соф ниятли, соғлом ақл эгаси ҲАҚЛИДИР.

Қуръони каримнинг жуда кўп жойида ақлни ишлатиш ва фикрлашга чақириқлар бўлишига қарамай, ўқиган ёки эшитган фикрини ўз ақл тарозисига солиб кўрмай, фақат тўтидай ўша минг йиллик китоблардан иқтибослар (цитаталар) келтиришдан бошқага ярамайдиган, ўз иймонига, ақлига, фикрига ишонмайдиган “шаллақи такводорлар”дан бирор жўяли нарсани кутиш қийин.

Ўзлари мусулмонларнинг аҳволини ўнглаш ҳақида бирор муайян дастур таклиф қила олмай, умумий тарздаги тушунарсиз, ноаниқ тавсиялар келтиришдан бошқага ярамасаларда, ҳар қандай янги, илғор фикрга ашаддий қаршилик кўрсатишда ҳар қандай ғирромлик ва юзсизликдан, тухмат-бўхтондан қайтмайдилар.

Пайғамбаримиз с.а.в. олиб келган ихчам, лўнда динни бундай, англаб етиш, қамраб олиш имкони йўқ даражадаги “гигант”, беўхшов ҳолатга олиб келингани, ислом динини оммавий динликдан чиқариб, хос тоифанинг динига айлантириб қўйган.

Бирор китобсиз оми, содда, бадавий саҳобалар англаб етган, тушуна олган динни ҳозир 10-20 йиллаб ўқиб ҳам ўрта босқич тушунчасидаги, сал жиддийроқ саволга жавоб беришга журъат этолмайдиган уламочалар зўрға тушунмоқдалар. 30-40 йил таълим олиб олий тоифа шайхулислом бўлганларнинг аҳволини эса юқорида баён қилдик.

Ҳар қандай одам бемалол фаҳмлаб, тушуна оладиган, содда, оммавий бўлган динни беқиёс даражада мураккаблаштириб, фақат бир ҳовуч одамларнинг хос динига, уларнинг монополиясига айлантирилгани тўғри эмас.

Аллоҳнинг омонати бўлган бу динни, хосликдан чиқариб яна оммавийликка, барча мусулмонлар бемалол тушуна оладиган содда, ихчам ҳолатига қайтариш лозим. Бу йўлдаги уринишларни исломни бузиш эмас, балки исломни ўз аслига қайтариш, омонатни ўз ўрнига қўйиш, ўнглаш деб тушуниш лозим.

Аллоҳ таолонинг Қуръони карим “Моида” сураси 3 оятида

–“Бугун сизларга динингизни мукамал қилдим ва неъматимни бутун қилдим ва сизларга (шу мукамал, бутун) исломни дин бўлишига рози бўлдим”- деган қатъий ҳукмига иймонимизни, тушунчамизни маҳкам қилиб, кейин қўшилган барча ёт нарсалардан воз кечмас эканмиз, аслга, Аллоҳ ишониб топширган бутун, мукамал динга қайтмас эканмиз, ихтилофлар ва адоватлар ботқоғидан чиқа олмаймиз.

Азал ва абаднинг ҳақиқий, танҳо эгаси, бу икки чексизлик орасидаги ҳудудсиз маконнинг ҳар бир қаричи, замоннинг ҳар бир сониясини мутгасил ўз назоратида тутиб турувчи, ҳеч бир иши беҳикмат бўлмаган Оламлар Тарбиячиси ўзининг охирги ва мукамал динини ҳозиргидай ахборот ва алоқа замонида эмас, ўқиш ва ёзишдан беҳабар макон ва замонда, оми пайғамбари орқали юборганининг ўзи бу диннинг илмвозлик ва масалавозлик дини эмас, балки амал ва ҳаракат дини эканига далолат қилмайдими?!

Динимизни воқеъ ҳаётда тўла даражада амалга ошириб бўлмайдиган, фақат китоблардагина мукамал ва гўзал ифодаланадаган ҳолга келишига сабаб бўлган барча қўшимчалардан тозалаб пайғамбаримиз давридаги содда, ҳаётий ҳолатига қайтариш ҳақидаги таклифларга ашаддий қаршилиқ билдираётган, ислоҳот сўзидан талвасага тушиб қолаётганлар афсуски жуда кўп. Улар ортиқча қўшимчалардан воз кечиб, рукну-фарзлар атрофига умматни жамлаш ҳақидаги гапларни динга душманлик, динни бузишлик деб тескари ташвиқот юргизмоқдалар.

Шу ўринда тарихий бир лавҳани мулоҳаза қилиб кўрсак;

Соҳиби шарият Пайғамбаримиз с.а.в саҳобалар билан ўтирганлари ҳолда ҳузурларига бир одам кириб келди ва исломни қабул қилмоқчи эканини, исломни қабул қилгач унга нималар вожиб бўлишини баён қилиб беришларини сўранди.

Росулуллоҳ с.а.в унга барча вожибларни баён қилиб бергач, агар ҳоҳласа шу фарз ибодатлар устига ихтиёрий-нафл ибодатларни зиёда қилиши мумкинлигини айтиб ўтдилар. Лекин бу одам Росулуллоҳ с.а.в дан барча фарз ибодатларнинг баённи эшитиб бўлгач, бу фарз ибодатларни заррача ҳам зиёда қилмай, ва на камайтирмай адо этиши ҳақида қасам билан гапириб чиқиб кетди.

Росулуллоҳ с.а.в унинг ортидан саҳобаларга, -“Агар шу одам айтганини қилса, у жаннатийдир” - деб башорат бердилар.

Пайғамбаримиз с.а.в нинг фарзларнинг ўзи билан кифояланишга қасам ичиб гапирган одамга жаннатни ваъда қилганлари ҳолда, ҳозирги аслга қайтиш, рукну-фарзлар атрофига умматни жамлаш, динни ортиқча қўшимчалардан тозалаб ихтилофларни йўқотиш, бирликка, яқдилликка ҳаракат қилиш ҳақидаги уринишларни динни бузиш, динга душманлик деб ғавғо кўтараётганлар ўзларини бир тўхтатсалар..., ўйланиб кўрсалар..., тавба қилсалар, истиғфор айтсалар....

Зора, Аллоҳ уларнинг тавбаларини қабул этса..., тўғри йўлга ҳидоят қилса....

Аллоҳ ғофурун, роҳийм

Зеро, бугунги кундаги диннинг долзарб, стратегик йўналиши айнан аслга қайтиш, Пайғамбаримиз с.а.в дан ўрнак олган ҳолда умматни рукну-фарзлар атрофига жамлаш, бирлик ва яқдилликка эришишдир.

Исломий илмларни асл ҳолига қайтариш, ихчамлаштириш, содалаштириш сабабли бўшаб қолган барча ресурсларни - ақлларни, зеҳнларни, ҳиммат, маблағ ва имкониятларни ўз ўрнига, яъни дунёвий илмларни ўрганишга, ривожлантиришга буриш лозим.

Жуда катта маблағлар, интеллектуал қувватларни банд қилиб турган сон-саноксиз исломий ўқув юртлар, мадрасалар ва университетлар ўзларининг бор имкониятларини ва ресурсларини ислом уммати қўлдан бериб қўйган дунёвий илмларни ўрганишга, ишлаб чиқариш ва саноатни ривожлантиришга сарфласалар, кўзланган мақсадни, ислом умматининг дунё аренасида юқори мавқеъга эга бўлишини таъминлаган бўлардилар.

Неча асрлардан бери титқиланаётган, чайналаётган диний масалавозлик мавзулари учун дунё бўйича ягона бир марказ қилинса ва ҳозиргидай ҳар бир саволга бир неча хилдан эмас, балки бир хил жавоб бериб турилса, умматнинг бирлашиши учун ҳам жуда таъсирли восита бўлар эди.

Шу ўринда, динимизнинг бугунги ҳолати ва янги бир исломий уйғониш ҳаётий заруратга айланиб қолгани ҳақидаги, нафақат назарий, балки амалий фаолиятда бўлган нуфузли инсоннинг матбуотда эълон қилинган, эътиборли бир мақоласини келтириш ўринли бўлса керак:

Бизга янги ислом уйғониши зарур.

Доктор Мухозир бин Муҳаммад. 1981 йилдан 2003 йилгача Малайзия бош вазири бўлган.

Шундай бир болалар ўйини бор. Унинг иштирокчилари бир доира бўлиб ўтиришади ва улардан бири ўз қўшнисига ниманидир пичирлаб айтади, у эса - кейинги иштирокчига. Шу тарика доира бўйлаб айтиб чиқилади. Охирги бола ўзи эшитган нарсани биринчи болага айтган вақтда

биринчи ўйинчи томонидан айтилган иборанинг маъноси бутунлай ўзгаришга улгуриб бўлади. Кўринишидан, Ислом билан шунга ўхшаш ҳолат юз берган. Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ва фақат биргина динни олиб келганлар. Шунга қарамай, биз бугунги кунга келиб мингга яқин “исломларни” кўришимиз мумкин.

Ўз эътиқодларининг турлича талқинлари билан ажралиб кетган мусулмонлар қачонлардир дунёда тутган мавқеларига энди эга бўлолмаптилар; аксинча, улар заифлашиб, нисбатан ривожланган миллатларнинг қурбонига айланганлар. Шиа ва аҳли сунна ўртасидаги ихтилоф шу даражада чуқурки, ҳар бир томон рақиб тарафдорларини ҳақиқатдан бурилиб кетганликда айблайди.

Рақиб томоннинг дини - Ислом эмаслиги, унинг тарафдорлари эса - мусулмон эмасликларига қаттиқ ишониш кўп ҳолларда кўплаб одамлар ҳалок бўлган ва ҳалок бўлишда давом этаётган ички зиддиятларнинг асосий ўзагига айланган.

Ҳатто аҳли сунна ва шиаларнинг ўз ораларида ҳам бўлинишлар бор. Булардан бошқа алоҳида йўналишлар ҳам бор.

Бундан ташқари, айрим уламоларимиз бизга уларнинг сўзларини танқид қилиш мумкин-маслигини, Исломга ишониш кифоялигини, бу ўринда ақл ва мантиқ умуман ортиқча эканлигини ўргатишади. Аммо Исломнинг ҳар бир шўъбаси бошқа барча йўналишларни адашган деб ҳисоблаётган бўлса, биз нимага эътиқод қилишимиз керак? Ахир, Қуръон иккита, учта ёки мингта эмас, битта Китоб бўлса.

Қуръонга мувофиқ, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, деб гувоҳлик берган ҳар қандай одам мусулмон бўлади. Агар бундан бошқа ҳеч қандай қўшимча шарт талаб қилинмайдиган бўлса, бу даъвони ҳақиқат деб ҳисобловчи барча одамларни Исломга мансуб кишилар деб санаш лозим бўлади. Бироқ биз, мусулмонлар бунга яна турли манбалардан келиб чиқадиган ҳар хил шартларни қўшишни яхши кўришимиз сабабли динимизнинг бирдамлиги парчаланиб кетган.

Аммо эҳтимол энг катта муаммо бу - умуман олганда, бошқа дунёдан Ислом илмий тафаккурининг ва маълум даражада мусулмонлар ҳаётининг тобора кучайиб бораётган яққаланиши бўлса керак. Биз одамлар девор ортидаги нарсани кўра оладиган, коинотнинг яширин сирларини тадқиқ қила оладиган ва ҳайвонларни клонлаштира оладиган илм-фан даврида яшаймиз. Буларнинг барчаси, гўё бизнинг Қуръоннинг ҳақлигига бўлган иймонимизга зид кўринади.

Бу шунинг учун юз беряптики, Муқаддас Китобнинг замонавий муфассирлари фақат диннинг ўзининг қоидалари, амрлари билангина таниш бўлиб, бироқ замонавий илм-фан ютуқларини идрок қилишга лаёқатли эмаслар. Улар чиқараётган фатволар кўпинча унчалик ишонарли эмасдек кўринади ва илм-фандан хабардор одамлар томонидан қабул қилинолмайди.

Бир муҳтарам хатиб, масалан, одамнинг Ойгача учиб чиқа олганлигига ишонишдан бош тортгани. Бошқалари дунё 2000 йил аввал яратилган деб даъво қиладилар. Коинотнинг ёши ва ўлчамлари ёруғлик йилларида ҳисобланади - бу ҳақиқат соф диний маърифатга эга баъзи олимларга мутлақо тушунарсиздир.

Ушбу тушунишга лаёқатсизлик маълум даражада мусулмонларнинг ҳозирги аянчли аҳволига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда Ислом аҳлининг эзилиши, ўлдирилиши ва камситилиши бизнинг аввалги асрлардаги диндошларимиздан фарқли ўлароқ ўта заиф эканлигимиз боисидан юз бермоқда.

Биз уммат яна бахтли ҳаёт кечириши учун бизни ёмонловчилардан ўзгаришларини ўтиниб сўрашимиз керакмас, балки ўз бахт-саодатимиз учун ўзимиз ўзгаришимиз лозим.

Шундай экан, биз нима қилишимиз керак? Ўтмишда мусулмонлар кучли бўлишган, чунки билимларга эга бўлишган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп китоб ўқишни буюрганлар, бироқ Қуръонда айнан қайси китобларни ўқиш ҳақида гапирилмаган.

У вақтларда “ўқиш” дегани - мумкин бўлган барча нарсани ўқишни аниқлаган. Аввалги мусулмонлар юнон олимлари, математиклари ва файласуфларининг ишларини ўқишган. Улар, шунингдек, форслар, ҳиндлар ва хитойларнинг ишларини ҳам ўқиганлар.

Натижада Ислом дунёсида математика ва умуман фаннинг гуллаб-яшнаши бошланган. Бизнинг олимларимиз фанни ривожлантиришган ва астрономия, география каби янги фан соҳаларини ҳамда математиканинг янги бўлимларини яратишган. Улар ҳисоблашларни соддалаштириб ва уларнинг қўлланиш доирасини ҳаддан ташқари кенгайтириб, муомалага рақамларни киритганлар.

Бироқ, тахминан, ўн бешинчи асрга келиб, баъзи Ислом олимлари турли фанларни билишда ўзларини чеклай бошладилар. Улар фақатгина диннинг ўзини ўргана бошладилар ва фақат шундай қиладиган кишиларгина охиратда мукофотга эга бўлади, деган сўзни маъқуллаб туриб олдилар. Бундай ёндошувнинг натижаси Европа дунёвий фан билимларини фаол тушуниб етишни, ўзлаштиришни бошлаган бир даврда интеллектуал таназзул бўлди.

Мусулмонлар интеллектуал, ақлий жиҳатдан таназзулга юз тутаётган, орқага кетаётган бир вақтда европаликлар уларга охир-оқибат бутун дунё устидан ҳукм юргизишга имкон берган қурол-яроғ ишлаб чиқаришга дохил саноатнинг янги усулларини ишлаб чиқиб, ўз Уйғониш даврларини бошладилар.

Мусулмонлар эса, аксинча, дунёвий фан ва математикани ўрганиш тўғрисида унутиб, баъзи ҳолларда эса улардан умуман бош тортиб, ўзларининг муодофаа қобилиятларини мутлақ заифлаштиришди. Бу қотиб қолиш бугунги кунда Ислом аҳли чекаётган жабр-зулмнинг биринчи навбатдаги сабаби бўлиб қолмоқда.

Қуръоннинг ҳақиқий ва асосий рисоласини, номасини тушуниш ва талқин қилишга лаёқатсизлик мусулмонларга кўп бахтсизликларни олиб келган. Ўз ўқиш доирамизни фақатгина диний китоблар билан чеклаб ва замонавий илм-фан тўғрисида унутиб, биз Ислом маданиятига улкан зарар етказдик ва ўзимизнинг бу дунёдаги йўлимизни йўқотиб қўйдик.

Қуръонда токи биз ўзимизнинг аянчли аҳволимизни ўзгартиришга ҳаракат қилмас эканмиз, Аллоҳ уни ўзгартирмаслиги айтилади. Кўпчилик мусулмонлар бу ўғитни назар-писанд қилмасликда давом этмоқдалар ва унинг ўрнига фақатгина бизга нажот сўраб, аввалги асрларда ўтган шараф қайтарилишини ўтиниб дуо қилмоқдалар.

Аммо Қуръон ёвуз кучлардан сақланиш учун бўйинга осиб юриш мумкин бўлган тумор эмас. Аллоҳ ўз онгини ривожлантирган кишиларга ёрдам беради.

* * *

“Мусулмон Ўзбекистон”

ИСЛОМ ВА АҲЛИ КИТОБ

Аксар мусулмонларнинг Самовий динлар вакиллари, яҳудий ва христианларга нисбатан қарашлари ҳам кескин ислохотларга муҳтож. Реакцион дарслар таъсири остидаги аксар диндошларимиз, мусулмонлар бошига тушган ва тушаётган барча мусибатларга яҳудий ва христианлар айбдор, улар худонинг душманларидир, деб тушунадилар. Исломнинг аввалида Пайғамбаримиз с.а.в га қарши чиққан Аҳли китоблар ҳақида нозил бўлган жуда кўп салбий маънодаги оятларни тўғри тушуна олмаслик ҳам юқоридаги тушунчага сабабдир.

Биз ҳам шу дарслар таъсирида ўзимизни энг охириги ва мукаммал дин вакиллари эканимиздан фахрланар ва Аҳли китобларга бир қадар таҳқир назари билан қарар эдик. Лекин, шу энг мукаммал дин вакиллари неча асрлардан бери ўз ички зиддиятларини ҳам йўқота олмаганимиз ҳолда, Аҳли китобларнинг 27 та давлати бирлашгани, инсоният ҳаёти, соғлиғи, тараққиёти учун дунёдаги энг керакли ва сифатли барча нарсаларни ишлаб чиқараётгани, инсон ўзини Аллоҳнинг энг мукаррам махлуқи эканини тўла ҳис қилиб яшай оладиган инсонпарвар жамият барпо этгани, ўз худудларидан ташқари дунёнинг барча қоқоқ мамлакатларига ҳам беҳисоб инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатаётгани мени ҳайрон қолдирар эди.

Баъзи реакцион кайфиятдаги биродарларга бу гапларим маъқул келмай мени европапараст деб айбашлари ҳам мумкин албатта. Лекин, оқни-оқ, қорани-қора дейиш айна ҳақиқат, айна адолатку.

Зотан Парвардигори олам Қуръони каримда, “Моида” сурасининг 8 оятида

–“Бир қавмни ёмон кўришингиз сизларни адолат қилмасликка олиб бормасин” - деб бежиз айтмаган.

Бизга берилган таълимотларга мувофиқ, ислом келиши билан бекор бўлган, амали тўхтаган китоблар аҳллариининг бу қадар ҳар томонлама юксак даражада ҳаёт кечириётгани ҳолда, энг охириги ва мукаммал дин вакиллариининг аянчли ҳаёт тарзлари мени жуда кўп ўйлантирар эди. Ўз дунёқарашларимнинг воқеъликка тўғри келмаётганидан қийналар эдим...

Охир-оқибат барча саволларимга жавобни Яратувчининг энг буюк мўъжизаси бўлган Қуръони Каримдан топдим. Бу Пайғамбаримиз ҳаётларининг охириги паллаларида, ер юзида мусулмонларнинг тўла шаклланган жамияти ўз ўрнини эгаллаб бўлгач, Аллоҳ таолонинг исломдан аввалги, Ўзи туширган китоблар аҳллари ҳақидаги оятларида жуда ёрқин ифодаланган.

Бу оятлар Қуръон Каримнинг “Моида” сурасидадир. Бу очиқ оятларни таассубга берилмай, бурмай, таъвилсиз, очиқ қалб билан ўқилса, исломнинг ниҳоятда бағри кенг, ҳар хил дин одамлари орасида тенглик, яхши муносабат, борди-келди, ҳатто куда-андачилик бўлишини хоҳлайдиган Дин эканига амин бўласиз. Шу ўринда ўқувчини толиқтирмаслик учун “Моида” сурасидан мавзуга мос оятларни ажратиб тафсир қилсак;

Моида сураси.3 оят

–“Бугун сизларга динингизни мукаммал қилдим ва неъматимни бутун қилдим ва сизларга (шу мукаммал, бутун) исломни дин бўлишига рози бўлдим”-.

Демак шу кундан кейин дин, диний амал деб исломга киргизилган ҳар қандай нарсани тасдиқлаш Аллоҳ таолонинг мукаммал ва бутун динига хиёнатдир.

“Моида” сураси.5 оят.

-“Бугун сизларга покиза нарсалар ҳалол қилинди. Аҳли китобларнинг таоми сизларга ҳалол. Сизларнинг таомингиз уларга ҳалол. Агар зино қилмай, ўйнаш тутмай, пок ҳолда, маҳрларини бериб уйлансангиз, мўъминаларнинг покизалари ва сизлардан аввал китоб берилганларнинг покиза аёллари сизларга ҳалолдир. Ва кимки иймонидан қайтса, амали беҳуда бўлур ва у охиратда зиён тортувчилардандир”-

Бу оятларда Аллоҳ таоло барча покиза нарсалар ҳалол қилинганини айтиб, аҳли китобларнинг таоми ҳам шу жумладан ҳалол, пок эканлигини, сизларнинг таомингиз уларга ҳалол дейиш билан мусулмонларга аҳли китоблар билан бир дастурхонда ўтиришни, борди-келди, улфатлик қилишни ҳалол эканини баён қилмоқда.

Бундан ташқари меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ таоло аҳли китобларнинг аёлларига худди мўъмина аёлларга кўрсатилажак ҳурмат- эҳтиром, ҳалоллик билан уйланиш ҳалол эканини ҳам баён қиладики, бу мусулмонлар билан аҳли китоблар орасида қариндош-уруғчилик, куда-андачилик бўлиши Аллоҳнинг хоҳиши эканини билдиради.

Мусулмонларнинг кибру- ҳавосини синдириб, аҳли китоблар билан кундалик ҳаётдаги бундай тенглаштириш, баробарлашни кўтара олмай, бу оятларнинг маъносини ҳар хил ўзлари тўқиган таъвиллар билан буриб, бу ҳукмларнинг ижроси ҳақида ҳар хил шартлар тўқиб тўсқинлик қилувчиларга Аллоҳ таоло шу оятнинг ўзида таҳдидли огоҳлантириш бериб, **-“Кимки (бу оятларга қарши чиқса, гапирса, Аллоҳнинг ҳалол-ҳаром қилишдаги мутлақ Ҳокимлигига, Ҳикмат соҳиби эканлигига бўлган) имонидан қайтса (қолган барча) амали беҳуда ва у охиратда зиён тортувчилардандир”-** демоқда.

Демак, бемисл ҳикмат соҳиби, Аллоҳ таоло ўз динини комил қилган кунида баён қилган бу ҳукмларга, таассубга берилмай, ҳар хил фикри тор, қалби тор, зўраки тақводор, Аҳли китобларга ноўрин таҳқир назари билан қарайдиган, халқлар орасида яхши муносабат, борди-келди эмас, адоват, нафрат уруғини сочадиган, оятнинг охиридаги амали беҳуда ва охиратда зиён тортувчилардан бўлган “алломалар”нинг иғволарига учмай, бағрикенглик билан ёндашиш лозим.

Афсуски. “тақво” сўзининг ортига ўтиб олиб, бор иқтидору-ижтиҳодини ишга солиб, бу очиқ ҳукмлар ҳақида шубҳалар уйғотиб юрган “шайхул-исломлар” жуда кўп. Ваҳоланки, ҳеч бир нарсани унутмайдиган Зот ҳеч қандай шарт қўймагани ҳолда, унинг бандаси, бу ҳукмларнинг ижроси учун ҳар хил шартлар тўқимай, у Зотнинг ҳукмига қулоқ қоқмай бўйсунуши айнаи тақводир.

“Моида” сураси. 43-44 оятлар.

-“Олдиларида Таврот, унда Аллоҳнинг ҳукмлари бўлатуриб, қандай сени ҳакам қилурлар, сўнгра юз ўгириб кетадилар. Улар мўъмин эмаслар. Биз Тавротни нозил қилдик. Унда ҳидоят ва нур бор. У билан (Аллоҳга) таслим бўлган Пайғамбарлар, Аллоҳнинг китобини сақлашга мукаллаф бўлган раббонийлар ва ахборлар яҳудийларга ҳукм юритадилар. Улар бу китобга гувоҳдирлар. Одамлардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар. Менинг оятларимни арзон баҳога сотманглар. Ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаса, ана ўшалар кофирлардир”-

Бу оятларни диққат билан ўқилса, айнан яҳудийлар учун Таврот ва ундаги Аллоҳнинг ҳукмлари бекор бўлмагани, Тавротда ҳидоят ва нур борлиги, ундаги ҳукмларни қўрқмай, ўзгартирмай яҳудийларга қўллаш лозимлиги, ва ниҳоят ким шу ҳукмлар билан ҳукм қилмаса кофир бўлиши айтилмоқда. Охирги Пайғамбар Аллоҳнинг охирги китоби ҳукмларини мусулмонларга жорий қилиб тургани ҳолда Яратувчининг Ўзи Тавротни буткул бекор деб эмас, балки, яҳудийлар учун ҳукми лозим экани ҳақида оят нозил қилгани, сўз маъзини тушунган одамлар учун, бизга Таврот ва Таврот аҳлига адоват эмас, ҳурмат билан қарашимиз лозимлигини билдиради.

Қолаверса, кейинги оятда ҳам Аллоҳ таоло Тавротдаги баъзи ҳукмларни баён қилгач, яна Аллоҳ нозил этган ҳукмлар билан ҳукм қилмаганлар золимлар эканини таъкидлайди.

Моида сураси. 45 оят.

-“Биз унда (Тавротда) жонга-жон, бурунга-бурун, кулоққа-кулоқ, тишга-тиш ва жароҳатларга қасосдир деб ёздик. Ким уни кечиб юборса, бу унга каффоротдир. Ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаса, улар золимлардир”-

Тавротдаги бу ҳукмлар ислом шариатида ҳам айнан қабул қилинган.

Тавротнинг зикридан сўнг кейинги Пайғамбар ва китоб, Инжил ҳақида ҳам Аллоҳ таоло шундай мақтов ва ҳурмат билан Пайғамбаримиз с.а.в. га дейди;

“Моида” сураси. 46-47 оятлар.

-“Уларнинг изларидан Ийсо ибн Марямни ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи қилиб юбордик. Унга Инжилни бердик. Унда ҳидоят ва нур бор. У ўзидан олдинги Тавротни тасдиқлагувчидир. Тақводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир. Инжил аҳли Инжилда Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилсин, ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаса, улар фосиқлардир”-

Мусулмонлар қалбига янги, энг мукамал динни жойлаб, Қуръон ҳукмларини юргизиш турган Пайғамбаримизга Аллоҳ таоло Инжилни, ҳозирги айрим кишилар айтаётганидай бузилган, ўзгартирилган деб эмас, бу қадар мақтаб сифатламоқда.

Устига-устак, энди Сиз, Қуръон, Ислом келиши билан Инжил мутлақ бекор бўлди деб эмас, балки айнан “Инжил аҳли Инжилда Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилсин, ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаса, улар фосиқлардир” деб таҳдидли фармон бермоқда.

Демак, Таврот аҳли Таврот ҳукми билан, Инжил аҳли Инжил ҳукми билан, мусулмонлар эса Қуръон ҳукми остида бир-бири билан яхши муносабатда, борди-келди, куда-андалик қилиб, бир-бирини камситмай, биз энг охирги ва ҳақ дин вакилларимиз деб кибру-ҳавога берилмай, аҳли китобларга ҳурмат назари билан қараб яшашлари лозим.

Зотан, Аллоҳ таоло “Моида” сурасининг кейинги, 48 оятида;

-“Сизлардан ҳар бирингизга алоҳида шариат ва йўл қилиб қўйдик. Агар Аллоҳ хоҳлаганида ҳаммангизни бир уммат қилиб қўяр эди”- деб аҳли китобларнинг ҳам ўз китобларига амал қилиб яшашлари Ўзининг хоҳиши, иродаси эканини баён этмоқда.

Таврот ва унинг ҳукмларини яҳудийларга юргизиш ҳақидаги оятлардан кейин 2 марта, Инжил ва унинг ҳукмларини Инжил аҳлига юргизиш ҳақидаги оятлардан кейин 1 марта Аллоҳнинг ҳукмларини юргизмаганларни Аллоҳ кофир, золим, фосиқ деб атагани жуда муҳимдир. Оятнинг давомида Аллоҳ таоло айтади;

-“Аmmo У сизларни, сизларга берган нарсаларида синаш учун (ҳар хил динда, йўлда) яратди. Бас яхшиликка шошилиш”-

Демак, инсон қайси динда бўлишидан қатъий назар, бу дунё-синов, имтиҳон дунёсидир. Синовнинг шarti эса яхшиликка шошилиш, яхшилик қилишдир. Хусусан, Аллоҳнинг энг мукаррам махлуқи - инсонларга яхшилик қилишдир. Мусобақанинг бу шartiда бизнинг қай ўриндалигимиз ва аҳли китобларнинг қай ўриндалигини ўйлаб кўриш ўзингизга ҳавола.

Ваҳоланки, Қуръони каримда иймон келтириш ва амали солиҳ - яхшилик қилиш жуда кўп жойда ёнма-ён, уйғун ҳолда келган.

Мен ислом юртларидаги қоқоқлик, элементар нарсаларнинг етишмаслигини ва аҳли китоблар юртларидаги ижтимоий-иқтисодий адолат, серобчилик ва мўл-кўлчилик сабаблари ҳақида кўп ўйлар эдим. Бунга жавобни ҳам Қуръони каримнинг “Моида” сурасининг 66 оятида топдим.

-“Агар Улар Тавротни, Инжилни ва уларга роббиларидан туширилган нарсаларни қоим қилганларида, тепаларидан ҳам, оёқлари остидан ҳам ризқ еган бўлардилар. Улардан мўътадил тоифалар ҳам бор. Улардан кўпларининг қилган ишлари жуда ёмондир”-

Демак, бугунги аҳли китобларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий майдондаги ютуқлари ҳам (бежиз эмас), Аллоҳнинг иродасидан ташқари эмас, чунки охирги пайтларда Европа ва яҳуд юртларида динга нисбатан ҳурмат кучайгани ҳеч кимга сир эмас.

Шунга мувофиқ, мусулмонлар ҳам ўз китобларини, ундаги ҳукмларни тўғри қоим қилсалар, Аллоҳнинг шундай марҳаматидан четда қолмас эдилар ва бундай аянчли (аҳволга тушиб қолмас эдилар) ҳаёт кечирмас эдилар.

Бевосита Аллоҳнинг ўзига боғланиб, суяниб турган Пайғамбарига Буюк ва Ғолиб Аллоҳ таоло “Моида” сурасининг 68 оятида буюрадики;

-“Айтинг, Эй Аҳли китоблар! Таврот ва Инжилни ва сизга роббингиздан туширилган нарсаларни қоим қилмагунингизгача (ўрнатмагунингизгача) ҳеч нарсага эга эмассизлар”-.

Аллоҳ таоло Ўзининг охирги Пайғамбари тили билан аҳли китобларга Таврот ва Инжилни қоим қилишни буюрмоқда. Демак, аҳли китоблар ва уларнинг динлари ҳақида ҳурматсиз, таҳқирона сўзлаб, уларга нисбатан нафрат, адоват кўзғовчи фикрат соҳиблари- хиёнаткордирлар. Ислонинг реакцион, террористлар дини деб аталишининг сабабчилари ҳам шу - дин бузувчи хоинлардир.

Афсуски аксар калтабин, тор фикрли уламоларнинг ”ўта тақводорлик” таълимотларида ўз қобиғига ўралиб олиш, бошқа халқларга аралашмаслик фикрати, охир-оқибат бошқа халқларга душманлик ва адоват кайфияти ғолибдир. Уларнинг таълимотига чуқурроқ эътибор қилинса, гўё ислом дини то қиёмат бошқа дин одамлари билан адоватлашиш, душманлик, ҳурматсизлик динидай тушунтирилади.

Ислон динининг, иймоннинг асосий хусусияти бошқа халқлар айбларини санаш, уларни ҳақорат билан тилга олиш, кофир ва дўзах аҳли эканини исботлаш деб тушуниб қолган, бошқа халқлар билан дўстона, ўзаро ҳурмат асосида муомала, муносабат қуриш ҳақида гапирган одамни дин бузувчи, ҳатто муртад дейишгача борувчи “мусулмонлар” кўпчиликни ташкил қилиши жуда ачинарли ҳол.

Аллоҳ бундайларга инсоф берсин ва иймонда кетишларини насиб этсин.

Ваҳоланки, бутун оламларга раҳмат бўлиб келган динни бундай тушуниш ва тушунтириш энг даҳшатли ва оғир хиёнатдир.

Мўъминлар ва бошқа динлар вакиллари ҳақидаги ҳал қилувчи ҳукми Аллоҳ таоло суранинг кейинги, 69 оятида очиқ-равшан баён қилади;

-“Албатта, иймон келтирганлар, яҳудийлар, собиунлар ва насоролардан ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса ва яхши амал қилса, уларга хавф йўқ ва улар ҳафа ҳам бўлмайдилар”-.

Чексиз ва буюк раҳмат соҳиби, меҳрибон Аллоҳ таолонинг бу марҳаматини қарангки, мусулмонлар, аҳли китоблардан ташқари, китоб ҳам берилмаган, ўз ақлича бир яратувчини излаб ибодат қилган “собиун”ларга ҳам агар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирсалар ва яхшилик қилсалар дунёю-охират хурсандчилигини ваъда қилмоқда.

Бу сариҳ, очиқ оятга, барча ўтган, ҳозирги ва келгуси инсониятни яратган, дунёю-охиратнинг эгаси, бандаларини қандай жазолашда ёки мукофотлашда ҳеч кимнинг розилигига, эътирозига, маслаҳатига муҳтож бўлмаган ОЛИЙ ИРОДА ЭГАСИнинг бу башоратларига, хушxabарларига қарши гапирувчи, қарши фикрларни ислом ақидаси деб даъво қилувчи мутақаббир ”дин куюнчаклари” истиғфор айтсинлар, тавба қилсинлар.

Зеро, айнан шу маънодаги оят “Бақара” сурасининг 62 оятида ҳам келган;

-“Албатта иймон келтирганлар, яҳудийлар, насоролар ва собиинлардан ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса ва яхши амал қилса улар учун роббилари олдида ажр (мукофот) бордир. Уларга хавф йўқ ва улар ҳафа ҳам бўлмайдилар”-.

Демак, дунёю-охиратдаги муваффақиятнинг асосий сабаби, қайси дин вакили бўлишдагина эмас, балки Аллоҳга ва охиратга иймон келтиргач, яхшилик қилишда ҳамдир.

Ҳеч қандай ваколоти бўлмагани ҳолда, жаннатга у киради - бу кирмайди деб сафсата сотувчи баъзи диндошларимиз кераксиз гапларни қўйиб, жамият, миллат ва умуман башариятга қандай қилиб яхшилик қилсак бўларкин? деб фикр юритсалар, ҳаракат қилсалар, Аллоҳни ҳам, бандаларини ҳам рози қиладиган амал қилган бўлардилар.

Зеро, агар инсоннинг бировларга фойдаси, яхшилиги тегмаса, унинг иймонини, тақвосини ва ҳатто ўқиган намозини ҳам беҳудалигини, барча нарсалардан беҳожат Зот Ўзи “Моун” сурасида таъкидлаб айтади;

-“Динни ёлғон деювчини кўринг, у етимни (ёрдамсиз) тарк этади, мискинга таом беришга чақирмайди. Намозларидан ғафлатда бўлган намозхонларга “вайл” дўзахи

бўлсин. Улар риёкорлардир ва улар моунни (қизганиш мумкин бўлмаган нарсаларни) манъ қиладилар (қизганадилар)”-

Демак, модомики ўқиётган намози кишини хайрия ишларни қилишга ундамас экан, у - динда каззоб, риёкордир. Намозининг таъсиридан ғофил, риёкор, қизганчиқ бундай инсонларга Аллоҳ таоло дўзахларнинг энг ёмони - “вайл” дўзахи билан таҳдид қилмоқда...

Қолоқ исломий юртларда Ғарб ва Американинг кўплаб хайрия жамиятлари фаол ҳаракатлар қилмоқда. Баланспарвоз сўзловчи исломий хайрия жамиятлари эса, нари борса масжид қуриш ёки қорихона очишдан бошқа сезиларли ишлар қилмаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Масжидларга кирсанг, хусусан жумъа кунлари, одам сиғмайди, лекин кундалик ҳаётда исломнинг инсонпарварлик, холислик, ўзаро ёрдам, яқдиллик, ўзаро ҳурмат таълимотлари деярли сезилмайди.

Тинмай қорни катта казо-казоларни чақириб эҳсонлар қилинади, аммо маҳалладаги етимлар ҳолидан хабар олинмайди. Фалон шайхни чақириб пул бериб, хатми- қуръонлар ўқитилади, аммо етимлар уйига сариқ чақа ҳам берилмайди. Охирги модель машиналар миниб, уч-тўрт қаватлаб уйлар қурилади, мактаблардаги таълим сифатини яхшилаш, умматнинг савиясини кўтариш ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмайди.

Бонг уриб, барчани ғафлат уйқусидан уйғотиб, сергаклантириб, Аллоҳ таҳдид қилаётган “вайл”дан огоҳлантириб, ўзлари биринчилардан бўлиб, ибрат кўрсатиб, барча имкониятларини халқни, умматни юксалтириш учун сарфлаш ўрнига, эҳсонхўрлик, риёкорлик ва шаклпарастлик қилаётганлар худодан кўрқсинлар!!!

Зеро, Аллоҳ олдида умматнинг ўнгланишидан, юксалишидан ҳар бир ақл эгаси, ҳар бир эркак, ҳар бир аёл ва ёшу-қари масъулдир! Бу йўлда кечиктирмай, қўлдан келганча ҳаракат қилиш зарур.

Дини, ирқи, миллатидан қатъий назар, ҳамма одамнинг лойи бир, отаси бир. Қаерда, қайси миллатда бўлмасин бошқаларнинг яхши ишларидан ибрат олиш лозим. Шу ўринда аҳли китоб ҳам бўлмаган Жанубий Корея халқининг ҳаётидаги бир ибратли ишни кўринг:

Иқтисодий таназзулга тушиб қолиш хавфи юзага келганда, Жанубий Корея президенти телевидение орқали халқидан ёрдам сўраб мурожаат қилган. Эркагу-аёл барча халқ бунга жавобан ўзларининг бор қимматбаҳо нарсаларини, тилло буюмларини кеча-кундуз навбатда туриб, банкларга топширган. Катта миқдорда олтин йиғилгач, давлат шу олтинларни гаровга қўйиб, дунё банкидан қарз олиб, инқироздан чиқиб кетган.

Биз эса, яхшилик қилиб Аллоҳга қарз беришга, умматни юксалтиришга пул сарфлашга интилмасак, қандай қилиб Аллоҳнинг “вайл”идан қутилишимиз мумкин. Бинобарин, миллатимизнинг савиясини кўтаришда, дунёқарашини ўнглашда, иқтисодий-ижтимоий ҳолатини яхшилашда, дунёнинг илғор жамиятлари тажрибаларидан оқилона фойдаланишимиз зарур эмасми?

Афсуски, бугунги мавжуд ислом мафқурасини шакллантирувчи аксар диний уламолар мусулмонларнинг бошига тушган ва тушаётган барча мусибатларга аҳли китоблар, хусусан яҳудийлар айбдор деб умматни шундай ачинарли аҳволга олиб келиб қўйишдаги ўзларининг айбларини бошқаларга ағдаришга, жавобгарликни ўзларидан соқит қилишга уринадилар,

Шу мақсадда Қуръони каримдаги аҳли китоблар ҳақидаги салбий маънодаги оятларгагина урғу бериб, ҳадислардан ҳам шу маънодагиларинигина танлаб олишиб, Аллоҳга, динга хиёнат қилишган ҳолда реакцион ақидани тузишиб, ислом умматини чалғитиб, дунё сахнасида жоҳил, террорист умматга айлантириб қўйишди.

Мен баъзи танқидчилар тухмат қилишаётганидай, исломни ташлаб, бошқа халқлар динига ўтишга талабгор ҳам, даъвогар ҳам, даъватчи ҳам эмасман, навзанбиллах...

Ғарб системаси, демократияси, турмуш тарзи энг мукамал система демокчи ҳам эмасман, лекин мусулмонларнинг ҳозирги қолақлик, адолатсизлик, ҳар томонлама таназзул ҳолатидан, “велосипедни қайтадан кашф қилишга” уринмай, лойимиз бир бўлган, отамиз бир бўлган илғор халқларнинг тайёр тажрибаларидан жирканмай, очик кўз, онг билан оқилона фойдаланиб чиқиб кетишларининг тарафдориман.

Исломнинг ҳақиқий асослари эса мусулмонларнинг бошқа халқлар орасида қолоқ, жоҳил, террорист, онгсиз уммат эмас, илғор, тинчликсевар, тараққийпарвар, ҳар томонлама ривожланган, юксак, маданиятли уммат бўлишининг тарафдоридир.

Биз мусулмонларнинг “ўзимизга хос тараққиёт йўлимиз бор” деб неча асрлардан буён умматни қоқоқликда ушлаб келаётган, илғор Ғарб тажрибаларига нисбатан фақат шубҳали қарашлар уйғотувчи тарғиботу-ташвиқот қилувчиларнинг сафсаталарига учмаслик керак. Хусусан, аҳли-китобларнинг тажрибаларини яхшилаб ўрганиш ва қўллаш зарур.

Чунки уларнинг китобларини ҳам, бизнинг китобимиз-Қуръонни нозил қилган Зот туширган. Ва бу китоблар бир-бирини инкор этувчи, йўқотувчи бўлиб эмас, балки, тасдиқловчи ва тўлдирувчи бўлиб келган.

Шунга мувофиқ, бу динлар одамлари ҳам бир-бирини инкор этувчи, йўқотувчи, душман бўлиб эмас, балки, яхши ишларида бир-бирини тасдиқловчи, тўлдирувчи, биродар ва ака-ука бўлиб яшашлари лозим.

Инсоният тарихининг қора саҳифалари бўлиб қолган самовий динлар қавмлари ўртасидаги асрларга чўзилган урушлар диний таассубнинг нақадар жирканч ва даҳшатли туйғу эканига тарихий ҳужжатдир.

Бутун инсониятга раҳмат бўлиб, иблис найрангларидан огоҳлантириб, юксак маданият ва тафаккур ҳосил қилиш учун Оламлар тарбиячиси тарафидан юборилган динларни калтабин, мутаассиб диндорлар нотўғри талқин қилишлари туфайли инсоният ўзининг узоқ тарихи давомида жуда катта даҳшатли урушларга, бахтсизликларга учрадики, бундан келажак учун дарс олмаслик-ақлсизликдир.

Хусусан бир-бирини тасдиқловчи, тўлдирувчи бўлиб келган охириги динлар ва китоблар аҳллари орасидаги бўлиб ўтган ва бўлаётган адоват ва нафратлар фақат ва фақат иблиснинг ва иблис ёрдамчиларининг ҳийла найрангларидир.

Зеро, башариятнинг, хусусан ЎЗИ китоблар жўнатиб сийлаган умматларининг ҳар қандай “олий мақсадлар” баҳонасида қонли урушлар бошлашларини суймаслигини Аллоҳ таоло “Моида” сурасининг 64 оятида баён қилади.

–“Улар қачон уруш оловини ёқсалар, Аллоҳ ўчирур. Улар ер юзида фасод кўзғаб юрурлар. Аллоҳ муфсидларни (фитна-фасод кўзғовчиларни) севмас”-

Шундай экан, баъзи калтабин диндошларимизнинг мутаассиблик билан бошқа динлар вакиллари ҳақидаги салбий маънодаги оятларни рўқач қилиб халқлар орасида фитна-фасод, адоват кўзғашлари энг камида хиёнатдир.

Чунки Аллоҳ таоло бу оятларни мусулмонлар калтак қилиб бошқа халқлар бошига таққиллатиб юришлари учун эмас, балки энг охириги ва мукамал дин вакиллари ҳам ўз ҳаётларида, эътиқодларида шундай хатолар қилмасликлари учун огоҳлантириш қилиб юборган.

Бу “серғайрат” диндошларимиз ҳам бошқаларнинг айбларини санаш, уларнинг кофир, дўзахий эканликларини исбот қилишни ташлаб, уларнинг оқибатларини тақдирларнинг ҳақиқий эгаси бўлган Аллоҳнинг иродасига ҳавола қилсалар, ўзларини ўнглашни, ислом умматининг аҳволи, келажаги ҳақидаги ўз масъулликларини ўйласалар, ҳис этсалар Аллоҳ учун ҳам суюклироқ, уммат учун ҳам, ўзлари учун ҳам фойдалироқ бўлар эди.

Шу ўринда Европада бўлган баъзи диндошларимизнинг Европа ҳақидаги кўпчиликка маълум фикрларини келтирмоқчиман:

- “Ўзингни Инсон эканлигингни ўша ерда сезасан”-

- “Европада Исломни кўрдим, мусулмонларни кўрмадим, ислом юртларида мусулмонларни кўрдим, исломни кўрмадим”-

- “Ла илаҳа иллаллоҳ– деб қўйишса, ҳақиқий мусулмонлар ўшалар бўлар эди”-

- “Европалик бир ўқимишли одам китоблар орқали исломни ўрганиб, ислом динига кирибди. Пайти келиб, ислом юртларини кўриш учун келганида, мусулмонларнинг аҳволини, ахлоқини кўриб, “Яхшиям-ки, китоб орқали исломга кирибман, мусулмонларнинг аҳволини аввал кўрганамда исломга кирмаган бўлар эканман”- деган экан”-

Европадан мисол келтирсанг энсаси қотиб, пешонаси тиришадиган, ўта тор фикрли баъзи биродарларимизга бир неча савол берсам;

- Нима учун ислом юртларидан сиёсий ёки иқтисодий сабаб билан миллионлаб одамлар Европага қочиб кетмоқдалар? Европадан ислом юртларига қочиб келганларни эса учратмайсиз?.

- 70 йилларда Америкада ирқчилик проблемаси жуда кучли эди, 90 йилларга келиб, қандайдир 20 йил ичида бу проблема буткул тугатилди. Бир дин, бир китоб ва бир қиблада туриб, нима учун мусулмонлар неча асрлардан бери ички зиддиятларини тугата олмайдилар? Шиа-сунний муаммоси эса 14 асрдан бери давом этмоқда...

Биобарин, машҳур бир ислом олимнинг

-“Мусулмонларнинг ўз динларига қилган хиёнатлари, ўтган умматларнинг ўз динларига қилган хиёнатларидан кам эмас” - деган сўзлари бежиз эмасга ўхшайди.

Хуллас калом, ҳар хил оқимлар таъсирида таассубга берилган, тор қобикда фикрлайдиган, лекин асосий мақсади исломга хизмат қилиш бўлган ёшларимиз инсоф билан, сал кенгроқ фикрлаб, ўзларининг ислом дини ҳақидаги тушунчаларини қайта кўриб чиқишлари лозим.

Модомики, ўзлари аъзо бўлган ҳизблар, оқимлар, - “Бошқалар хато, фақат бизнинг йўлимиз тўғри” - деб бошқалардан бўлиниш, ўз қобигига ўралиш услубини кўллар экан, уларнинг далиллари, даъволари ҳар қанча баландпарвоз бўлмасин, хатодир. Умумисломий, умуммиллий, яъни, бутун ислом миллатини бирлаштирувчи йўл ҳақида - Пайғамбаримизнинг йўли ҳақида фикр қилиш лозим.

Ҳеч қандай транспорт ва ахборот воситалари йўқ замонда Пайғамбаримиз с.а.в мутлақо янги динни қисқа вақт ичида татбиқ этиб, энг яхши умматни шакллантирганлар. Дунёнинг бир чеккасида содир бўлган ишнинг хабари бир неча сонияда бутун дунёга тарқалаётган замонда, мавжуд барча исломий ҳизблар ва оқимлар неча-неча йиллар натижасиз, баландпарвоз гаплар билан ўзига эргашган ёшларни қайсар аскарларга айлантириб олиб, беҳуда овора қилиб юришмоқда.

Уларни, адашиб кетишдан қўрқитиб, шу қадар ўз таъсирларига солиб олишганки, ҳатто диннинг фарз ва рукнларига зарар етказмаган ҳолда, мавжуд проблемаларни бартараф этиш ҳақида ҳам дадил фикрлай олмайдилар. Ҳатто, нега мусулмонлар бундай ачинарли ҳолатда яшамоқда? деган саволни эшитишдан ҳам чўчиб тушадиган “зомби”ларга айланиб қолганлари ҳам бор.

Ваҳоланки, Қуръони каримда фикрлаш, ақлни ишлатишга ундаган сон-саноксиз оятлар мавжуд.

Тўғри, Қуръони каримда яҳудий ва насороларни дўст тутмаслик, улар орасида Аллоҳнинг ҳукмларига хоин инсонлар кўплиги ҳақидаги, уларга салбий баҳо берувчи оятлар жуда кўп-ку! - деган савол туғилади.

Қуръони каримнинг ҳамма замон ва макон учун мувофиқ ҳукмларни ўз ичига олганлиги - унинг то қиёмат тириклигини, хаётга тадбиқ этиш мумкинлигини исбот қилувчи мўъжизадир. Юқоридаги салбий маънодаги оятлар инсоният тарихида катта ўрин тутган салб урушлари ва яна бошқа жиҳодлар вақтида мусулмонларнинг дин душманларига қаттиқ туришлари, шижоатларини оширишлари, ўз динлари, юртлари, ориятларини ҳимоя қилишларида муҳим кўрсатмалардир.

Дин пешволарининг вазифаси Аллоҳнинг оятларини ва ўзига мухлис одамларнинг ҳис-туйғуларини ўзининг ёки ўзи аъзо бўлган қандайдир оқимнинг манфаати йўлида ишлатиш эмас, балки замон ва макон талабига мос, фақат яхшиликка ундовчи, ислом умматини ҳамма ҳавас қиладиган, ҳамма интиладиган, “одамлар учун чиқарилган энг яхши умматга” айлантирувчи мафкура йўлида ишлатишдир.

Ҳеч бир отага, катта ўғиллари меҳнаткаш, ҳунарманд, тиришқоқ, кенгфёъл бўлиб, оилага кўлидан келганича яхшилик қилиб яшаётгани ҳолда, кичик ўғлининг эркатойлик қилиб, кўлидан ҳеч нарса келмаса ҳам, акаларининг ишларидан айб ахтариб, ўзини ўнглай олмай, кибру-ҳавода, - нима бўлса ҳам мен кенжа, суюкли ўғилман - деб яшаши ёқмайди албатта!!!

Бандаларига отадан ҳам меҳрибон ва адолатли Аллоҳ таолога ҳам одамлар ўзаро душманликни ташлаб, бир-бирини ҳурмат қилиб, ҳамкорлик қилиб, ака-ука, қариндош-уруғ бўлиб яшашлари суюклироқдир.

Хусусан, ўзининг онгсизлиги, ноқобиллиги, танбаллиги, кибру-ҳавоси туфайли ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида илғорликни қўлдан бериб, талвасага тушиб қолган, ўзининг бундай аянчли аҳволга тушиб қолганининг сабабчиси ўзи эканини тан олгиси келмай, ҳамма айбни “дин душманларига” ағдариш йўли билан ўзини оқлаб, ҳар хил ғирром услублар билан “дин душманлари”дан ўч олишни ҳақиқий жиҳод деб тушуниб қолган ислом умматини тўғри йўлга солиш лозим.

Адовату-душманликни ташлаб, биродарлик назари билан қараб, илғор халқларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий майдондаги тажрибалари асосларини ўрганиш ва қўллаш зарур.

Европада ишлаб чиқарилган машиналарни фахрланиб миниб юриб, илғор технологик воситаларидан фойдаланиб, дори-дармонларидан истеъмол қилиб туриб, тинмай Европа турмуш тарзини, динини, эътиқодини, маданиятини ҳақорат қилаётганлар – мияси айнаган ифвогарлардир.

Улар умматни шу кунгача ҳам, бундан кейин ҳам яхшиликка, ёруғликка, кенгликка, инсонпарварликка етаклай олмайдилар...

ИСЛОМ ВА ТЕРРОРИЗМ

Ушбу рисола биринчи бор эълон қилинганда, тушунчасига қараб ҳар хил тоифа одамлар томонидан ҳар хил муносабат билдирилди. Диндан ҳам, дунёдан ҳам хабари бор зиёли тоифа томонидан жуда самимий, илиқ муносабат билдирилган бўлса, мактабни ҳам ўқимаган, дунёвий илмлардан мутлақ беҳабар, фақат бир томонлама диний таълим олган калтабин, мутаассиб “дин химоячилари” томонидан қаттиқ танқид ва жиззакилик билан қарши олинди.

Айниқса, “Ислом ва аҳли китоб”, “Ислом ва демократия” боблари хусусида гарчи жўяли бир хато топиб далил келтириша олмасаларда, умумий тарздаги айбловлар, тухматлар қилишдан орланмадилар.

Зотан, мен, асл ўзак устига беҳисоб керакли-кераксиз маълумотларни беаёв қўшиб булганган чашмадан ютоқиб сув ичиб, ахлоқлари ва мақсадлари нотайин ҳолга келган, динни ҳар ким ҳар томонга торткилаётган замондошлардан бир хил, яқдил олқиш ҳам кутган эмасдим.

Лекин то қиёмат боқий Қуръони каримнинг очик, сариҳ оятларини ҳеч бир таъвилсиз, халқлар ўртасини яхшиловчи, бир-бирига ҳурмат билан қараш асосларини баён қилувчи жиҳатларини очик айтилганига бу “айиқполвонлар”нинг шу қадар талваса, юзсизлик ва жиззакилик билан қарши чиқишлари мени чуқур ўйга толдирди.

Ҳаммадан ҳам, ислом юртларидан паноҳ тополмай, инсонпарвар Ғарб юртларига қочиб бориб, уларнинг беғараз ёрдамларидан фойдаланиб туриб, тузликқа тупураётган, кўрнамак диндошларимизнинг аҳли китоб ва демократия ҳақида ичи қоралик билан ғаразли ҳақоратлар қилишлари мени ҳайратга солди.

Бундай муносабат, бугунги дарс қилинаётган диний таълимотнинг Пайғамбаримиз с.а.в олиб борган диний таълимотдан нақадар узоклашиб, бузилиб, умматни олижаноб юксак ахлоқдан бегона, ичи қора, муттаҳам, мутаассиб, зомби қилиб тарбиялаётганлиги ҳақидаги фикрларимни тасдиқлади...

Тўғри, беҳисоб исломий китоблар орасида Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг “Васатия-ҳаёт йўли” асари сингари исломнинг ниҳоятда олижаноб, илғор, дини, ирқи, миллатидан қатъий назар бутун инсониятга яхшилик қилишга ундайдиган, террордан, зулмдан қайтарадиган, илм – фанга тарғиб этадиган таълимотлари ҳақида ёзилган яхши китоблар ҳам мавжуд.

Лекин адоват ва нафратга тўла бузук фикрат сингишиб кетган аксар юртдошларимиз ахлоқида, тушунчасида бу тўғри таълимотларнинг таъсири айтарли сезилмайди. Чунки беҳисоб диний китоблардаги бир-бирини инкор этувчи, керакли-кераксиз турфа маълумотларнинг кўплиги одамларнинг энг яхши, илғор фикрлар берувчи китобларга бўлган ишончини ҳам сусайтириб қўйган.

Мазкур китобда Шайх террорнинг нималигини, террорчиларнинг ваҳшиёна хуружларининг қурбонлари асосан ёш болалар, гўдақлар, оналар, қариялар, турли тинч касб эгалари бўлаётганини, террорчилар эса ўзларини “мужоҳид”, ўзларидан ўлганларини “шаҳид” деб атаётганларини баён қилади.

-“Ислом инсониятга зарар етишига мутлақо қарши. Шунинг учун, бемалол, Ислом террорнинг ҳар қандай кўринишига мутлақо қаршидир, дейиш бизнинг бурчимиздир. Мусулмонлар террорга қарши курашнинг биринчи сафларида бўлиши лозимдир”- деб террорнинг исломдаги ҳукмини, фирром “жиход” эканини, унга қарши туриш шарт эканини баён этади.

Баъзи калтабин “мухтаҳидлар”нинг “айиқнамо хизматлари” туфайли дунё аренасида ислом дини террорни келтириб чиқарувчи, реакцион дин деб танилиб қолди. Дарҳақиқат “мусулмон” никобидаги террорчиларининг манфур, фирром хужумларидан кейин ниҳоятда сергакланиб,

химоя чораларини мукаммал кучайтирган Ғарб давлатларида фаолият кўрсатолмай қолган террорчи гуруҳлар энди ўзларининг манфур жинойтларини Покистон, Индонезия, Ироқ, Туркия ва Афғонистон каби мусулмонлар юртларида, ўз миллатдошларини портлатиш йўллари билан амалга ошираётгани ҳаммага маълум.

Ваҳоланки, ислом таълимотига мувофиқ инсон ўз жонига ҳам эга эмас, яъни ўзини ўзи ўлдирса ҳам кофир қавмида кетади. Ўз жонидан ташқари сон-саноксиз бегуноҳ одамлар ҳаётига зомин бўлаётган террорчиларнинг ўзларини “мусулмон”, “ислом лашкарлари” деб аташларига хайрон бўласан киши.

Бу қонхўр “ислом лашкарлари” ўзларининг ёвуз ниятларига руҳий далдани, асосни қаердан олмақдалар? Ахир Ислום саломатлик, яхшилик, инсонпарварлик дини-ку?!

Бу ёвуз кучларни руҳлантириб, фатво бериб турган дунёга машҳур, мўътабар шайхул-исломлар борлигини эшитиб баттар хайрон бўласан.

Афсуски, аксар калтафаҳм дин пешволари ҳам, гарчи ўзлари террорга фатво бермасаларда, террорчиларнинг ваҳшиёна жинойтларини ҳар хил баҳоналар билан оқлашга, уларни гўё мажбурликдан шу ишларни қилишаётганини тушунтиришга уринадилар.

Хўш, бу иккиюзламачилик ва бетайинликнинг сабаби нимада?

Охирги 10-15 йил ичида диний террор анчагина кўпайиб ҳар куни, кунора портлашлар бўлиб турибди. Боз устига бу қонхўрликларнинг аксари мусулмон юртларда биродарқушлик жинойтлари бўлмоқда.

Охирги 50-60 йил орасида Аллоҳ берган энг буюк неъмат АҚЛни керакли жойларга ишлатганлари сабаб ғайриислом юртлар техник тараққиёт, ҳарбий қувват, иқтисод соҳасида жуда катта ютуқларга эришди. Бинобарин, ижтимоий адолат соҳасида ҳам, хатто дини туфайли ўз юртдан қочиб чиққан мусулмонлар паноҳ топаётган, яхши бир юртларга айланди.

Ислום юртлари эса аксинча, Аллоҳ берган АҚЛни ўз ўрнига ишлатмай, асл мақсадни унутиб, воситани қовлаштириш, бир-бирини айблаш, талашиб-тортишиш билан машғул, техник тараққиёт, ҳарбий қувват ва иқтисод соҳаларида жуда орқада қолиб кетишди.

Ижтимоий адолат соҳасида эса Покистонда икки ярим миллион мусулмон, “мусулмон” жангариларнинг “жиходи” туфайли қочқин бўлиб бошпанасиз сарсон юраётган маҳалда, бир араб шайхининг ўн тўрт миллион долларга машина нўмерини сотиб олганининг хабари тарқгани аҳволни холис ифодалаб берса керак...

Аслида ислом умматининг бугунги қоқоқлиги сабаблари кеча пайдо бўлган сабаблар эмас. Чунки бир маҳаллар ислом уммати илм-фан, тараққиёт соҳасида Ғарбдан илғор бўлган.

Лекин охирги 3-4 асрлардан бери мусулмон уламолар руҳонийлик томонга ўта берилиб, дунёвий илм-фан соҳаларини, гўё дин одамларининг иши эмасдай эътиборсиз ташлаб қўйганлари ва бу соҳадаги муваффақиятсизликларга гўё, ўзларига алоқаси йўқ дунёвий иш деб менсимай қарашлари умматнинг ҳам дунёвий илмларга бўлган интилишини, қизиқишини сусайтириб юборган.

Ўта руҳонийликка берилиш сабаб, аксар мусулмонлар ўз ҳаракатлари ва кучларига ишончларини йўқотиб, самога кўз тикиб мўъжизавий нусрат, ғалаба кутиш билан машғул ва нусратнинг кечикаётганидан хайрон...

Мусулмон юртларида оммавий фикратни, тушунчани шакллантирувчи асосий катта куч бўлган уламоларнинг бундай масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги умматни бугунги кундаги хорликка, қоқоқликка олиб келиб қўйди.

Ғарб ва ислом жамиятлари ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий соҳалардаги тафовут яққол сезилиб қолгач, омма фикрида жуда кўп ечимсиз саволлар тўпланиб қолди.

-Нима учун мусулмонлар илм - фаннинг бирор соҳасида илғор эмас?

-Нима учун мусулмон юртлари ичида бирорта илм-фан, техник, электроник жиҳатдан илғор мамлакат йўқ?

-Нима учун энг охирги, энг мукаммал дин вакиллари бу қадар қоқоқ, жоҳил, хор ҳаёт кечирмоқдалар?

-Нима учун аксар мусулмон юртлар аҳолиси, ривожланган мамлакатларнинг аҳолиси ишлатиб бўлиб ташлаб юбораётган техникаларни, хатто кийим - кечакларни сотиб олиб ишлатмоқда, сарқитхўрлик билан яшамокда?

-Нима учун мусулмонлар дунёда деярли ҳеч нарса ишлаб чиқармай, фақат истеъмолчи бўлиб яшамокда?

-Охират муваффақияти ва жаннатга фақат бу дунёни қўлдан бериш, бу дунёда хор бўлиб, колоқ бўлиб яшаш билан етиладими?...

Ислонинг асосий ижтимоий қонунларининг ислом юртларида амали йўқлиги, аксинча Европада татбиқ этилаётганини айтсанг, ислом тарихидан 1000-1400 йиллар аввалги ривоятларни келтириб, бундай ижтимоий адолат бизда 14 аср аввал бўлган эканини айтиш билан ҳозирги аянчли аҳволни асл сабабларини яшириб, умматни чучук гаплар билан ухлатиб келаётган уламоларнинг уйқу дориларини таъсири тугаб қолди.

Умматни ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида илғорликни қўлдан берган, колоқ, жоҳил ҳолга солиб қўйишдаги ўзларининг айбларини кимларгадир ағдариш зарурати юзага келди.

Ўз айбини ҳам фазл қилиб кўрсатишга, ўзгаларнинг фазлини ҳам айб қилиб кўрсатишга устаси фаранг бўлиб кетган ислом уламолари бор айбни фантастик даражадаги сиёсий, харбий ва иқтисодий имкониятларга эга бўлган ғайридин “душман” Ғарбга ёки яҳудийларга осонгина ағдариб қўйишмоқда.

Ўз динининг ҳақ дин эканлигига имони мустаҳкам, содда, эътиқодли ёшлар ўз уламоларининг бу хийла-найрангларида бехабар, уларнинг гиж-гижлашларига, алдовларига лакка тушиб, белларига портловчи моддаларни боғлаб бегуноҳ одамлар орасига кириб, аксар ҳолларда эса ҳимоясиз мусулмонлар орасига кириб портлатиб, ўзларини гўё, Аллоҳ йўлида “шаҳид” деб даъво қилмоқдалар.

Бундай ваҳшиёна “жиход”нинг тўғри эмаслигини, исломга зид эканини тушунган, бу хуружларга қарши уламолар ҳам мавжуд. Аммо мусулмонларнинг бугунги колоқ, ожиз ҳолатига Ғарб айбдор дейишда аксар уламолар, афсуски ҳамфикрдирлар.

Содда мусулмонларнинг ҳис-туйғуларини ўз шахсий ёки ҳизбий манфаатлари йўлида ишлатишдан заррача ор қилмайдиган реакцион гуруҳлар мусулмонларнинг дунё аренасидаги ночор, колоқ ҳолатидан аламзадалик туйғуларидан ҳам халқаро террорни ривожлантириш йўлида унумли фойдаланмоқдалар.

Ушбу рисоланинг “Ислом ва аҳли китоб”, “Ислом ва демократия” рукнларига ашаддий қарши чиққан замондош ва юртдошларимизнинг ғирром ҳаракатлари, юзсизлик билан қилган ҳақоратлари ҳам - жоҳилликлари, ноҳолисликлари ва ўша янгиликка, халқлар ўртасида яхши муносабат бўлишига қарши бўлган, террорчиларнинг ғоявий раҳнамолари бўлган ғирром уламоларнинг жоҳилона фикрларининг юртдошларимиз тилидаги акс-садосидир.

Хусусан, “Ислом ва аҳли китоб” рукнида Аллоҳ таолонинг очиқ оятларига мувофиқ, ўзаро адоватга эмас, ҳурматга, ёмонликка эмас, яхшиликка, одамлар орасини яхшилаш, яхши муносабат ўрнатиш асосларини баёнига бу қадар ашаддий қаршилиқ, талваса ва жиззакиликнинг асл сабаби, уларнинг террорчиликни ёқловчи асосий баҳоналарининг илдизига болта урилганидир.

Гарчи улар исломнинг саломатлик, яхшилик ва инсонпарварлик дини эканини эътироф этсаларда, аҳли китоблар ҳақидаги оятларни бу рисоладаги алфозда, таъвилсиз тўғри тушуниш, уларни неча юз йиллардан бери ислом умматини аҳли китобларга қарши қайраётган, террорчиликни оқлайдиган асосий ҳужжатларидан маҳрум этади.

Зўр бериб Ғарбнинг “Ичидан чириб бораётганини” башорат қилаётган кўзбўямачиларнинг ёлғонларини фош қилиб қўяди.

Натижада умматни бугунги аянчли аҳволига ўзлари айбдор эканликлари яққол юзага чиқиб, **буюк ёлғоннинг юзи** очилиб қолади.

Террорчиларнинг ғоявий раҳнамоларидан бўлган бу калтабинларнинг талвасага тушганича бор. Чунки бу ҳақиқатларнинг очилиб қолиши уларни ўз айбларини аҳли китобларга тўнкаб халқни алдашларидаги энг асосий ҳужжатларидан маҳрум этиб қўяди.

Маълумки ҳаёт кураш, мусобақа майдонидир.

Ўзларининг онгсизлиги, танбаллиги, калтафаҳмлиги туфайли ортида қолганлар ўзининг онглилиги, ҳаракати, тиришқоқлиги туфайли олдинга ўтиб кетганларни айбдор қилишлари, улардан ўч олишга ҳаракат қилишлари ҳеч қайси мезонга тўғри келмайди.

Бундай ғирромликни касб қилиб олган “ислом лашкарлари”нинг ғоявий раҳнамолари бўлган иккиюзламачи уламолар эса, ҳар қандай ҳодиса ва қулай фурсатдан иложи борича аҳли китобларни айблаш ва уларни барча мусибатларнинг сабабчиси қилиб кўрсатиш учун фойдаланмоқдалар.

Аллоҳ олдидаги умматдан масъулликларини унутган калтафаҳм уламолар ҳали ҳам халқ орасидан ўсиб келаётган қобилиятли ёшларнинг аксар қисмини халқ тараққиёти, равнақи учун зарур соҳаларга эмас, ўзлари шишириб гигант ҳолатга келтириб қўйишган бидъат масалавозлик ва илмвозлик соҳасига онгли равишда банд этмоқдалар.

Уларнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли келажакка бефарқ, тараққиёт ва юксалишдан умидини узган, ўз кучига, қувватига ишончини йўқотган, лоқайд авлод етишиб чиқмоқда. Уларнинг бу холис “айиқнамо хизматлари”нинг ислом умматига бўлган зарари ҳар қандай ташқи душманларнинг зараридан юз чандон ортиқдир.

*Ғолиб бўлгим келар доим
Ҳаёт кураш майдонида
Жоним берсам дейманки мен
Пок иймон уммонида*

*Ғаним турса тизгин чархлаб
Ернинг тўрт томонида
Ғаним эмас, қўйнимдаги
Илонлардан қўрқаман*

Тўғри, ислом юртларида оз бўлсада дунёвий ўқув юртлари ҳам мавжуд. У ерлардан халқ эҳтиёжига керакли инженер, химик ва медиклар етишиб чиқмоқда, алҳамдулиллаҳ. Лекин бу ўқув юртлар бирор янгилик ихтиро қилиш, башарият олдида ислом умматини олдинга ўтказувчи кашфиёт қилиш даражасида эмас. Балки ўша Ғарбда ишлаб чиқарилган мураккаб техникалардан фойдаланишни, бузилиб қолса тузатишни эплаш даражасидаги мутахассислар етиштирувчи ўқув юртлардир.

Ваҳоланки, ҳозирги кунда жаҳонда баъзи маълумотларга кўра, диний мадрасалар, ўқув юртлардан ташқари икки юздан ортиқ исломий университетлар мавжуд. Хўш, энг яхши иқтидорли ақлларни, жуда катта маблағларни банд қилиб турган бу илм даргоҳлари ислом умматини бирлаштириш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш соҳасида бирор фойдали кашфиёт қилиштирадиларми?!

Аксинча, бу университетларнинг бирортаси қайсидир масалани тадқиқ этиб, бир хулосани эълон этса, аксар ҳолатларда бошқа университетлар уни аксини исбот қилиш билан овора. Бундай “ижтиҳодлар” умматнинг фикрини бўлиб тафриқага сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас...

Шу ўринда гапларимиз қуруқ даъво булиб қолмаслиги учун озгина статистик маълумотларни келтирсак:

Ҳозирги кунда ер юзида бир ярим миллиарддан ортиқ мусулмон бор.
Ислом конференцияси уюшмаси (ИКУ) га **57** давлат аъзодир.
Шу **57** давлатда **500** та университет бор. АҚШ да эса **6000** та,
Ҳиндистонда **9000** та университет бор.
Ислом юртларида ҳар миллион одамга **230** олим тўғри келса, АҚШда **4000**, Японияда **5000** олим тўғри келар экан.
ИКУ давлатлари янгилик ва ихтиролар учун ялпи миллий маҳсулотлари йиғиндисининг **0,2** % ни сарфласалар Ғарб **5%** ни сарфлар экан.
ИКУ давлатларининг ялпи миллий маҳсулотлари йиғиндиси **2** триллион \$ бўлиб, АҚШ ники **12** трл \$, Хитой **8** трл \$, Япония **3,8**

трл \$, Германияники эса **2,4** трл \$ экан...

Демак, ислом умматини назарий ва ама лий террорчиликдан қайтаришнинг муҳим йўллари;

-Хато тарзда, ғирром услуб ва мақсадлар билан неча асрлардан бери ички ва ташқи мухолифларга нисбатан ислом уммати қалбига сингдириб юборилган адоват ва нафратни чиқариб юбориш-

-Ислом уммати қалбига динимизнинг энг олижаноб, кенгфёъл, жамии инсониятга нисбатан раҳм-шафқатли, меҳрибон, камтар, инсофли, хуллас ҳар қандай одам яқинлашишни, улфат бўлишни орзу қиладиган намунали инсонни шакллантирувчи қоидаларини, асосларини сингдириш-

-Диний илмларни ихчам, асл ҳолига келтириш эвазига бўшаб қолган барча кучларни умматни кўтарувчи реал соҳаларга буриш, уммат учун фойдали ишларга машғул қилиш-

- Умматнинг онгида, фикрида, тиришқоқлик ва изчил ҳаракат қилишлик билан маълум мақсадларга етиш йўлида ўзига ишонч уйғотиш-

-Яхшилик, яхшилик ва яна яхшилик қилишга, бошқа халқларнинг айбини санаб ҳақорат қилиш бизнинг эътиқод деб эмас, ўзимизни, жамиятимизни ўнглаш, ўзаро ҳамда бошқа халқлар билан яхши муносабат тиклаш бизнинг эътиқод деб тузалишга, ўнгланишга ҳаракат қилишдир-

Шу ўринда инсоннинг ўзига ишонч билан астойдил ҳаракат қилиши натижасида қандай даражаларга, ютуқларга эришиши мумкинлигини Япония давлати мисолида яққол кўриш мумкин.

Аввало, ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий равнақи учун энг муҳим омил бўлган инсон ҳуқуқлари ҳимояси юқори даражада таъмин этилгандир. Камҳосил, кафтдеккина территорияда 130 млн. аҳоли яшаб, 95% дан ортиқ хом ашёни четдан ташиб келтирса ҳам, ақлни керакли жойига ишлатиб, дунёдаги энг илғор технологияни ишлаб чиққани, саноатни ривожлантирганлиги сабабли Япония бугунги кунда дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўриндаги экономикага эгадир. Халқаро майдондаги мавқеъи ҳам шунга яраша...

ИСЛОМ ВА МАЗҲАБЛАР

Мазҳаб сўзи- йўл, йўналиш, оқим, ўзан маъноларини билдиради.

Маълумки, ислом оламида мусулмонлар жуда кўп мазҳаб ва оқимларга бўлиниб кетган. Охири вақтларда булардан ташқари ҳар хил ҳизблар ҳам кўпайиб бормоқда. Бу албатта, шундоқ ҳам пароканда, тарқоқ бўлган ислом умматини янада кўпроқ бўлинишларга, ихтилофларга олиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Дарвоқеъ, бу оқим ва ҳизбларнинг баъзилари бирмунча мўътадил, муросасоз бўлсалар бошқалари ўта жижжаки ва муросасиздирлар.

Бу мазҳаб, оқим ва ҳизбларнинг қайси бири ҳаққа яқинроқ, тўғрироқ экан? - деган савол жуда кўп одамларнинг бошларини қотирмоқда.

Натижа ўлароқ, бутун ислом оламида тафриқа ва ихтилофларни бартараф этувчи ягона бир исломий йўналишни излаш ҳаракати ҳам мавжуд.

Сир эмаски, бизнинг юртларда ҳам охири пайтларда мунозара, муҳокама ва муросани тан олмайдиган, ўта жижжаки оқимлар кўпайиб кетмоқда. Бу жараённинг олдини олиш мақсадида, собиқ совет иттифоқи ҳудудидаги давлатларда дин назорати идоралари орқали барча мусулмонларни Имом Аъзам Абу Ҳанифа, Ҳанафия мазҳабига қайтаришга ҳаракат қилинмоқда.

Бинобарин, ислом давлатларига диний таълим олиш учун бориб, ҳар хил янги оқимлар таъсирига тушиб қолаётганлари сабаб, ёшларни маҳаллий мадраса ва олийгоҳлардагина диний таълим олишлари талаб этилмоқда.

Бироқ бу уринишлар кутилгандай самара бериши мушкул. Чунки, ҳозирги замонавий ахборот - алоқа замонида бундай чеклов, мажбурлов усуллари иш бериши қийин.

Тўғри, тарихда мазҳаблар маълум ҳудудларда, маълум миқдор одамларнинг бир хил фикҳда туришларига, бир хил ибодат қилишларига сабаб бўлган. Лекин ҳозирги кунда ҳар хил маълумотларнинг кўплиги ва улардан хабардор бўлишнинг осонлиги, қулайлиги ҳамда ҳар хил оқим, мазҳаб одамларининг аралашиб яшаётганлари туфайли барчани бир мазҳабга қайтариш амри маҳол.

Бунинг устига, бугунги кунда кўпчилик ёшларнинг онгида мазҳабга боғланиш, мазҳабпарастлик шарт эмас деган тушунча ҳам мавжуд.

Мутаассиб қарашдаги диндорлар эса, мусулмонлар ичидаги барча камчилик ва нуқсонларга мазҳабга риоя қилмаслик сабаб деб ҳисоблайдилар.

Шу ўринда мазҳабларнинг келиб чиқиши, умматга, динга келтирган фойда-зарарлари тўғрисида иложи борича холис фикрларимизни билдириб ўтсак.

Биз бу фикрларимизда муайян замон ёки муайян шахсларни айбдор санашдан йироқмиз. Фақат, бўлиб ўтган ва мавжуд ҳолатларни умумий тарзда баён этиб, тарихда бўлиб ўтган хато ва камчиликларнинг асоратларидан қутулиш ва уларни яна такрорламаслик ҳақида ўз тавсияларимизни баён этмоқчимиз.

Авалло шуни айтиб ўтиш жоизки, Аллоҳ таоло “**Бугун сизларга динингизни мукамал қилдим**” деган кунида мусулмонлар барчаси фарзу рукнлардан иборат, барча мусулмонлар бошини бирлаштириб турган ягона дин, ягона мазҳабдаги яқдил миллат эдилар.

Пайғамбаримиз(с.а.в.)дан кейин асл ўзак қоидалардан иборат бутун, мукамал дин сарчашмасига аста секин кўшимчалар қўшила борди.

Бора бора, бу покиза ирмоқ қўшимчаларнинг кўплигидан катта, бўтана дарёга айланди. Энди бу тўлиб тошиб оқаётган дарё бир ўзанга сиғмай икки катта ариққа бўлинди.

Натижада, бир жон - бир тан бўлган ислом миллати бир - бирини диндан чиққанликда айблашгача борадиган икки мазҳабга, шиа ва сунний мазҳабига бўлинди.

Иккала мазҳаб ҳам Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг бир ҳадисларини икки хил ривоят ва талқин қиладилар

Суннийлар “Сизларга Қуръон ва суннатни қолдирдим” деган ҳадисни маҳкам ушлаб ўта даражада суннатпарастликка берилиб кетдилар...

Шиалар эса “Сизларга Қуръон ва Оли байтни(пайғамбар оила аъзоларини) қолдирдим” деган ҳадисни маҳкам ушлаб ўта даражада насабпарастликка берилдилар...

Маккор Иблиснинг ғалабаси ўларок, бу иккала тоифа ҳам Аллоҳ таолонинг “Бўлинманглар, сизлардан аввалгиларни ҳам Аллоҳнинг динида бўлиниш ҳалок этган”, “Албатта, муъминлар ака укадирлар” деган буйруқларидан кўра ўзларининг ихтилофларини, даъволарини муҳим санаганлари туфайли, ислом тарихи саҳифалари шармандали зиддиятларга тўлиб кетгани ҳаммага маълум.

Бу иккала тоифа ўз йўлини тўғрилигини, афзаллигини исбот этувчи янги-янги маълумотларни кашф этиб динга қўшишда тинимсиз ҳаракат қилдилар.

Бора-бора, уларнинг ариқлари ҳам катта дарёга айланиб, битта мазҳабга сиғмайдиган даражада маълумотлар кўпайгач, ҳар бир тоифа яна бир қанча мазҳабларга бўлиниб кетдилар.

Бу мазҳабларнинг баъзилари бир қадар мўътадил бўлиб муҳолиф тоифани мусулмонлигини тан олсалар, баъзилари ўта жиззаки бўлиб муҳолиф тоифани ҳатто кофирлардан ҳам ёмон деб даъво ва исбот қила бошладилар.

Жиззакилик шу даражага етдики, муҳолиф тоифанинг бир одамани ўлдириш ўнта кофирни ўлдиришдан афзал дейишгача бориб етдилар.

Энг даҳшатлиси шундаки, бу бузуқлик ва ифвогарликлар бир вақтлар барча мусулмонларнинг бошини бирлаштириб ака-укага айлантирган покиза дин номи билан, “динга хизмат”, “динни ҳимоя қилиш” ниқоби остида олиб борилди ва ҳамон давом этмоқда.

Дарвоқеъ, “ниҳоятда чуқур ва сифатли” таълим берувчи деб сифатланаётган жуда кўп исломий олий ўқув юртларига эга Покистон давлатидаги шиа-суннийлар орасида бўлаётган, айни кундаги худкушлик ва биродаркушлик кўринишлари, Иблисни ҳам эсини оғдириб кўяётган бўлса ажаб эмас...

Аллоҳ таоло рози бўлиб берган, унинг Элчиси мукаммал ҳолда умматга етказган исломнинг моҳиятини тўла англаган, диннинг ўзак қоидаларини чалғимай маҳкам тутган асл ислом аҳлидан бўлиниб чиққан иккинчи катта жамоа “Аҳли сунна вал жамоа”дир.

Исми жисмига монанд бу жамоанинг суннатпарастлиги шу даражага етдики ўзлари суннат деб ҳисоблаган арзимас масалалар устида диннинг моҳиятини, фарзу-руқнларини оёқ ости қилиб, талаш тортишиш, ўзаро беҳурматлик ва ҳатто бир бирини қонини ҳалол ҳисоблашгача бориб етганлари тарихдан ва воқеъликдан барчага маълум.

Маълумки, аҳли сунна вал жамоа ҳам ўз навбатида асосан тўртта мазҳабга бўлинади. Мазҳаб олимлари бу бўлинишларнинг зарарсиз эканини, бу тўрттала мазҳабнинг ҳаммаси ҳам бир-бирини хато, адашган деб ҳисоблашга ҳаққи йўқлигини айтсаларда, бу мазҳаб эргашувчиларининг ўрталаридаги адоватлар барчага маълум.

Бундай адоватнинг илк қурбонларидан бири Соҳиби мазҳаб Имом Шофийининг ўзлари бўлганлари эса бизга мазҳабпарастлик ва масалавозликнинг нақадар хавфли ва зарарли эканини тўла ифодалаб берса керак.

Мустафо Муҳаммад аш Шакъанинг “Ислом било мазоҳиб” китобида ҳикоя қилинади:

“Ҳижрий 199 йили Миср волийси Аббос ибн Абдуллоҳ чақириғи билан имом Шофийий Мисрга келди. Аввалига имом Шофийий бу ерларда моликийлар кўплиги учун анчайин қийинчиликларга учради. Лекин кейинчалик унинг илмини қадрини билишгач атрофида одам кўпайиб ҳаёти бирмунча яхшиланди.

Шу ерлик Фатён исмли бир моликий одам имом Шофийий билан масала талашиб мунозара қилиб қолди. Имом кучли далиллар билан унинг оғзини ёпиб ташлади. Тан бериш ўрнига у одам, жоҳиллик билан, имом Шофийийни ҳақорат қилиб юборди..

Бу можародан хабар топган ўша пайтдаги Миср волийси Сиррий Балхий Фатённинг улуг имомга қилган муомаласидан ғазабланиб уни дарра уриб жазолади ва “Росулуллоҳнинг оила ахлидан бўлган имомни ҳақорат қилганнинг жазоси шудир” деб жар солдириб, туяга миндириб сазойи қилдирди.

Лекин, Фатённинг тарафдорлари таассуб қилиб, имом Шофийни пойлашди ва шогирдлари чиқиб кетишгач киришиб имомни қаттиқ калтаклашди. Шу калтак зарбидан имом Шофий хазратлари ҳижрий 204 йили ражаб ойида Аллоҳнинг ҳузурига равона бўлдилар”.

Хуллас калом, мусулмонларнинг мазҳабларга, оқиму ҳизбларга бўлган қарашларида ҳам кескин инқилоб ясаш лозим.

Зеро, Росулуллоҳ (с.а.в.) даврида ҳеч қандай мазҳаб бўлмагани ҳолда мазҳаблардан воз кечиш ҳақида гапирган одамларни ”дин душмани” деб исбот қилувчилар ҳам оз эмас.

Бундай мазҳабпарастлик, оқимвозлик ва ҳизбларга бўлиниш туфайли ислом уммати парокандалик ботқоғига ботиб қолган десак муболаға бўлмас.

Бу муаммонинг ягона чораси - аслга қайтиб, динимизга Пайғамбаримиз(с.а.в.)дан кейин кўшиб юборилган барча нарсаларнинг баҳридан ўтишдир.

Эҳтиросларга берилмай, соғлом ақл ва инсоф билан бу чорани қўллашлик мусулмонларимизнинг барчасини яна бир жон-бир тан бўлган яқдил умматга айлантиради.

Бинобарин, тарихимиз қаърига жуда чуқур илдиз отган шиа-сунний муаммосининг ечими ҳам шу чорани қўллаш билан ечилади. Зотан, бундай бўлинишни динимиз ҳаром санаганлигини, Аллоҳ таоло ҳам, Унинг Элчиси ҳам мусулмонларни бўлинмасликка буюрганликларини иккала тараф ҳам инкор этмайди.

Шундай экан, онгсиз тошлардай бир фикрда қотиб турмай, иймон, инсоф, адолат, заковат ва фаросатларини ишга солиб, иккала тараф ҳам фақат ва фақат Аллоҳнинг буйруқларини биринчи ўрнига қўйсалар, ўртадаги адоват ва ихтилофлар албатта йўқолади.

Ўзаро ҳурмат, совуққонлик, инсоф ва адолат асосида мунозара, муҳокама ва музокара олиб бориш натижасида Ғарбда 27 давлатнинг ўзаро чегараларини очиб ташлаб бир давлатдай гўзал, намунали иттифоқни тузганлари ўрнатқан оларли иш эмасми?

Бир қиблага сиғиниб, бир Куръонни тиловат қилиб, ягона Аллоҳга бандаликни даъво қилиб туриб, нафсоний эҳтиросларимиздан воз кечолмаслигимиз, иттифоққа юзланмаслигимиз, фақат Иблисни хурсанд қилади, холос.

Қолаверса, Аллоҳ таоло энг буюк неъмат қилиб берган қанча қанча заковатлар, қобилиятлар, нодир ақллар шу мазҳаблараро ихтилофлар ва масалаларни ўрганиш билан умрларини ўтказмоқдаларки, бундан умматга ҳам, ўзларига ҳам ҳеч қандай манфаат йўқ.

Зеро, шу нодир ақлларни, умматни мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва маънавий қолоқликдан чиқарувчи соҳаларга сафарбар этилиши, улар учун Аллоҳнинг олдида яхши амал, уммат манфаати учун энг зарур хизматдир.

Аллоҳ таоло барчамизга ўша, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ичган ва умматига илинган соф ва асл ислом чашмасидан ичишликни, унга интилишни насиб этсин!

Унинг соф чашмасидан бир тотган одам, исломнинг моҳиятини англайди ва қайтиб бошқа ариқлардан сув ичмайди. Бу чашманинг тиниқ сувидан тўйиб ичган одам барча диний ташналиги қониб, ўзининг бу дунёдаги ўрнини ва вазифасини тўла англаб етади.

Ўзига берилган барча иқтидор ва имкониятларни асл мақсад ва вазифа бўлган, Аллоҳнинг ердаги ўринбосари бажариши лозим бўлган вазифалар, жиҳатлар ва соҳаларга сарфлайди.

Аллоҳ таолонинг ўз динини мукамал қилганига иймонини мустаҳкам қилиб, унга бирорта нарса қўшишдан ёки қўшилган нарсаларни тасдиқлашдан ҳазар қилади. Бу ўз навбатида ислом булоғининг асл, соф ҳолида сақланишини таъминлайди.

Булганган, сон саноксиз ариқлардан сув ичиб қалблари ва онглари ўзаро нафрат адоватларга тўлиб кетган ислом уммати ҳам ўша соф, покиза чашмага қайтиб ундан тўйиб ичсалар, ҳақиқий ”одамлар учун чиқарилган энг яхши”, намунали, яқдил умматга айланадилар.

Албатта, бу ниҳоятда муҳим бўлган, умматни асл сарчашмага етаклашдек долзарб, оламшумул ишда холис, зукко, дадил ва соғлом дидга эга ислом уламулари раҳнамолик қилишлари зарур.

Бунинг учун, аввало ўзлари сингишиб, асл исломнинг ажралмас қисмидек туюлиб қолган барча қўшимчалардан, зиёдаликлардан воз кечишлари, тозаланишлари зарур, албатта.

Зеро, мусулмонларнинг бугунги аянчли аҳволига ташқи кучларни айбдор қилишга ҳар қанча уринмайлик, бу бизларни Аллоҳнинг олдидаги масъулликдан халос этмайди.

Чунки, динимизга қўшиб юборилган ва қўшилаётган барча қўшимчаларни фақат ислом ”мухтаҳидлари” кашф этиб, ”ижтиҳод” қилиб, динга хизмат қилиш илинжида, тинимсиз изланиб топганлари ва топаётганлари ҳеч кимга сир эмас.

Қизиғи шундаки, улар ўзларининг бу ишларига яна Аллоҳ таолодан ажр мукофот ҳам умид қиладилар.

Ваҳоланки, улар Аллоҳ таолонинг ”Бугун сизларга динингизни комил қилдим” деган оятларига иймон келтириб, иймонларини мустаҳкам қилиб, ўша, асл ислом ҳукмларига, амалларига бирорта зиёдалик қўшилмаслигига ёки камаймаслигига ҳаракат қилиб, асл ислом булоғини софлигини таъминлаганларида, ҳақиқий, Пайғамбаримиз меросхўрлари бўлган уламолардан бўлар эдилар.

Афсуски, ўзини шу буюк унвоннинг соҳиби деб даъво қилаётган уламоларимиз, диннинг софлигини таъминлаш, қўшимчалардан тозалаш ўрнига, ўша қўшимчаларнинг аҳамиятини, муҳимлигини исботлаш билан оворалар.

Натижада, ҳар бир мазҳаб, ҳар бир оқим ва ҳар бир ҳизб уламолари фақат ўзининг тушунчасидаги мазҳаб, ўзининг тушунчасидаги динни ҳақ деб исбот қилиш билан машғул.

Мавжуд ҳар бир тоифа ўз уламоларининг далил ҳужжатларига таяниб шу қадар таассубга берилганларки, ўзаро ҳурмат, бирлашиш уёқда турсин, ўзаро яхши муносабат, мунозара ва муҳокама ҳақида ҳам эшитгилари келмайди.

Хуллас калом, бу бўлинишларнинг сабабчиси бўлиб қолган барча булганган ариқлардан воз кечиб бирлик ва якдиллик булоғига қайтишимиз, мукамал динга бўлган мукамал иймонга қайтишимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Акс ҳолда, бидъат хурофот ботқоғига ботиб, неча юз йиллардан бери давом этиб келаётган шармандали зиддиятлардан қутулолмай, содда, оми умматни ёрқин келажак ҳақидаги чучук гаплар билан алдаб, ислом юртларини ривожланган мамлакатлар учун қора ишчи кучлари етиштириб берувчи колонияларга айлантириб юраверамиз.

Бундай, ”динга хизмат қилиш” номи остида динга душманлик қилиш билан охиратимизни бой берсак, Аллоҳнинг ердаги ўринбосари бажариши лозим бўлган вазифалардан юз ўгириб, иттифоқдан ихтилофни афзал кўриб, тафриқадан воз кечолмаганимиз учун бу дунёимизни бой берамиз.

Умматнинг бу ҳолатидан эса, ҳар қанча гапдонлик билан айбни бошқаларга ағдаришга ҳаракат қилинмасин биринчи навбатда, исломий мафқуранинг софлигини таъминлай олмаган ва олмайётган ислом уламолари масъулдирлар.

ИСЛОМ ВА ОИЛА.

Парвардигорнинг инояти билан темир пардалар кўтарилиб, юртларимиз озод ва мустақил бўлиб дунё халқлари билан дўстона муносабатлар, борди-келдилар йўлга қўйилди.

Қадим тарихимиз, оламга машҳур буюк аجدодларимиз меросларини, тарихий обидаларимиз зиёратини мақсад қилган сон-саноксиз туристлар, меҳмонлар юртимизга узок юртлардан келиб-кетмоқдалар.

Шу ўринда олис Нидерландия мамлакатидан келиб, юртимизни зиёрат қилиб, бизнинг урф-одатларимиз, турмуш тарзларимиз билан танишган бир сайёҳ билан бўлиб ўтган бир суҳбатни эътиборингизга ҳавола қилсам.

Суҳбат давомида ундан халқимиз ҳаёти ҳақидаги сафар таассуротлари ҳақида сўраганимда у шундай деди:

-Халқингизга ҳайронман оддий, элементар нарсалар етишмасида ҳар бир оилада 3-4 та 5-6 тадан болалар туғишар экан. Аввал иқтисодни, ижтимоий ҳаётни ўнглаб олмайсизларми? - деб танқидий фикр айтди.

Бироз туриб эса яна ўзи гап бошлади.

-Лекин бошқа томондан сизларга ҳавас қиламан. Бизда ҳеч кими йўқ ёлғиз одамлар кўп. Ҳамма нарса бисёр. Хашаматли уй-жойлар, автомашиналар, жиҳозлар, мол-дунё, озиқ-овқатдан камчилик йўқ. Лекин бола-чақаси, қариганида ҳол сўрагувчи бирорта яқини йўқ одамлар кўп. Одамлар эркин ҳаёт тарзини танлаб оила, бола-чақа қилмаган. Аҳвол шу ҳолда давом этса яқин 50-60 йилда бизнинг миллат ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетади – деди у ўқинч билан.

Нақадар даҳшат. Ер юзидаги борлиқ жонзот, ҳатто ўт-ўланлар ҳам ўз наслини қолдириш, давом эттириш учун курашсада, ақл ва ихтиёр неъматига эга инсон зотининг эгоистлик ва худбинлик билан ўз наслининг давомини ўйламаслиги, бутун бир халқларнинг йўқ бўлиб кетиш арафасида тургани даҳшатли фалокат эмасми?

Оила, инсоният тузган энг гўзал ва мукамал жамиятдир. Ота-она, ўғил-қиз, ака-ука, опа-сингил, катта буви ва бувалар, невара-чеваралардан ташкил топган тўлақонли оила бахти мусулмонлар жамиятининг, ислом динининг энг катта ютуқларидандир.

Қуръони Каримда оила алоқалари, муносабатларига оид бир қанча кўрсатмалар нозил қилинган. Энг ривожланган жамиятлар ҳеч қандай иқтисодий муаммо бўлмагани ҳолда демографик инқирозга юз тутиб, ер юзидан йўқолиб кетиш хавфига рўбарў тургани ҳолда, шу кўрсатмаларга амал қилишлари туфайли ҳам мусулмонларнинг сони кўпайиб бормоқда.

Инсоннинг оила қуришга бўлган эҳтиёжини оғир вазифа деб тушунтирадиган, оила асосчилари бўлган эр-хотиннинг жинсий алоқаларини инсоннинг овқатга, нафас олишига бўлган эҳтиёжи каби оддий, руҳсиз, ҳиссиз, жўн бир эҳтиёж деб тушунтирадиган либерал дунёқарашнинг касофати туфайли, Ғарбда оила, гўё эскилик саркити, қоқоқлик ва оғир бир кишан деб тушуниб қолинган.

Олий ва юксак ҳиссиётларга асосланган оила тизими ўз қадрини йўқотиб, одамлар ўз жинсий эҳтиёжларини ҳоҳлаган вақтда, ҳоҳлаган жойда, ким билан бўлмасин қондириб кетаверадилар.

Бефарқлик, бетамизлик шу даражага етдики, ҳатто шеригининг ўз жинсидан бўлиши ҳам оддий ҳолга айланди. Бу бетамизлик ва лўттибозликка ҳатто черковни ҳам бўйсундириб, баъзи

ўта либерал қарашдаги ҳаддини билмаган давлатларда бир жинсдаги никоҳларни ҳам жорий этдилар.

Балки, шу тийиксизликлар касофати туфайли ҳам бутун бир халқлар йўқ бўлиб кетиш сари юзланган бўлса ажаб эмас...

Ҳаёти давомида кўпроқ жинсий шерик алмаштиришни фазилат ва ҳаётий тажриба орттириш деб сифатланади. Натижада эти ўлиб, бирор одамда ҳар тарафлама мукамалликни топа олмай, ҳеч кимдан кўнгли тўлмайдиган ҳиссиз, туйғусиз инсонларга айланадилар.

Ислом юртларида эса, оилага ўта жиддий қараш, оила масъулиятини, бахтини юқори қўйиш туфайли, гарчи иқтисодий-ижтимоий камчиликлар мавжуд бўлса ҳам, одамлар оила қуришдан қочмайдилар. Аксар орийтли эркаклар ҳар қандай шароитда бўлмасин ўз оиласи манфаатини, масъулиятини биринчи ўринга қўядилар.

Ҳаёти давомида ўз эридан бошқа жинсий шерик кўрмаган, бола-чақаси олдида оила масъулиятини чуқур ҳис қилган муслима аёллар ҳар қандай қийинчиликда ҳам шайтон васвасасига берилмай оиласини сақлайдилар.

Зеро, ифбатли муслима аёлнинг бахти ҳам ортиқча “ҳаётий тажрибаси” йўқлиги туфайли ўз эрини бошқалар билан солиштира олмаслигидадир.

Айнан шунинг учун ҳам ҳар бир ифбатли аёл эрини ўз шахзодаси ва дунёдаги энг яхши одам деб билади ва ҳурмат қилади. Бу ўз навбатида оила мустаҳкамлигини, оилада садоқат ва вафодорлик бардавомлигини таъминлайди.

Замонавий дунёда, алоқа имкониятларининг жуда катта тезликда ривожлангани сабаб ислом оламининг катта тафовут билан ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, илгарилаб кетган Ғарб маданиятларидан таъсирланиши табиий ҳол.

Лекин биз бор имкониятлар билан мусулмонларимизни оила институтига бўлган либерал тушунчалардан ва умуман ўта худбинликка, эгоистликка асосланган дунёқарашлардан огоҳлантиришимиз, ҳимоя қилишимиз зарур.

Мусулмон оиладаги бошбошдоқликнинг олдини олиш мавзусида Курони Каримда:

“Эркаклар аёллар устида тўғрилаб, йўлга солиб турувчидирлар”- (Нисо сураси 34 оят) деган оят нозил қилинган.

Шунга кўра, мусулмонлар жамиятидаги камчиликлардан кўпроқ эркаклар масъулдирлар.

Афсуски, бутун ислом оламида шу оятга амалнинг сусайиб кетгани, жуда кўп муҳим ўринларда эркакларимиз тизгинни аёлларга бериб қўйиб, ўзлари фақат аёллари айтганларини муроса учун бажараётганлари туфайли жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммолар тўпланиб қолган.

Пайғамбаримиз с.а.в. мутлақо моли йўқ йигитга, билган 3-4 сурасини келинга ўргатиши эвазига никоҳ ўқигани ҳолда, бой араб ва форс юртларида жуда каттайтириб юборилган тўй харажатларини тўплай олмай, эркакларнинг 40-50 ёшгача уйлана олмай юрганларини, “тенгини кутиб” қизларнинг ёши 30-35 га етиб қолса ҳам эрсиз ўтирганларини қандай тушуниш мумкин.

Сир эмаски, чек-чегарасиз исрофгарчиликка, дабдабаю-ҳашамат ва ортиқча чикимларга асосланган “урф-одат”лар, “орзу-ҳавас”ларнинг барчасини фақат шу муҳтарама аёлларимиз кашф ва ихтиро этганлар ва этмокдалар.

Уларни тўғрилаб туришлари керак бўлган эркакларимиз эса Аллоҳ эркаклар учун белгилаган вазифаларини унутиб, кулоқ қоқмай, уларнинг айтганларини бажармокдалар.

Ваҳоланки, бу ноўрин сарфланаётган маблағларни болаларимизнинг юқори сифатли билим ва ҳунарларни эгаллашларига сарфланса, ислом уммати фақат сон жиҳатидангина эмас, сифат жиҳатидан ҳам бошқа халқлардан устун бўлишига эришган бўлар эдик.

Аёлларимиз шу жиҳатдан ўзларига энг яқин маслаҳатчи бўлиб қолган Иблиснинг васвасаларига алданмасликлари, нафсларини шайтоний “орзу-ҳавас”лардан қутқармоклари зарур.

Акс ҳолда, бутун ислом жамияти нафақат бу дунёни балки охиратни ҳам бой беришлари ҳеч гап эмас.

ИСЛОМ ВА ИСТИҚБОЛ.

Ўтмишни чуқур ўрганиб англамай, ҳозирни ўнглашга уриниб, ҳаракат қилмай туриб ёрқин келажак ҳақида башорат бериш у қадар мантиққа мувофиқ эмасдир.

Баъзи диндошларимиз:

-Келажак исломникидир, келажак шубҳасиз шу динникидир - деб эхтиросларга тўла даъволар қиладилар.

Улар ўз даъволарини ҳар хил изоҳлайдилар. Баъзилари ўз даъволарига динимизнинг Ҳақ таоло тарафидан юборилган охириги, то қиёмат боқий дин эканлигини асос деб билсалар, бошқалари ўз даъволарини кутилаётган Имом Маҳдийнинг шарофати ва ёрдами билан дунёнинг шу дин ва мусулмонлар кўлига ўтиши билан изоҳлайдилар.

Учинчилари эса, ривожланган Ғарб мамлакатлари аҳолисининг ўта худбинона либерал дунёқараш касофати туфайли демографик инкирозга учраб озаяётгани ва мусулмонлар сонининг ўсиб бораётганини исломнинг бўлажак ғалабасига сабаб қилиб кўрсатадилар...

Аслини олганда келажак бугундан бошланади.

Бугунги кунимизни, бугунги ёшларимизнинг онгини, дунёқарашини ўнгламай туриб ёрқин келажак ҳақида орзу-ҳаваслар билан оғиз кўпиртириш қуруқ сафсата бўлиб қолаверади.

Динимизнинг Ҳақ таоло томонидан юборилган энг охириги, мукамал дин экани шубҳасиз. Лекин, диннинг асл функцияларини реал ҳаётга тўла тадбиқ этиш, тесқари самара бераётган сабабларини аниқлаб, уларни даф этиш, хуллас динимизда жиддий ислоҳот ўтказиш хушёр ва масъулиятни чуқур англаган мусулмонларимиз гарданидаги энг долзарб вазифадир.

Дунё бўйича мусулмонларнинг ҳозирги аянчли ҳолати ҳам бундай ислоҳотнинг кечиктириб бўлмас ҳаётий зарурат эканини исбот этиб турибди.

Пайғамбаримиз с.а.в. даврида мусулмонлар хулқини, дунёқарашини юксак даражага кўтарган, ўзаро бирлик ва муҳаббат ҳосил қилган, то қиёмат ибрат бўларлик жамиятни шакллантирган динимизнинг ҳозирги кунда жоҳил ва мутаассиб, ўзаро ички зиддиятлар ботқоғига ботган, адоват ва нафрат урчиган аянчли жамиятни шакллантирувчи динга айланиб қолганини инкор этиб бўлмайди.

Шунинг учун, аввало, динимизни пайғамбаримиз давридаги соф, асл ҳолига қайтаришимиз, кейинги қўшилган жуда кўп қўшимчалардан тозалашимиз лозим.

Бундай тозалаш учун керакли, росулulloҳ давридаги манзарани тўла тасвирлаб берувчи маълумотлар, тарих китобларимиз ва ҳадису-шарифларда етарлидир. Фақат соғлом дидли, моҳиятни шаклпарастликдан, аслини кейин қўшилган сохталиклардан айириб, бизга соф, асл исломни ажратиб берувчи олимларнинг хизматлари зарур.

Фақат, шундан кейингина динимиз яна намунали, юксак маданиятли, ўзаро аҳил жамиятни тарбиялаши мумкин. Акс ҳолда неча асрлардан бери ўз ички зиддиятларидан қутула олмаётган, ички муаммолар исқанжасида бўғилиб ётган, ижтимоий-иқтисодий аҳволи фақат ачиниш туйғусини кўзғатаётган, ҳар тарафлама қоқ ва жоҳил умматнинг қандайдир ташқи сабаблар билан бутун дунёни эгаллаб қолиши, бутун дунё учун бахт эмас, аксинча умумий мусибат бўлиши ҳеч гап эмас.

Қолаверса, ҳозирги замон зўравонлик, террор ва муттаҳамлик замони эмас. Ҳар қандай мукамалликни даъво қилган дин ёки мафкура баландпарвоз даъволар билан эмас, амалда ўз

тобеълари ва эргашувчиларининг мукамаллигини, юқори маданиятини ўрнатиб қилиб кўрсата олиши билан муваффақиятга, ютуққа эришиши мумкин.

Агар мусулмонларимиз ўнганлиб, воқеъ ҳаётда ўзларининг ҳар томонлама юксакликларини кўрсата олсалар, ҳар хил таассублардан холи, фикрий қулликдан озод Ғарб аҳолиси ислом мафкурасини осонлик билан қабул қилиши мумкин.

Бинобарин, жинсий енгилтаклик, алкоголь ва наркотик истеъмоли каби жиддий муаммолар исканжасида бўғилиб ётган Россия учун ҳам ягона кутқарувчи чора ислом бўла олиши мумкин.

Дунёда энг илғор ижтимоий-иқтисодий системани тузган, инсон ҳуқуқи ҳурмати борасида энг етуқ мезонларни жорий этган Ғарб системасининг жиддий маънавий, ахлоқий ва демографик муаммоларининг ечими ҳам ислоҳ қилинган соф ислом мафкурасининг татбиқида бўлиши шубҳасиз.

Хулласи калом, келажак, Ғарб цивилизацияси ва Шарқ маънавиятининг энг афзал жиҳатларининг ўзида мужассам этган, моддий ва маънавий жиҳатдан бекаму кўст, тўқис жамиятликдир.

Бинобарин, Ғарбнинг совуққон, оқил ва ҳаётга реал қаровчи етакчи мутафаккирлари бу ҳақиқатларни англаб, ўзларининг Шарқ маънавиятига, исломнинг асл ғояларига бўлган назарияларини қайта кўриб чиқишлари лозим.

Ўз навбатида, Шарқнинг ғайратли ва холис назарли, зукко олимлари ҳам ислом динини реал ҳаёт воқеълигига мос келмайдиган баландпарвоз даъволару таассублардан, бидъат хурофотлардан тозалаб, асл ва соф ҳолатига қайтаришлари, ҳамда шу янги соф мафкура асосида ҳар томонлама юксак маданиятли, илғор жамиятни шакллантириб, дунёга ўрнатиб бўларли ислом жамиятини намоён этишлари лозим.

Бу ишларнинг миқёси, кўлами нақадар улкан ва оғир кўринмасин, агар барча тараққийпарвар кучлар астойдил уринсалар ҳозирги, бир йили бир асрга татигулик космик тезликлар замонида тез кунда сезиларли натижаларга эришиш мумкин.

Бундай хайрли, оламшумул ишга, ишларнинг ҳақиқий эгаси бўлган Оламлар Роббининг ёрдами ва иродаси мададкор, иншааллоҳ...

ДАСТУР

Мусулмонларнинг ўзаро ички ҳолатини ўнглаш

Аллоҳ таолонинг “вала тафарроқу” деган фармонини амалга ошириш, ички зиддиятларни йўқотиш йўлида қуйидагиларни қилиш шарт:

- Мусулмонларни фирқа-фирқага бўлаётган масалавозлик дарсларини, баҳсларини, даъватларини йўқотиш. Пайғамбаримиздан ўрнак олиб, фақат рукн ва фарзлар атрофига умматни жамлашга ҳаракат қилиш.

- Умматни бўлаётган соқол, кийиниш, ташқи кўриниш, мусиқа умуман асосий мақсаддан чалғитувчи, бирликни, яқдилликни кетказувчи барча масалаларни йўқотиш.

- “Иннамал мўъминуна ихватун”, “барча мўъминлар ака-укадир” га мувофиқ барча оқимлар ва ҳизблар ўз қайсарликлари, таассублари ва бадгумонликларини ташлаб, умуммиллий, умумисломий бирлик учун, Аллоҳ розилиги, ислом ғалабаси учун фарз ва рукнлар атрофига бирлашиш.

Агар шундай холис ҳаракат қилинса, нафақат мазхабу-оқимлар, балки шиа-сунний проблемаси ҳам барҳам топади, ва бу ҳолат Аллоҳга ҳам мақбул бўлиб, фақат ислом душманларини хафа қилиши мумкин ҳолос.

Исломий дарслар хусусида

Авалло исломий жамият организмнинг қони бўлган, исломий фикрат шаклланишининг асоси бўлган мавжуд исломий дарсларни қайта кўриб чиқиб, сарасини-сарага, пучагини-пучакка ажратиб олиш лозим. Мавжуд барча ислом юртларидаги носоғлом муҳитнинг асосий сабаби – қон айнигани, яъни мавжуд исломий илмларнинг организмга тоза озуқа эмас, узлуксиз касаллик етказиб тургани сабабдир.

Бот-бот пайдо бўлган ва бўлаётган ҳар хил оқимлар ҳам, касалликнинг асосий сабабини топа олмай, ўзлари кўриб-сезиб турган бирор аъзодаги муайян касалликни даф этиш билангина овора.

Лекин, касалликнинг асл сабаби бўлган қонни текшириш ҳозирча ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаяпти. Ҳаётбахш қоннинг асл элементлари бўлган, Пайғамбаримиз олиб келган, Аллоҳ таоло “Сизларга (мукамал ва бутун) исломни дин бўлишига рози бўлдим” деган ИСЛОМга кейинги қўшилган барча ёт нарсалар, ёт элементларни қондан чиқариб ташлаш, яъни исломни, исломий дарсларни ортиқча, захарли маълумотлардан тозалаш керак. Токи шу муолажа (процедура) бажарилмас экан, барча уринишлар беҳуда кетаверади. Демак;

- Диний дарсларни фақат фарзу-рукнларни, ҳалол-ҳаромларни ўргатиш билангина чеклаш.
- Ўрганиб қолинган, уларсиз диний илмлар ноқис бўлиб қолгандай туюлувчи масалавозлик дарсларини тарк қилиш лозим.

- Динни ўрганишни ҳоҳловчиларга, Пайғамбаримиз с.а.в. таълим берганидай содда, лўнда, ихчам ҳолдаги исломни ўргатиш ва бидъат масалавозлик илмларидан сақланиш лозимлигини тушунтириш зарур.

Зотан, Пайғамбаримиз с.а.в. олиб келган дин инсонни эрталаб турганидан то кеч, ётгунича ҳар бир лаҳзасини, қадамини назорат қилиш учун, ҳаммани араблаштириш, бир қолибда турмуш кечирувчи қилиш учун келган эмас. Ҳар бир миллат исломнинг асосларига зид келмайдиган ўз урф-одатлари, турмуш тарзлари билан яшайвериши мумкин.

Риёкорлик

- Риёкорлик ва шаклпарастликни йўқотиш ва аслга, моҳиятга қайтиш.
- Динга ва диний амалларга янгича қараш.
- Умматни риёкор ва шаклпараст, фикрлаш, изланиш ва ҳаракатдан тўхтаган умматга айлантирган эскича қараш стандартларини парчалаш, йўқотиш.

Дунёвий илмларни ва мактабни ташлаб, кўр-кўрона Қуръон ёдлаш қанчалик динга хиёнат бўлса, бу чаласаводларнинг ўзига ёққан оятни ушлаб олиб, миллатлар, халқлар орасига адоват уруғини сочувчи фикрлар тарқатиши ҳам шунчалик ёмон хиёнатдир.

Зеро, Ислом раҳмат (раҳм-шафқат), яхшилик, одамийлик, инсонпарварлик динидир. Умматни парчалаётган ҳозирги масалавозлик, шаклпарастликларнинг асли Пайғамбаримиздан 150-200 йил кейин пайдо бўлган бидъат - илмвозликка бориб тақалади ва унинг Пайғамбаримизга ҳамда хулафойи-рошидинларга заррача алоқаси йўқ, ўз зарарини асрлардан бери қайта-қайта исбот қилган бидъатлардир.

Шу эски чиркин пойдевор устига янги қаср курамыз деб умматнинг устидан қайта-қайта, чексиз экспериментлар, тажрибалар ўтказишни тўхтатиш лозим.

Инсон ҳуқуқлари масаласи

- Қуръони каримда асос солинган демократик асослар ва инсон зотини, инсон ихтиёрини ҳурмат қилиш ҳақидаги қонун-қоидаларни ўрганиш ва мусулмонлар ҳаётига татбиқ этишга уриниш.

Гумон, жосуслик ва ғийбатдан қайтарувчи оятларга биноан ДИН номи билан бир-бирини текшириш, гумон, ғийбат қилишни ташлаш.

- Европа тараққиётида ва бағрикенг, инсонпарвар, етук жамият барпо қилишда муҳим роль ўйнаган “инсон ҳуқуқлари декларацияси” ни ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш.

Зотан, ҳар бир инсон, инсонни ҳурмат қилишни билмас экан, ўзи ҳам ҳурмат кўрмайди. Бундай инсонлардан юксак жамият ҳам куриб бўлмайди. Мусулмонларнинг ҳозирги ҳолати бунга ёрқин далилдир.

Илм-фан соҳаси

- Илм-фанга интилиш, тарғиб этиш, ёрдам бериш, келажак авлодни гўдаклигидан диний муҳолифларни танқид ва ғийбат қилиш муҳитида эмас, инсонпарварлик руҳида ўсишига, келажакда ислом миллатига, башариятга фойда келтирадиган инсон қилиб тарбиялайдиган боғча-яслилар очиш, хусусий мактаблар очиш, илмий-техник тўғарақлар, ПТУ(хунар-техника билим юртлари)лар, олий ўқув юртлар очиш.

- Энг қимматли бойлик бўлган иқтидорли болаларни илм чўққиларига етишига кўмаклашиш.

Қўлдан бой берилган исломнинг шон-шавкати ҳам шу соҳадаги ютуқлар қайта тиклаши мумкин.

- Бу йўлдаги ҳар қандай уринишга бор имконият ва маблағларни жалб этиш, сарфлаш зарур.
- Бу соҳада ҳам ривожланган давлатлар тажрибаларини, методларини ўрганиш ва қўллаш лозим.

Аёллар масаласи

- Аёлларнинг ҳаётдаги ижобий ролини кучайтириш.
- Аёллар учун алоҳида хусусий мактаблар, ПТУ(хунар-техника билим юртлари)лар, ОЎЮлар очиш (Олий ўқув юртлари).
- Қобилиятли қизларни илм олиш йўлида қўллаб-қувватлаш.
- Хато тарзда актив ҳаётдан четлатишни йўқотиш.

Зотан, Пайғамбаримизнинг янги жамият қуриши йўлида аёлларнинг ҳам хизматлари бўлганлигини унутмаслик лозим. Аёлларни фақат уй тутқуни қилиб қўйиш исломнинг талаби эмас, балки баъзи ақли заиф, фикри тор одамларнинг талабидир.

Лоқайдлик ва масъулиятсизлик

- Диннинг, умматнинг бугуни, эртаси ва келажагидан ҳар бир ақл, фикр берилган инсон масъул эканини тушунтириш.
- Яхши ният, дуою-илтижо қилиб ўтиравериш ўрнига, ҳар бир одам ўзи фаолият кўрсатаётган жабҳада қўлдан келганча, уммат равнаки, эл-юрт равнаки учун ҳаракат қилиши лозимлигини тушунтириш.
- “Аллоҳ бир йўлга бошлар”, деб лоқайдлик қилмай, ”Мен бугун эл-юрт ва келажак авлод тараққиётига нима ҳисса қўшдим?” деб ўзини-ўзи муҳосаба (ҳисоб-китоб) қиладиган фидойиликни тарғиб қилиш.
- Омилик баҳона, ”Домлалар нима деса, шу-да” деб, ўзидан масъулиятни соқит қилмай, ақлини, фикрини ишлатиб иш қилишни тарғиб этиш.

Мусулмонларнинг ташқи олам билан алоқалари

Аллоҳ таолонинг “**одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлдинглар**” деган баҳосига лойиқ бўлиш учун мусулмонлар ўз амаллари, ҳулқлари, ҳар томонлама етукликлари билан намуна бўлган ҳолда **”яхшиликка буюрадиган, ёмонликдан қайтарадиган”** уммат бўлишлари зарур.

Ўзларини ўнглаш ўрнига, Аллоҳ ҳеч қандай ваколат бермагани ҳолда, Аллоҳ номидан, жаннатга у қиради - бу кирмайди деб, кибру-ҳаво билан сафсата сотишлари бир томондан кулгили бўлса, иккинчи томондан дунё ҳамжамияти орасида мусулмонларнинг обрўсини кетказиб, масҳара бўлишига сабаб бўлмоқда. Хўш, ахволни ўнглаш, мусулмонларнинг дунё халқлари орасида муносиб ўринга эга бўлиши учун нима қилмоқ керак?

- Аллоҳнинг бандаларини, қайси динда ёки динсиз бўлишидан қатъий назар барчасини, уларни яратган ЗОТнинг ҳурмати сабаб ҳурмат қилиш шарт. Уларнинг қай бирини қандай мукофотлаш ёки жазо бериш фақат ва фақат Аллоҳнинг ЎЗИни ҳоҳишидир.

- Хусусан Аллоҳ ўзи китоб бериб сийлаган Аҳли китоблар билан яхши муносабат ўрнатиш, уларнинг ўз жамиятларида Аллоҳ уларга юборган китобини ҳаётга самарали татбиқ этишдаги тажрибаларини ўрганиш ва ундан ўрнак олиш зарур.

Қуръони каримдаги Пайғамбаримизга қарши чиққан аҳли китоблар ҳақидаги салбий маънодаги оятларни қайта-қайта титкилаб, улар ундоқ-улар бундоқ деб, ўтган қавмларнинг айбини санаб, ҳозирги мавжуд ҳалқлар билан орани бузувчи мавзулардан ҳеч қандай фойда йўқ.

Бунинг ўрнига миллати, дини, ирқи қандай бўлишидан қатъий назар инсонни ҳурмат қилиш борасидаги уларнинг тажрибаларини ўрганиш ва мусулмонлар ҳаётига татбиқ этиш зарур.

Токи одамлар ижтимоий адолат, фаровон ҳаёт, юксак маданият, хотиржам, инсон ҳурмати жойига қўйилган жамият излаб ислом юртларидан Ғарбга эмас, Ғарбдан ислом юртларига қочиб келсинлар!!!

Аҳли китобларнинг айбларини санаш, уларга нафрат назари билан қараш ва душманликни ислом ақидаси даражасига кўтаришлик, эътиқод қилишлик – Аллоҳга, Динга ва Қуръонга хиёнатдир.

Қуръони каримни, бошқа дин вакилларининг яна қандай айблари бор эканлигини билиш ва халқро майдонда шу билганлари билан Аллоҳ номидан уларни айблаш, таҳқирлаш учун эмас, балки ўзимизни, жамиятимизни ўнглаш учун нималар қилиш лозим эканлигини билиш ва шуларни амалга ошириш учун ўрганиш зарур.

Аллоҳ ислом умматини бутун жаҳонга қози, судья, зўравон қилиб эмас, одамлар учун чиқарилган яхши уммат қилиб яратган.

Афсуски, ҳозирча бу баҳога яраша эмас эканмиз, аввал ўзимизни текшириб, хатоларимизни аниқлаб, ўнглаб олишимиз зарур.

ХУЛОСА

Мухтарам ўқувчи.

Аввало бир қадар ғайри-одатий услубда ёзилган бу рисоланинг камчиликлари учун узр.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, кўп йиллик ўйланиш ва изланишлар натижаси ўлароқ бу рисола юзага келди.

Шуни эътироф этишим керакки, бу рисола ёзилиши жараёнида ўзимнинг ва бу жараёндан хабардор, ҳамфикр биродарларимнинг тушунчаларида, дунёқарашларида анчагина ўзгаришлар содир бўлди.

Жумладан, реакция дарслар таъсири остида кўп ҳақиқатларни кўришдан тўсиб турган пардалардан, дунёга, одамларга қора кўзойнак билан қарашдан, кўзларимизга ўрнашиб қолган, одамларни текшириб, навларга ажратиб (сортировка қилиб) кўрсатувчи призма таъсиридан халос бўлдик.

Одамларни дини, эътиқоди, ирки, миллати қандай бўлмасин, улар барчаси Аллоҳнинг мукаррам махлуқидир деган тушунчада, уларга ҳурмат ва эъзоз билан қараш ҳосил бўлди.

Уларнинг ҳисоб-китоби, оқибати, ишларнинг ҳақиқий эгаси бўлган Одамлар Тарбиячисига ҳавола.

Бизга эса, уларни ҳурмат-эҳтиром қилиш, қўлдан келганича барчага, барча махлуқотга яхшилик қилиш, хусусан Бани одамга яхшилик суниш асосий хайрли иш эканини тушуниб етдик.

Бу жараён, гўё кишининг ўзи кашф этган янги дорини аввало ўзида синаб кўришига монанд бўлди.

Азиз ўқувчи, Сиз ҳам ўз тушунчангиздаги эски кўз қарашларни ташлаб бу рисоладаги тавсияларни тушуниб, ўзингизга сингдириб, дунёга янгича қарасангиз, иншооллоҳ, дунёқарашингизда жуда ижобий ўзгаришлар ҳосил бўлади.

Аллоҳнинг бандаларини текшириш, улардан айб топиш, адоват билан ғайри қараб, ўзингизга душман орттириш сабабли юзага келадиган сиқилиш, торлик ва зикналиклардан халос бўласиз. Аксинча, ўзингизни ўнглашга, яқинларингизга, шахрингизга, юртингизга, қолаверса бир маҳалладай бўлиб қолган бутун дунёга яхшилик суниб, янгича ижобий назар билан қарашга ўтасиз. Натижада ҳаётингиздан қониқиш, Яратганга шукроналар айтишингиз ортади.

Қолаверса, бундай тушунчани жамият онгига сингдириш, бизнинг юртларда ҳам Одам ўзини бахтли, эркин, хотиржам сезиб, ҳаётдан мамнун ҳолда яшай оладиган намунали жамият қурилишига кафил бўлади. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишига сабаб бўлади.

Юртимизнинг дунё ҳамжамияти орасидаги обрўси ошишига, тинимсиз безовталиқларга сабаб бўлаётган ички ва ташқи зиддиятлар исканжасидан чиқиб ривожланиш ва тараққиёт сари дадил одимлашига сабаб бўлади.

Бинобарин бу китоб, аксар онгли, фикрли юртдошларимизни қийнаб келаётган қатор саволларга асосли ва қониқарли жавоблар бера олади деб ўйлайман. Жумладан, -“Нима учун энг охириги ва мукамал Дин ўзининг, умматни бирлаштирувчи, жипслаштирувчи ва “Одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат” даражасига юксалтирувчилик вазифасини бажара олмаяпти?”- деган ғоятда муҳим саволга ҳамда бошқа саволларга жавоб беради...

Қадрли китобхон, мазмун жиҳатидан, обрўларига зарба етган, диннинг, умматнинг манфаатини шахсий манфаати, нафсонияти олдида сарик чақага ҳам олмайдиган, изланиш ва

янгиликка тиш-тирноғи билан қарши чиқувчи баъзи сўзамол, калтабин қорака-ю муллакаларнинг иғволарига учмасиз деган умиддаман.

Аммо, қалби, нияти соф, Аллоҳ елкаларига омонат қўйган бу диннинг масъулиятини ҳис этадиган, умматнинг бугуни, эртаси, келажаги асосий ғами бўлган, атрофга алангламай дадил фикрлай оладиган, соғлом фикрли, янгиликка интилувчи ёшу-қари, эркагу-аёл бу китобдаги тавсияларга бефарқ қарамас деб умид қиламан.

Беҳабарликдан, чорасизликдан, ҳар хил оқимлар таъсирига тушиб қолиб, ўз оқимидагилардан бошқа ҳаммага ғайри назар билан қараб юрган биродарлар ҳам гина-адоватларини ташлаб, шу рисоладаги айтилган, чирик барглар, кўшимчалардан тозаланган, Пайғамбаримиз баён қилган аслга, моҳиятга қайтсалар, дин туфайли гина-адоват эмас, яхшилик қилишга одатлансалар, уларга бу дунёда ҳам охиратда ҳам хавфу-хатар, хафагарчилик бўлмайди!!!

Оқни-оқ, қорани-қора деган одамни нафс кўйига кириб, душман фахмлаб, фитнес-фасод кўзгашдан ўзини тўхтата олмайдиган ожиз табиат одамларга Аллоҳ ўзи сабр ва инсоф берсин.

Оммага мўлжаллаб, кўп ўринларда оят-ҳадисларни айнан келтирмасамда, бу рисоладаги танқид, таҳлил ва тавсиялар исломнинг руҳи ва фарзларига, асосларига зид эмаслигини илмли одамлар жуда яхши биладилар.

Таназзул ва қоқоқлик сабаблари ҳақида, янги мукамал дастур тақдими борасида сизларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларингизни ўз интернет адресимда (ivazamon@rambler.ru) кутиб қоламан.

АЛҲАМДУ ЛИЛЛАҲИ РОББИЛ АЛАМИИН.

ҲАБИБУЛЛО ҲАКИМ

2010 йил